

196

Guliston

2009/2





АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИ



- Ишбилармон мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.
- Гарчи ишнинг қандай якуланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса ҳам, ақли расо ва ҳушёр кишилардан кенгашу тадбир истаб, фикрларини билмоқ лозимдир.
- Кенгаш икки турли бўлур: — бири — тил учида айтилгани, иккинчиси — юракдан чиққани. Тил учида айтилганини (шунчаки) эшитардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим.
- Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келгудек бўлса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада орди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душмандиги дўстликка айланди.
- Юз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.
- Бир кунлик адолат — юз кунлик тоат-ибодатдан афзал.
- Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.
- Давлат — лашкарлару фуқароларнинг садоқати ва фидойилиги-ла қудратлидир.
- Ёзилган нарса авлодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узоқроқ яшайди.
- Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг.

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

**Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт
ишлари вазирлиги**

Таҳририят:

бош муҳаррир

Азим СУЮН

масъул котиб

Комил ЖОНТОВ

саҳифалаш ва айтаёт

Нигина ҚОДИРОВА

Иномжон ЎСАРОВ

набатчи муҳаррир

Мансур ТЕНГЛАШЕВ

Жамоатчилик кенгаши:

Ўтқир ЖЎРАЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари

Хуршид ДАВРОН

«O'zbekiston» теле радио

канали ДУК директори

Сувон НАЖБИДИНОВ

«Матбуот таркатуви» АЖ бош директори

Абдуваҳоб НУРМАТОВ

Янгиёул Вилояти ҳокимлиги масъул хозими

Ҳайдар НУРМУРОТОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк тизимда методология ишларини мубораклаштириш департаменти директори

Абдулла ОРИПОВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг биринчи ўринбосари

Ана ТЎРАЕВ

Тошкент Davlat Маданият институтининг ректори

Абдусалом УМАРОВ

Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон миллий кутубхонаси директори

Азамат ҲАЙДАРОВ

«Ўзбекистон» эстрада варақчилиги бош директори

Муковаларимизда:

1-бет: Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева.

2-бет: Тошкент вилояти ТМЭК раиси Ирода Умарғалиева.

Босилма 2009 йил 6 апрелда топширилди. Офсет қоғози. Бичими: 60x84 1/8.

Ҳажми 6,0. Адади 4357 Бугуртма № 163

Таҳририят манзили: Тошкент — 100000, Буюк Турон кўчаси, 41 уй. Тел: 233-25-66

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0517 — рақамда гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси босмаханасида чоп этилди.

Ушбу сонда:

**Ҳалид
Сулаймонни
эслаб**

**Лазиза ВОРИСОВА
Сарв сояедаги
сўхбат**

**Ваҳоб РАҲМОНОВ
Бобурнинг
Дипноялик
яловбардори**

**Бурҳон ШАРАФ
Бухоро
нактублари**

**Одилжон САФАРОВ
Цицерон**

**Насиба ОЧИЛОВА
Мария
Қалласининг
қотили ким?**

Дунёда байрамлар кўп. Шунингдек, ҳар бир халқнинг ўз байрамлари, улуғ кунлари мавжуд. Наврўз халқимизнинг энг сеvimли, қадимий байрамларидан биридир. Шу кунларда Наврўзи олам шавқи, шуқуҳи хонадонимиз, оила ва яқинлар даврасига сиғмайди.

Гўзал юртимизда баҳор эрта бошланади, қишнинг сўнги кунларида кўкатга, сумалакка оғзимиз тегади. Одамлар бир-бирларини янги кўклам билан қутлайдилар, яна бир баҳор кўрганимиздан суюнамиз. Шукур, баҳорга етдик, деймиз.

Наврўзимизга ҳужумлар бўлгани ҳамон ёдимизда. Яқингина ўтмишда қадимги урф-одатларимиз, қадриятларимиз сингари бу байрамимиз ҳам «қатағонга» учради. Аммо давр суронидан омон чиқиб, халқимизнинг юрак-юрагидан қайта жой олди. 1990 йилда Президентимиз Фармони билан Наврўз яна қайта тикланиб, ҳаётимизда янгича маъно-маз-



мун касб этди. Бугун у янада жозибали, янада фусункор байрамга айланиб, бизни эзгуликларга, улкан бунёдкорликларга рухлантирмоқда.

“Баҳор фаслининг юртимизга серёмғир келиши, — деган эди Президентимиз Наврӯз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида, — кузда эккан экинларимиз тобора кучга тўлиб, кўкка бўй чўзаётгани, ўлкамизда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, Наврӯз айёмини ана шундай шукроналик ва мамнунлик кайфиятида, хурсандчилик билан кутиб олаётганимиз — буларнинг барчаси бу йилги кўзлаган юксак марраларимизга, орзуниятларимиз ва мақсадларимизга албатта эришамиз, деган ишонч тудиради”.

Дарҳақиқат, қадимий китоблардаги маълумотларга асосланиб, Фирдавсий ўзининг “Шоҳ-

нома” асарида Наврӯз байрамининг пайдо бўлишини афсонавий шоҳ Жамшид номи билан боғлайди. Шунингдек, Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Умар Хайёмнинг “Наврӯзнама” асарларида ҳам мазкур байрам борасида турлича маълумотлар келтириб ўтилган. Бобокалонимиз Маҳмуд Қошғарий ўзининг “Девону луғотит-турк” асарида Наврӯзга бағишланган халқ кўшиқларини ифода этган. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” асарида ҳам Наврӯз, баҳор айёми ҳақида сўз юритилган бўлиб, куёш кеча ва кундузнинг тенглик нуқтаси — олам экваторига қайтиб ўз ўрнига келиши ва Балиқ (хут) буржидан Кўзи (ҳамал) юлдузлар туркумига ўтиши борасида ҳам қимматли маълумотлар беради. Астрономик манбалар ҳам буни бугун исботлайди. Тарихчи Наршахий эса “Бухоро тарихи” аса-

рида Наврӯзга уч минг йилдан зиёд бўлганини таъкидлаган.

Ана шу маълумотларнинг ўзи ҳам Наврӯзимизнинг кўҳна, қадимий эканини кўрсатиб турибди. Бу каби маълумотларга кўз югуртирар эканмиз, Наврӯзни кекса бир донишмандга ўхшатгимиз келади. Бу байрам орқали ўзлгимиз ҳам қайта тикланмоқда, қадриятларимиз бор бўй-басти билан ҳаётимизга ранг бермоқда. Дошқозонларда сумалак, ҳалим тайёрланмоқда, алп йигитларимиз кураш, кўпкарида абжирлигини намоён этиб, боболаридек мард ва жасур эканликларини, уларнинг муносиб давомчиларини эканликларини намоён этишмоқда.

Наврӯзи олам барчамизга муборак бўлсин!

НАВРҮЗ — ГҶЗАЛЛИК АЙЁМИ



Ўзбекистон

Сайёҳ дўстим! Кўйгил чипор
Харитангни;
Унут, бу Юрт ҳақдаги тор
Таърифларни!..

Эркин Воҳид, Маъруф Жалил
Назмин ўқи,
Алп Абдулла Орифларни
Олгил уқиб!

О! Улар ҳар туйган туйғу
Тиниқ лаълдир;
Ўзбекистон дегани шу
Булбуллардир!

Баҳорида ҳатто тошга
Жонлар кирар,
Гўзал-гўзал қалдирғочлар
Мажлис қурар;

Қиз дудоғи каби ақиқ
Қизгалдоқлар
Шудринглардан маржон тақиб
Ақлинг олар!

Туман янглиғ тарқар ғаму
Қайгуларинг;
Ўзбекистон дегани шу
Ол гуллардир!

"Не қаср бу?!" деганинг, илм
Ўчоғидир,
Бошидир, хув ёш муаллим
Юз шогирдинг...

Буллар бари — Истиклолнинг
Мевалари,
Толиби илм — истиқболнинг
Эгалари!

Ҳақ кўлласин, бу серорзу
Кўнгилларни;
Ўзбекистон дегани шу
Қиз-уллардир!

Йўлинг тушса Самарқанду
Сурхонларга,
Лол қотасан аллақандай
Суронлардан;

Дил ҳаприқар, дулдулларнинг
Кишнашидан,
Завқ бағишлар, бир-бирларин
Тишлаши ҳам!..

Мард улоқчи деганда "Чу!!!"
Титрар адир;
Ўзбекистон дегани шу
Дулдуллардир!

Тилдан қолма, кўрсанг юзлаб
Камалакни, —
Не сири бор, дея гўзал
Мамлакатнинг...

Буллар — атлас кийган ўлкам
Қизларидир,
Матога жон бахш этган ҳам
Ўзларидир!
Лол қолдирар, гул узору
Гул кўллари;
Ўзбекистон дегани шу
Гулгунлардир!

Сайёҳ дўстим! Кўйгил чипор
Харитангни;
Унут, бу Юрт ҳақдаги тор
Таърифларни!..

Завқлан, ўрол оғада бор
Манзарадан,
Бахраманд бўл, Исфандиёр
Хайдарлардан!

Хар рангтаъсир — Юртнинг қутлуг
Бир бўлаги, —
Ўзбекистон дегани шу
Инжулардир!

Қаҳқаҳадан бир чорбоғ куш
Чўчиб учар,
Қаҳқаҳадан тортгайдир хуш
Бор тўрт мучанг;

Водийлик ҳар қизиқчини
Тинглаганда, —
Кулгинг қистар, ўзбекчани
Билмасанг-да...

Фориғ айлар, холис кулгу
Кўнгил гардинг;
Ўзбекистон дегани шу
Кулгулардир!

Бугдойзорлар мисли денгиз
Урар тўлқин...
Аёнки, уй — ўз донингсиз
Бўлмас тўкин;

Зукко фермер этмас завол
Бирор онин, —
О! Оппоқ сут қадар ҳалол
Топган нони!
Важ ахтариб чекмас ғарду
Эрнинг марди;
Ўзбекистон дегани шу
Зўр кўллардир!

Этсанг ҳамки Юртни тавоф
Юз айланиб, —
Санолмассан, ҳайбатли тоғ
Тизмаларин;

Зангор кўллар ою юлдуз
Кўзгусидир,
Зангор кўллар туяр денгиз
Туйғусини!

Чўка бошлар сеҳркор тун
Уфқ қизариб...
Ўзбекистон дегани шу
Тоғ-кўллардир!

Бу ўлканинг хур фикрли
Сарбони бор! —
Баски, яна не айтарли
Армони бор?!

Бир сарбонки, элни чоҳдан
Озод этмиш,
Адолату эътиқодни
Мезон этмиш!

Эл деганда унутгай У
Ўз ўй-дардин, —
Ўзбекистон дегани шу
Хур диллардир!

Юртга таъриф бермишлар хўб
Устодларим! —
Илло, камдир... нечоғлик кўп
Этма таъриф, —

Юрт буюқдир чўнг долғали
Уммон мисол!
Бирин айтдим шеър орқали
Бақадрихол.

Ич-ичимда кўзғар туйғу
Севинч-дарди;
Ўзбекистон дегани шу
Туйғулардир!

Бахтиёр БОБОНОВ

*Эгамнинг газнаси кўндир, тила ганжи илоҳийдан,
Агар бир қатраси томса, тўкилган бида оз ўлмас.*

...1953 йил бир неча оила бўлиб, Мирзачўлни ўзлаштириш сабаби билан чўлга кўчганимиздан буён бизга бешик бўлган Оққўрғон васлига етишиш армон бўлиб қолаётганлигини ва ҳар гал қишлоққа келганимизда қир-адрларни қоплаган майин ўтлоқларга, дарё ва булоқларга, дарахтлару сўқмоқларга-да боқиб тўймаётганимизни ҳис қилардик, чунки чўлда 5—6 марта уруғ сепиб, гиёҳ кўкартиролмаган бўлсак, бу водий ўзи табиатан ям-яшил, ерга уруғ тушар-тушмас униб чиқади. Чўлда қудуқдан аччиқ, лотоклардан шўр сув ичган бўлсак, бу ерда булоқлардан тоза сув ичардик. Бул заминга бўлган муҳаббатимиз хазинаи гавҳарга бўлган илинжимизданми? Йўқ. Бахмал “қатраи гавҳари пок”лиги ила муҳаббатимизни ўзига пайванд қилиб олган. Қани, шу ёзганларимизга “ганжи илоҳий”дан бир қатра томса. Бу “Бахмалнома” миз нурга йўғрилиб, файзбахшлик ва барака касб этиб, буни ўқиган ҳар бир кишига ўз киндик қони тўкилган масканини ёдига солмасмиди! Ҳар бир эзгулик ўзи таваллуд топган заминига, тупроғига бўлган муҳаббатдан бош-

ланади, дейди доноларимиз.

Сангзор дарёсидаги Бахмал кўпригидан ўтгач, ўннга юрамиз. Чапдаги тик қир ўнгиридаги кўкатга оҳиста ўтириб, билганимизча тиловат қиламиз-да, Хожа Кўндаланг бобо руҳониятларига бахшида этиб, сахий зотдан сиҳат-саломатлик, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”да ҳаммага омад ва хуш кайфиятлар тилаб, йўлимизда давом этамиз. Бу йўллардан баҳорда ўтсангиз, атрофда қийос бойчаклар ва сариқ долалар кўрасиз. Саратонда келсангиз, кўк гулли чучмомалар ва оқ гулхайрилар шамолда бошини силкитиб сизни кутиб олади. Темур бобомизнинг қадами етган Темирқадам қишлоғи табиий анвоий гуллар, мевали дарахтзорларга уланади. Ана шу олмасор адоғида Оққўрғон қишлоғи кўринади. Бахмал туманидаги барча қишлоқлар табиатан тоғ бағрида жойлашгани боис қирлари, дарё ва булоқлари, боғ-роғлари билан ўта кўркемдир. Бу қишлоқларни узукка қиёс қилсак, Оққўрғон унинг кўзидир.

Бу ажойиб манзарани бахмаллик мўйқалам устаси Исфандиёр чизган суратларда кўргансиз. Унинг мадҳини Бахмал далаларини кезган Чўлпон ва Ҳамид Олимжон шеърларида ўқигансиз. Сойда тиниқ Мингбулоқ баҳорда асовлашади, бошқа фаслларда оҳиста куй чалади. Соининг кун ботиш тарафидаги қир-соҳили бўйлаб қишлоқ жойлашган. Бу ерга тўрт фасл баб-баравар қуёш ўз нуруни аямайди. Уй-ҳовлилар ме-

ҚИШЛОҚДАН ТАРАЛГАН ЗИЁ



вали дарахтлар орасига кўмилган. Қишлоқ ўр-тасидаги оқланган қўлбола бино атрофи ҳамиша болалар билан гавжум. Бу – оққўрғонликларга зиё таратган қишлоқ мактаби. Бизлар шу жой-да ўқинамиз.

Қишлоқда катталар йиғиладиган бир ман-зил бор. Бу ўрта қишлоқдаги баландлик бўлиб, уни “Тўба” дейишади. Бу ердан қишлоқнинг па-сти-баланди, келди-кетдиси, қишлоқдаги барча уй-жой, ҳовлилар кўринади. Қадимда авлиё И-соиил халфа қурган мачит ҳам шу Тўбада жой-лашган. Уларнинг шарофатидан бўлса керак, мачит атрофидагилар ва умуман Оққўрғон қи-шлоғидагилар илми, иймон-этиқодли киши-лардир. Оққўрғонни тумандагилар “Муллақиш-лоқ” дейишларининг сабаби ҳам шу. Юмуш-лардан бўшаган ҳар ким Тўбага йиғилишиб, суҳбат қуришади. Бу суҳбатларда ҳар хил мав-зулар билан бир қаторда “Эшмурод Аҳмедов” мавзуси ҳам такрорланиб туради. Улар “Эшму-роднинг...” деб бошланадиган ҳикояларини жуда чуқ гапиришади. У хўжалик марказида иш-лаб юрган йиллари Оққўрғондан дарё бўйлаб, марказгача қурган йўлини “Эшмуроднинг йўли” деб, унинг раҳбарлигида яратилган минг гектардан зиёд боғни “Эшмуроднинг боғи” деб, суҳбат бошлашади. Эндиликда саксон ёшни қар-шилаётган Эшмурод ака Бахмал тумани Оқсо-қоллар кенгаши ва “Маҳалла” жамғармаси ра-иси вазифасида кўп йиллардан буён ишлаб кел-моқда. Ҳа, у бу ҳурматни айна тинимсиз меҳ-нат билан қўлга киритган.

Эшмурод ака мактабда ўқиб юрган йиллариёқ тилга тушган эди. У – ҳаммадан аълочи, “Орзу” деворий газетаси муҳаррири, мактаб фаоли.

Эшмурод Аҳмедовдан ҳаммамиз ўрнак олар эдик. Қишлоқда илк маориф ва илм тарқатган ҳожи бобо Кенжабой Бобобеков, Усмонкул Абдали-ев, Раҳматилла Маҳмудов, Исроил Маҳмудов, Курбон Ўразбоев, Турдумурод Умаров, Равшан Бобобековлар, Саидмурод Раимкуловларнинг хизматлари алоҳида эътиборга лойиқ бўлган. Уларнинг оққўрғонлик шоғирлари ҳақиқатан ҳам илм чўққиларини, ижод сирларини, тад-биркорлик маҳоратларини, раҳбарлик қобили-ятларини намойиш этиб, устозлар таълимини оқламоқдалар. Оққўрғонлик илми ёшлар ҳақида ҳамма жойда тўлқинлиб гапиришади. Устоз-лардан бири Равшан Бобобеков Самарқанд Дав-лат университетининг механика-математика фа-культетини битириб қайтгач, чорак аср мобай-нида математика фанидан дарс берди, илмий бўлим мудир бўлди. У ўз сақбининг устаси бўлгани учун ҳам туман ва вилоят ҳокимияти, халқ таълими бошқармалари томондан қатор му-кофотларга сазовор бўлган. У эндиликда нафа-қага чиққан бўлса-да, ҳали ҳам ёшлар тарбияси билан шуғулланади. Қишлоқ муаллимлари меҳ-нати самараси ўлароқ Абдураимовлар оиласини мисол олайлик. Оила каттаси Ҳабибулло ва ука-си Ибодулла – ҳар иккиси шу мактабнинг битир-гач, олий таълим олиб, чорак асрдан зиёдроқ вақт мобайнида савдо соҳасида раҳбарлик вазифаларида ишлади. Учинчиси – Холмўмин педа-гогика институтини битириб, ёш авлодга чорак аср тарбия берди, уларнинг эл-юртга, қишлоқ-дошларига нафи тегди, эндиликда улар нафа-қада. Холйигит олий маълумотли ҳисобчи, Оққўрғон шаҳараси бўйича талқиқот ишлари олиб бормоқда. Кенжаси Мингйигит қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, Самарқанд Давлат университетиди озиқ-овқат экинларидан юқори ҳосил етказиши бўйича илмий ишлар олиб бо-риб, фан доктори даражасини олиш арафасида



турибди. Шунингдек, Синдор Кулматов, Акбар Бобобеков, Исомиддин Бобобековлар турли олий ўқув юртлиларида дарс бериш билан бирга илмий ишлар олиб боришмоқда.

Шу қишлоқ мактабида таълим олган бир қатор ёшлар бугун ҳўжаликларни, туманларни бошқаришмоқда, вазириликларда ишлашмоқда. Мирзасултон Бобобеков Мирзачўл тумани ҳокими, Мамарасул Бобобеков, Шарофиддин Каримовлар Бахмал тумани ҳокими ўринбосари вазифаларида ишлаганлар.

Бахмалнинг гўзал табиати раҳматли Турдимурод Умаровга бир уммон илҳом бағишлади: унинг қатор шеърлари туман, вилоят ва республика матбуотида чоп этилди. Қишлоқ ва ҳўжаликлар тарихини ёзди. Мактабга директор бўлди, ўнлаб шогирдлари унинг ишларини давом эттирмоқда. Абдуманноп Азимов “Ишонч” газетасининг Жиззах вилояти бўйича махсус мухбири вазифасида ишламоқда. Элликдан ортиқ ёшлар Жиззах ва Тошкент шаҳарларида илм олиб, турли соҳаларда ишлаб, тадбиркорлик қилишмоқда.


Бахмал худудидаги қатор ҳўжаликлар Тошкентдаги чорвачилик, ғаллачилик, боғдорчилик соҳасидаги илмий-текшириш институтлари ихтиёрида бўлиб, юқори ҳосил етиштиришнинг илмий-амалий йўналишларини ўрганганлар. Бугунги кунда қишлоқ ҳўжалиги экинларидан юқори ҳосил ва сифатли маҳсулотлар етиштириш бўйича шуғулланадиган олимлар ҳам, тадбиркорлар ҳам, миришқор ишчилар ҳам ўзларидан етишиб чиққан. Утган йил октябр ойида Республика Президентининг “Озиқ овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чоралари тўғрисида”ги Фармони аини муддао бўлди. Шу Фармон талабларини бажара бориб, улар лалми

ғалла, нўхат, зигир, картошка, пиёз, сабзи ва бошқа सबзавотлар ҳамда боғдорчилик маҳсулотлари етказишнинг оптимал вариантларини топдилар. Ва бу соҳаларда ҳар йили белгиланган шартномаларни бажариб келишмоқда. Режадан ортиқ етиштирилган маҳсулотлар Жиззах, Самарқанд ва Тошкент шаҳарлари бозорларида сотилади. Ҳар йили янги йил арафасида Бахмалнинг турфа меваларини шаҳарликлар дастурхонига етказиб бериш анъана тусига кириб қолган. Бахмал шифобахш олма-ларининг доврўғи нафақат ўзимизда, балки чет элларга ҳам ёйилган. Бугунги кунда собиқ “Ойқор”, “Бахмал” ҳўжалиги ҳудудларидаги минглаб гектар олма боғлари фермерларга бўлиб берилган. Улар шартномада белгиланган ҳосилни топширгач, қолганини шаҳар бозорларига чиқарадилар.

2009 йил – “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”да Бахмал тумани қишлоқлари янада тараққий этиб, фаровон бўлишига шубҳа йўқ. Туманда ғалла, озиқ-овқат, полиз ва боғ маҳсулотлари, уй-жой қурилишлари каби қатор муаммолар ички имкониятлар ҳисобига ҳам ҳал этилиб келади. Кўп йиллардан буён айрим чекка қишлоқларда муаммо бўлиб келаётган йўлларни таъмирлаш – гашлаштириш, замонавий технологияни келтириш масалалари эди. Бахмал қишлоқлари аҳли бу масаланинг йил дастурига киритилганини қувонч билан кутиб олдилар. Иншооллоҳ, тез кунларда ташқи йўллар ҳам таъмирланиб, чекка қишлоқлардаги хонадонларга “зангори олов” кириб келади.

Рауф РАҲИМ





Отам раҳматли: — Ҳаётда ҳамма қилиши лозим бўлган, лекин унча-мунчанинг хаёлига келмаган, амалга оширишга журъати етмаган ишни қилган киши мард бўлади, дерди.

Мен билган, таниган ўша мард одамлардан бири Ҳамид Сулаймон эди. Миллатпарварлиги боис у менга устоз бўлиб қолди.

Ҳамид акани ёш бола вақтимда, уйимизга келганида кўрган эдим.

1938 йили педагогика билим юртини битириб, Қорақалпоғистонга отланиш олдидан, Тошкент педагогика институтининг сиртқи бўлимига ўқишга кириб кетдим. Бир йилдан сўнг қайтиб келгач, кундузги бўлимга ўтишим учун сиртқида ўтилмаган “Қадимги дунё”, “Антик адабиёт” фанларидан имтиҳон топширишим лозим бўлди.

Ёз вақти. Ҳамма ўқитувчилар таътилда. Мендан имтиҳон оладиган ўқитувчимнинг Новзадаги боғини, саратон иссиғида тўпигимдан тупроққа ботиб, топиб бордим. Минг истиҳола ила боғ эшигини тақиллатдим. “Лаббай” деган овоз эшитилиб, кўп ўтмай эшикни очиб, қай кўз билан қарай, баланд бўйли, энги калта кўйлагининг тугмалари солинмай, жундор кўкраги очиқ, болалигимда уйимда кўрган ўша одам рўпарамдан чиқди. Даъфатан, ҳаяжонланиб, саломлашганимни ҳам билмай қолдим. Бу профессор Ҳамид Сулаймон деганлари — ўша уйимга борган одам эди.

Ташрифим сабабини билгач, ичкарига таклиф қилди. Чинордек катта ўрикнинг тагига ўрнатилган ёғоч сўрининг ёнидаги стол-стулга таклиф этди. Қандай китоблар ўқиганим, нимага қизиқишимни сўраш билан бир вақтда ўз фани бўйича бир-икки савол бериб, жавобларимга қаноат ҳосил қилгач, ортиқча гап гапирмай, баҳо кўйиб берди.

У мени танидим йўқми, билмадим-у шундай одам уйимизга борганидан, яъни менга таниш бўлиб чиққанидан ўша кунги қувончимнинг чеки йўқ эди.

Фарб ва антик адабиётдан икки йил — уруш бошлангунча бизларга дарс берди. Уруш сабаб ҳаммамиз ҳар ёққа тарқалиб кетдик.

1942 йили мен Мирзачўлга ишлашга кетдим. Ҳамид Сулаймон университетда дарс бериш билан бирга таниш колхоз раисининг ёрдамида сабзавот дўкони очиб, ёзда тарвуз сотаётганлигини эшитдим. Шу-шу кўришмадик.

Фақат... Фақат... Оралдан ўн йил ўтиб, айтишга тил бормаиди, бирга суд қилинган вақтимизда суд залида устоз ва шогирд дийдор кўришдик.

Гуноҳимиз нима бўлган?


1950 йилда Ҳамид Сулаймон миллатчиликда айбланиб қамалди. 1951 йил январ ойида “миллатчи домлар” — Ҳамид Сулаймон, Алимуҳамедовларнинг таъсирида бўлган, деб мени ҳам қамоққа олиб кетишди.

Улар билан ўн йил мобайнида бирор марта кўришмаган, ўзаро борди-келди қилмаган бўлсак, унинг миллатчилиги нима-ю, менга таъсири нимадан иборат экан?

Ҳамид Сулаймоннинг миллатчилиги сабабларидан бири бизга дарс берган вақтда Фарб маданияти ва адабиёти Шарқнинг таъсиридан баҳраманд бўлиб ривожланган, деганида эди.

“Ўзбеклар саводсиз халқ эмас, Навоий ижодидек бой

ҲАМИД СУЛАЙМОННИ ЭСЛАБ



Ҳамид Сулаймон

меросга эгамиз” деганида эди. Ҳамид Сулаймоннинг менга салбий таъсири эса унинг юқоридагидек, шўро сиёсатига қарши қарашларини ёқдларини-у ижодимда бунинг ўз аксини топтини экан.

Ўз миллатини, ўз юксак маданиятини севмаган, у билан фахрланмаган одам бўлармикин дунёда?

Ҳамид Сулаймон ўзбек маданияти, саҳий урф-одатларини чексиз муҳаббат ила севган буюк сиймо бўлган. У одамларнинг касб-кори, мартабаси, кимлигини ҳаёлига келтирмай самимий муносабатда бўлар эди.

Кейинчалик суҳбатлардан бирида:

— Шукруллоҳон, ўз халқини севмаган одам бўлмайди. Лойиқ хизмат қилиш учун ҳаминда имкон бўла бермас экан. Ўзингиз гувоҳсиз. Мана, энди худо умр берса, миллатни севиш, унга хизмат қилиш қандай бўлишини кўрсатаман, “Ўзимни бағишлай” дейдиган замон келди, деса мағрурлангани ёдимда.

У қўлёзмалар институтида директор, Навоий музейига раҳбар лавозимда ишлашига қарамай, илмий ишлар билан шуғулланиб, тиним билмади.

Бир кун менга эй, шоир, қаёқларда юрибсиз, нималар бўляпти, билмасангиз, деб гина қилди. Лекин руҳи тетик. Юзидан қувонч ёғиларди. Худди парвоз қиламан дегандек эди:

— Шукруллоҳон, хушxabарни айтиб қўяй, қўлёзмалар институти, Навоий музейи биносига қўшимча бино қуриш ҳужжатига имзо қўйдириб келдим.

Бу гапни эшитиб бироз ўйланиб қолдим. Наҳотки, олти қаватли катта бино камлик қилган бўлса, деб ҳайрон ҳам бўлдим. Буни сезиб куйиниб: — Ҳайрон бўлман! Бизнинг халқимиз адабиёти, санъати ҳамда тарихимиз соҳасига оид қўлёзмалар шунчалар кўп-ки, олтинга топилмас бу меросимиз дунёнинг тўрт бурчагига сочилиб, яшириниб ётибди. Агар жамлай олсак, фақат бу бинолар эмас бир неча эрмижат қилса ҳам бўлади, деди.

Мана, сизга битта мисол айтай: Хоразмга бориб гуҷум ёғочдан гўла тайёрлатиб келдим. Минг йиллик қадимги чолгу асбобларимизни ясатаман. Дунёда бизлардек ранг-баранг чолгу асбоблар ҳай халқ йўқ. Мен уларни деворларга илиб, ҳар бирининг тағига тугма ўрнатаман. Тугмани шундай босдингизми, унинг минг йил олдинги оҳанги, овозини эшитадиган бўласиз, шоир! Бу ишларни энди Сиз билан биз қилмасак ким қилади, деди.

— Маданиятимизга бутун умрини бағишламоқчи бўлганлар, навқиронликлариди қамалиб, отилиб кетдилар-ку? Халққа жон куйдирган шоирларни, адибларни биласиз. Отам Сулаймонхўжанинг орзусига етолмай кетганлиги — ҳаммаси маълум-ку...

Қалбида туғён урган бу афсус, армонлар томоқларига тикилди, бир дам қошларини чимириб жим қолди! Ҳамид ақанинг тарихий музейлардан ибрат олиш учун кезмаган мамлакатлари қолмади. Бундай ижодий сафарлар унинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшарди.

Унинг бу орзу-интилишларини билган Шароф Рашидов йигинлардан бирида Ҳамид Сулаймон ҳақида “У одам ўзи тинчимайди, бошқаларга ҳам тиним бермайди” деб, унинг ишларини намуна қилиб гапирган эди.

Унинг бундай тиниб-тинчимаслиги, талабчанлигига дош беролмай, ишни фақат келиб-кетиш, деб биладиганлар орасида Ҳамид ақани хуш кўрмайдиганлар, ҳасадқўйлар ҳам бўлган...

Ёдимда, тошкентликка ўхшамаган, бошида дўппи, хушрўй, ёши элликлар чамасидаги меҳмон эшикдан кўриниши билан Ҳамид ака унга кучоғини очди. Ўтиришга таклиф қилгандан кейин:

— Бу киши мен билан қамоқ лагериди бирга бўлган. Менга қадрдон бўлиб қолган андижонлик, мард йигитлардан — Турдиали бўладилар, деб бизни таништирди.

Бу одамни қаерда кўрганимни эсладим. Етмишннчи йилларда Ҳамид Сулаймон ташаббуси билан Андижон бозорига яқин жойда мадрасанинг эски биноси таъмир қилиниб, Тошкент Навоий номидаги адабиёт музейининг филиали биносига айлантирилди. Янги музей тарихий, маданий ёдгорликлардан ташқари, Бобур, Чўлпон, Ҳабибий, Восит Саъдулла каби шоирларнинг расомлар ишлаган расмлари билан безатилган эди. Музейнинг очилиш маросимида бу одам билан кўришганим ёдимга тушди.

Турдиали мени таниганига ишора қилгандек, қўлини кўкрагига қўйиб менга:

— Ака, бизлар мардликни Ҳамидуллоҳон акадан ўрганганмиз. Мен бошланғич мактабда муаллим бўлганман. Мени, сен миллатчи. Чўлпонни яхши кўриб мақтагансан, деб қамашган. Аммо миллатга жон куйдириш қандай бўлишини, худо ҳаққи, мен Ҳамидуллоҳон акадан ўрганиб, фаҳмига етдим.

Пахтакор ўзбекман деб мағрурланиб юрган эканмиз. Лекин, ўзбеклар ҳақида гап кетганда, кўркмасдан немисни олдида ҳам, бошқаларни олдида ҳам ўтмиш тарихимизни, ўзбекнинг буюклигини гапириб ҳаммани лол қолдирганда, бу одамни билимига, виждонига, мардлигига тан берганмиз. Лагердан кетгунларигача ўзимнинг бригадамда бўлларин. Жонларини сақладик.

Ҳамид ака унинг гапини бўлиб:

— Турдиали деганда, унинг номини эшитганда лагердаги ҳар қандай безорилар ҳам ўзини четга оларди. Ўзбекнинг шундай ҳаминша мард ўғлонлари бўлган, деди. Ҳамид ака яна завқ билан нимадир демоқчи эдилар Турдиали: — Бобур Мирзо ҳам ахир, андижонлик-ку! — деб мақтаниб қўйди.

Ҳамид ака ўзида яна бир куч ҳис қилиб, хурсандчилик билан:

— Эрта-инди Туркияга кетялман. Туркия президенти ўзининг шахсий меҳмони сифатида мени ўн кунга таклиф қилиб, бутун санъат, адабиёт, тарихимизга доир қўлёзмалар, ҳужжатлар борми, ҳаммасини кўриб танишишимга имконият яратиб бермоқчи, деди.

Унинг бу гапларини бепарво эшитиб бўлмасди. Қувончимнинг чеки йўқ эди. Кўчоқлашдик. Ахир, халқнинг меросига бундан ортқ меҳр қўйиш, унга қайғуриш, жон куйдириш бўладими!..

Афсус, минг афсуски, Туркияга сафар насиб этмади, 1979 йил 6 июлда фидоий инсон боқий дунёга рихлат эдилар.

Буюк жонқуяр олим Ҳамид Сулаймоннинг бевақт вафотига қанчалар афсусланмай, ачинмай, шундай хулосага келялманки, ўз халқига сидқидилдан қилинган улуг хизматлар ҳаминша ибрат мактаби бўлиб қолаверди.

ШУКРУЛЛО,

Ўзбекистон халқ шоири

МУСИҚАНИНГ СЕХРАСИ ОЛАМИ

Муסיқий ва драматик театрлар саҳнаси учун муסיқа ёзиш таниқли композитор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг бош дирижери, Ўзбекистон Давлат консерваторияси доценти Алишер Икромов ижодининг асосий йўналишларидан биридир.

Бобоси суюкли набираси Алишерга унинг келажакда

муסיқачи бўлишини болалигидан башорат қилган эди. Бўлғуси композитор болалигидан спортни яхши кўрар, кўпроқ футбол ўйнардди. У 1985 йилда П.И.Чайковский номидаги Москва Давлат консерваториясини муваффақиятли тамомлади. Алишер композиция жанри бўйича Россия халқ артисти, профессор Т.Н.Хренников мураббийлигида таҳсил олди. Муסיқий ва драматик жанр-

лардаги ижодий давомийлик борасида бир педагог, устоз сифатида Т.Н.Хренниковнинг бўлғуси композиторга ўтказган таъсирини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Аксарият санъат мухлисларига Т.Н.Хренниковнинг театр, кино учун ёзган куйлари таниш. А.Икромовнинг театр учун ёзган муסיқаси ранг-баранг: опералар, мюзикллар, рок-опералар, лирик комедиялар, муסיқий драматик асарлар, болалар кўғирчоқ театри учун бастанган муסיқалар шулар жумласидандир.

Ўзбек композиторининг асарлари хорижий мамлакатларда, жумладан, Туркия, Италия, Исроил, Россия давлатларида, Марказий Осиё мамлакатларида ўтказилган халқаро фестивалларда ижро этилди, совринлар билан тақдирланди. Бу асарлар мухлисларда ўзининг ҳиссиётга бой оҳанги, бетакрор миллий тембрининг ёрқинлиги билан катта таасурот қолдирди.

Ижодкор қирқдан ортиқ спектаклларга муסיқа ёзди, уларнинг аксарияти Ўзбекистондан ташқарида: Россия, Исроил, Италия каби давлатлар театрларида кўйилган. А.Икромов ижодида соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб ёзган “Буюк Темур” тарихий операси алоҳида ўрин тутди. Иброҳим Жияновнинг мазкур “Буюк Темур” бир пардали либреттоси 1996 йилда Алишер Навоий номидаги Давлат Академик Катта театри саҳнасида кўйилди ва томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

2006 йил Тожикистонда,



Душанбе шаҳрида С.Айний номидаги опера ва балет театрида Алишер Икромовнинг буюк Шарқ шоири Умар Хайём рубоийлари асосида ёзган моноопераси қўйилди. Шунингдек, композитор Тошкент мусиқали комедия театри учун қатор мусиқий комедиялар, болалар учун эртакларга оперетта, мюзиклларга илҳом билан мусиқа ёзди. Айниқса, болаларга бағишланган “Болаларга йиртқич ҳайвонлар ҳақида” (1993), “Қўпол шоҳ сири” (1995) мусиқий эртаклар, “Мамат кулол” (1993), итальян комедиялари асосида яратилган “Бевалар меҳрибони” оперетталари, “Афсонавий зинапоя” (1986), “Холажон, уйланмоқчиман” (2004) мюзикллари, В. Баграмовнинг замондошларимиз ҳақидаги комедия либреттоси диққатга сазовор. Алишер Икромов Муқимий номидаги мусиқали драма театри билан ҳам сермахсул ижодий ҳамкорлик қилди. Бунга 1999 йилда сахнага қўйилган Ф.Файzieвнинг “Тилло тухум” либреттосини мисол келтирса бўлади.

Шу ўринда ижодкор томонидан буюк аллома Аҳмад ал-Фарғонийга бағишлаб 1998 йилда Қўкон мусиқали драма театри сахнасида қўйилган “Башар алломаси” спектаклига ёзилган мусиқани ҳам алоҳида таъкидлаш керак.

Композитор тўқсонинчи йилларда драматик театрлар билан ҳам яқин алоқада бўлди, ҳозир ҳам яхши ҳамкорлик қилади. 1993 йилда Ўзбекистон Миллий драматик театрида Фафур Фуломнинг “Шум бола” асари бўйича мюзиклига, У.Шекспир-

нинг “Қирол Лир”, 1994 йилда “Ноёб нусха”, яна шу йилда “Яхшилик қолурму” спектаклига ёзилган мусиқалар ана шундай самарали ҳамкорликка ёрқин далил бўла олади.

Илк бор А. Икромов мусиқали театрга 1987 йилда итальян драматурги К. Гоццининг “Бахтиёр гадолар” драмаси асосида яратилган театр ва радиоспектаклга ёзган мусиқаси билан кириб келди. Унинг ижодидаги ана шу жиҳат Ўзбекистон қўғирчоқ театри ижодий жамоаси билан дўстона ҳамкорлик қилишига замин яратди. А.Икромов қўғирчоқ театри учун 30 га яқин спектакллarga мусиқа ёзди. Ҳозирда мазкур театр сахнасида “Нўхат полвон”, “Иссумбоси” (япон халқ эртаги бўйича), Г.Х. Андерсеннинг “Қор маликаси” асари бўйича қўйилган спектакллари муваффақият билан ижро этилмоқда. “Яна Андерсен” спектакли эса С.Образцов номидаги Москва қўғирчоқ театрида ўтказилган халқаро фестивал совриндори бўлди. “Оловиддиннинг сеҳрли чироғи”, “Ким миёв деди?”, “Простоквашино таътиллари”, “Қувноқ томоша”, “Хазина излаб” ва бошқа спектакллarga ёзилган мусиқалари ҳақида ҳам қувонч билан илиқ сўзларни айтиш мумкин.

1997 йилда Россиянинг Оренбург шаҳридаги мусиқали комедия театрида “Қўпол шоҳ сири” эртаги қўйилди ва томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлди. Демак, шундай экан, эртак учун куй яратган композиторнинг хизматларини алоҳида таъкидла-са арзийди.

Ҳозир у “Минг бир кеча”

мюзикли устида қизғин иш олиб бормоқда. Композитор, эстрада-симфоник оркестри бош дирижери ўзида истеъдодли мусиқачи, ижодкорликдан ташқари яна куюнчак раҳбар, захматқаш инсон фазилатларини ҳам намоён этган.

Алишер Икромов ижодида тарихий мавзу алоҳида ўрин тутади. Балетмейстер Ю.Исма-тованинг Ўз ТВнинг олтин фондида кирган, 1996 йилда сахнага қўйилган “Темурий” балети либреттоси мусиқаси фикримизнинг далилидир.

Шу тариқа композитор мюзиклдан эртакка қадар турли жанрларда муваффақият-ли ва баракали ижод қилиб келмоқда. Ижодий диапазонининг бу қадар кенглиги композиторнинг мусиқий сахна жанри қонуниятлари борасида чуқур малака, билимга эга-лигидан, артистлар ва режиссерлар билан ишлай олиш маҳоратидан далолат беради.

Алишер Икромовнинг спектакллarga ёзган қўшиқ-лари алақачон мамлакатлар аро қанот ёзиб халқаро танловлар, фестиваллар дастур-ларига киритилган. Унинг кўтаринки, байрамона қўшиқлари ватанимизда ҳам, чет элларда ҳам илҳом билан ижро этилмоқда.

Бугун композитор ижоди-нинг аини барқ уриб гуллаган пайти. Шу муносабат билан биз унга ёшларнинг маънавий оламини бойитадиган асарлар яратишини, мусиқали сахна-да, эстрада-вокал ижодида янги-янги ютуқларга эриши-шини тилаб қоламиз.

Мавлуда ЎРИНБОЕВА,
Ўзбекистон Давлат
консерваторияси
катта ўқитувчиси

ШАРМ - ҲАЁ

ЭНГ ЯХШИ ФАЗИЛАТ

Баҳорий гўзалликни ўзида мужассам этган хотин-қизлар байрами, Наврўз тантаналари ҳали нигоҳларимиздан унчалик йироқлашмади. Уша анжуманлар сабаб оиламиз, ишхона ёки маҳаллаларда ҳам атрофимиздаги кишиларнинг, айниқса, хотин-қизларнинг сертаклуф ҳаё-иболи, илиқ табасумлари дилларимизга ҳали ҳануз завқу сурур бахш этмоқда. Аслида, ҳар бир кун-тунимиз бундай қувончли учрашувларсиз ўтмайди. Инсон аввал ботинан кейин зоҳиран тайёрлангач, сўнг лутф айлайди. Ана шундай пайтларда унинг чеҳрасида эҳтиётгарлик, ҳурмат, самимият жилоланади, тиник сув тагига ой яширина олмаганидек нигоҳларда андиша қалқийди. Бундай фазилатларга эга бўлганларни ҲАЁли кишилар деймиз.

Шарм-ҳаё. Одамийлик ҳаёси. Бу ҳақда муайян фикрига эга бўлмаган, уни тушунишга ҳаракат қилмаган, ёки бу ҳақда ёзмаган бирон мураббий, ижодкор, файласуф, санъаткор ёки руҳшунос топилмас керак. Айниқса, бу ҳақда ота-оналаримиз ва мураббий-ўқитувчиларимиз кўпроқ гапиришади. Лекин барибир бу айтилганлар кам. Чунки, гап инсоннинг асл зийнати ҳақида кетмоқда.

Ҳаё иймондандир, дейишади. Балки шарм-ҳаё иймоннинг айна ўзагидир. Инсонлар иймонларига содик, ибодат-итоатли, инфоқ-эхсонли, сабр-тоқат-

ли, кенг феълли, атрофдагиларга меҳрибон бўлишга ҳаракат қилишади. Бундай сифатлар кўпинча кекса нурунийларимиздан, устозларимиздан, момоларимиздан ёшларга, шогирдларга юқади, улардан ўғил-қизларга, зурриётларига ўтади. Ҳар қандай яхши фазилатларни, ярашиқли имо-ишораларни одамлар, айниқса, болалар тез ўзлаштириб оладилар.

Бизнинг миллатимиз ўта ҳаёли ва бу унинг энг олий қадриятидир. Бундай миллий гуруримиз бой маънавий бисотимиз билан фахрлансак арзийди. Чунки ҳаё туфайли ўзаро яқинлик, ҳурмат, ишонч, ишқ-муҳаббат, эътиқод пайдо бўлади. Унинг билан иззат-икром, чин дўстлик, мустаҳкам оила тарқиб топади. Хуллас, шарм-ҳаё саодат калитидир, десак адашмаймиз.

Лекин ҳаё ўз-ўзидан баркадор сақланади, ҳамиша жилва қилиб тураверади, деб бўлмайди. Гап шундаки, уни дунёвий ҳаёт давомида бардавом сақлаб туриш ва аксинча, йўқотиб қўйиш ҳам мумкин. Ҳаёсизлик эса, афсуски, кишига фожеалар келтиради.

... Биз тушган автобус бекатда бироз тўхтади. Унинг ойнасидан яқинроқдаги бозор расталари, сотувчи ва харидорларнинг ҳаракатлари кўриниб турарди. Бирдан қий-чув бошланиб кетди. Сигарет ва бошқа майда-чуйда сотиб юрувчи икки аёл айтиша кетишди. Уларнинг бир-бирларига ҳамлаларидан

кўлидагилар ҳар тарафга сочилди. Кейин эса бир-бирларини куракда турмайдиган эракча сўкишлар билан ҳақорат қила бошладилар...

— Вой, озгидан ел олсиней, — деди ёнимдаги ўриндиқда ўтирган кекса аёл, уятли сўзларга тоб беролмай юзини яшириб. Хайриятки, автобусимиз кўзгалди, жанжал шовқинлари ортда қолди. Лекин ҳамманинг кайфияти хира, бу ҳолдан гўё ўзимиз айбдордек ҳижолатда, бир-биримизга қарай олмас эдик. Автобус ҳийла узоклашгач, ёнимдаги кекса аёл бошини кўтариб, “Афсуски, урушқоқ аёллар барча шарм-ҳаёлларидан мосуво бўлишган экан”, деди. Мен, “ҳаёнинг ҳам сон-саного бўладими?” деб сўрадим. Онаҳон шундай жавоб қилдилар:

— Момоларимиз айтишардиларки, агар эракда битта ҳаё бор десак, аёлларда ўнта ҳаё бўларкан. Қайси бир аёл ҳаёти давомида бу ҳаёларни сақлаб қола олса, у ҳақиқий аёл — чиройли ва гўзал, одобахлоқли, бахтли бўлади. Лекин турмушдаги турли ҳодисалар, ҳолатлар туфайли аёл ҳаёси камаё бораркан. Масалан, қиз болалар бир ахлоқсиз кишининг беҳаё сўкишини эшитса, биринчи ҳаёсидан маҳрум бўларкан. Эрак киши қизнинг қўлини ушласа иккинчи, унаштирилганида учинчи, чимилдиқда тўртинчи ва ниҳоят биринчи фарзанд кўргач, бешинчи ҳаёси эгасини тарқ қилар-

кан. Булар табиий ҳол бўлиб, ҳамма аёлларда содир бўларкан. Лекин, қолган беш ҳаёни хотин-қизлар умр бўйи ғубор кўндирмай сақлашлари шарт бўлган. Агар хотин киши эрига хиёнат қилса қолган беш ҳаё ҳам бирваёкайига кетар экан. Бундайлардан худо сақласин.

Бу кекса онахон яна шу гапларни кўшиб кўйди: Аёл киши оддий сўзлашганда ҳам, завқланиб куйлаганида ҳам, ҳатто яширин ўйлаганида ҳам ҳаё ҳиссини унутмаслиги лозим. Аёлларнинг ҳаёси — гилоф кабидир. Улар ҳаё оҳорини умрларининг охиригача сақлаб қоладилар. Шунинг учун ҳам шарм-ҳаё аёлларнинг энг яхши безагидир. Улар олам борки, эркакларнинг буюк орзуси бўлиб қолаверадилар. Фаросатли, ҳаё-иболи аёл аёл эмас, у фаришта, у мўъжизадир.

Бу суҳбатни таниш онахонлар даврасида давом этказганимизда улар ҳаёни ёшлиқдан асраш лозимлигини ва ўзлари болалигида улғая бошлагач, ўз қоматларини уйдаги эркаклардан, айниқса, оталардан яшириб юришини, йўлда одамлар олдини қирқиб ўтмаслигини айтишар, ҳозирги қизлар эса сийна-ю елкалари қолиб, белини ҳам очиб юришлари ўта ҳаёсизлик эканликларини куйиниб гапиришарди.

Кексаларимиз, Пайғамбар алайҳиссаломни аёллардан ҳам ҳаёлироқ бўлганлиги ҳақида кўп гапиришади. Аждодларимиздан бизгача етиб келган қадриятларимиз, гўзал урф-одатларимиз ва уларнинг комил инсонни шакллантиришдаги аҳамияти ҳам бекиёсдир.

“Бу ҳақда фикр юритганда, бизнинг улуг аждодларимиз, ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар

мажмуасини, замонавий тилда айтганда, шарқ ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли, деб биламан. Отабоболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибодат ва ифбат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламиз”, — дейди Юртбошимиз ўзининг “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобида.

Ҳа, аждодларимиз маънавияти қаъридан бизларгача етиб келган юксак ахлоқий мезонларга амал қилсак, ҳусусан, шарм-ҳаёни ўзимизга зийнат билсак, турмушимиз янада чиройли, умримиз эса мазмунли ўтиши шубҳасиз.

Абдурауф РАХИМКУЛОВ

“КЎЗГУДА ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ”

МАВЗУСИДАГИ ҲАВАСКОР ФОТОСУРАТЧИЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Ўзбекистон Бадий Академияси, Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамғармаси, Республика “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кен-

гаши ва Тошкент фото уйи ҳамкорлигида 2009 йил 17-24 март кунлари Тошкент шаҳрида “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”га бағишланган “Кўзгуда қишлоқ ҳаёти” мавзусидаги ҳаваскор фотосуратчилар Республика кўргазмаси бўлиб ўтди.

Мазкур кўргазмани ўтказишдан кўзланган мақ-



ФАРОВОНЛИК

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда ноқамлаётган қишлоқ хўжалигида чуқур ислохотларни амалга ошириш даври бошланди. Республика ҳукумати мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантириш, мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўтиши, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш каби масалаларни ҳал этишга катта эътибор қаратмоқда. Республика қишлоқ хўжалигидаги туб бурилишларнинг ҳуқуқий асосларини яратадиган янги қонуналар қабул қилинди. Жумладан, “Ер кодекси”, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида” каби қонуналар қишлоқ хўжалигининг иқтисодий пойдеворини яратишга асос солди.

Жамият иқтисодий ҳаётида зарур вазифаларни бажариш учун Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги соҳаси замонавий илмий-техника тараққиётининг талаблари даражасига жавоб бера олиши, илмий-техника тараққиётининг ютуқларидан нафақат замонавий ишлаб чиқариш технологияларини яратишда, балки меҳнатни илмий ташкил этиш, бошқарув фаолиятининг самарали услубларини ишлаб чиқишда ҳам жадал қадамлар қўйилмоқда.

Мустақиллик йилларида қишлоқ ҳаётида ва қишлоқ

аҳли тақдирда оламшумул ўзгаришлар юз берди. Аввало, фермерлик тизимига ўтилганлиги боис қишлоқ кишиларининг ерга, меҳнатга муносабати тубдан ўзгарди. Қишлоқдаги меҳнат шахсий манфаатдорлик, фаровонлик, бахт-саодат манбаига айланди. Қишлоқда тиббий хизмат кўрсатиш ҳам замон талаблари даражасига кўтарилмоқда. Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, бугун қишлоқ болалари фан олимпиадаларида, халқаро спорт мусобақаларида Ватан шарафини ҳимоя қилишда шаҳарликлардан асло қолишмайди.

Президентимиз томонидан 2009 йилни “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши муносабати билан қишлоқ жойларида инфратузилма тармоқлари — табиий газ, электр энергияси, одамларни ичимлик суви билан таъминлаш, йўллар ҳолати, транспорт ва коммуникация хизмати янада ривожлантирилади, қишлоққа sanoat, хизмат ва сервис шаҳобчаларини олиб кириш фаоллашади, ихчам ва замонавий технологиялар билан жиҳозланган қайта ишлаш корхоналари кўпаяди, фермерлик ҳаракати янада кўллаб-қувватланади, албатта.

Шерзод ТЎРАБЕКОВ,
нотариус

Сурам ва сийрат

сад — қишлоқнинг тарихий бунёдкорлик меҳнатини, қишлоқда рўй бераётган ўзгаришлар, қишлоқ аҳолисининг фаровонлиги ва маданий даражасининг ўсиб бораётганлигини, қишлоқ ёшларининг маънавий ва маданий ўсишлари учун яратилаётган шароитларни акс эттирувчи бадий ва техник жиҳатдан энг юксак фото тасвирларини танлаш, номлари ҳали кўпчиликка таниш бўлмаган ёш иқтидорли ҳаваскор фотосуратчиларни кашф этишдир.

Шунингдек, кўرғазмада ҳаваскор фотосуратчиларининг ижодига халқимизнинг миллий урф-одатлари, маданий мерослари, асрлар давомида сақланиб келинаётган қадриятлари ва анъанала-

рининг бадий ёритилишига ҳам катта эътибор берилди.

Биринчи ўрин Сирдарё вилоятдан Тошматов Фурқатга насиб этган бўлса, иккинчи ўринга Андижон вилоятдан Ҳакимов Муроджон сазовор бўлди. Учинчи ўринни эса Андижон вилоятдан Бобожонов Қобил кўлга киритди.

Ғолибларга Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказининг I, II ва III даражали дипломи ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.



Назиржон

“Қиёлаб ўтган”

Олам

— Назиржон кам куйлайди, лекин маҳкам куйлайди! — Буни чорак аср муқаддам машҳур шоир Туроб Тўла нақд этганиди у билан бўлиб ўтган суҳбатимизда. Дарҳақиқат, Назиржоннинг “маҳкам” куйлаган барча хонишларида мен хонандалик она алласига, ҳиммати бекиёс Ватанга шайдолик эканига имон келтирганман. Зеро, хонишлар билан ҳаётий зарур фикрларни айта олиш санъатини Назиржон юқори даражага олиб чиқдики, бундан хонанда ҳақида устоз санъаткор Муроджон Аҳмедов лутф қилганидай: “...бу дилбар ҳофиз ҳалигача бир неча авлод шинавандаларининг қулогини пиширтиб келаётибди”. Чархий домла эса “Ўзбекистон кўшиқчиликлари санъати Назиржондай нурли хонандалар билан янада мунаввар бўлади”, дея эътироф қилган эдилар. Бугун мана етмиш ёшида ҳам унинг қўлида қалам, тилида ширин калом.

Ўшиш ва улғайиш ҳамиша бардавомдир. Акс ҳолда, Таваккал Қодировдан кейин, кўшиқ куйлашга эҳтиёж қолмасди. Назиржон Назаров ана шундай ўз дилбар кўшиқлари воситасида шинавандалар қалбига ўзига хос ширали овози билан қира олди.

Халқ эса энг яхши орзу-истакларини кўшиққа солади, у билан яшайди, уни асрлардан асрларга олиб ўтади, у билан ҳамроҳ бўлиб юради, яратади, кашф этади. Кўшиқ халқни жасоратга чорлайди, хушёрликка ундайди.

Назиржоннинг Хайридин Салоҳ шеъри билан айтиладиган “Ёр кетиб” деган кўшиғи бор. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида биринчи бор ижро этилганидаёқ бу дилбар кўшиқ машҳур раққоса, “Баҳор” мураббийси Мукаррама опанинг назарига тушади ва тез орада вокал-рақс саҳнаси яратилади. Мукаррама опа кейинчалик ҳам Назиржоннинг хонишларини зимдан кузатиб юрди, у куй басталаб ижро этган “Қиёлаб ўтди”, “Дилнавоз” кўшиқларига ҳам рақслар саҳналаштирди. Шу тариқа бу ажойиб рақсларни Маъмуралон, Савилия Тангуриева, Флоридна Қайдани ва бошқа бетимсол раққосалар ижро этишган. Мукаррама опа гоят нозиклик билан саҳналаштирган ўша рақслар ҳозир ҳам “Баҳор”, “Ўзбекнаво”, “Шодлик” рақс ансамбллари чиқишларида Назиржоннинг хонишлари жўрли-

гида ижро этилмоқда. Назиржоннинг “Қиёлаб ўтди”, “Дилнавоз”, “Ёр кетиб” кўшиқлари халқимиз бугун ардоқлаб айтаётган, асрлардан асрларга ўтиб келаётган “Муножот” бешигида, “Сеғоҳ” силсиласида, “Ушшоқ” авж пардаларида муваффақиятли синовдан ўтди. Хонанданинг “Булбул навоси”, “Бормисан”, “Бўлурми”, “Уйғотмагил”, “Лола” каби ўнлаб кўшиқларида замондошларимиз қиёфаларию ҳаётий завқ-шавқ ҳамон алангаланиб туради.

Ўзбек кўшиқчиликлари санъатининг ўтмиши ва бугунини Бобораҳим Мирзаев, Юнус Ражабий, Карим Зокиров, Фахридин Умаров, Таваккал Қодиров, Зайнаб Полвонова, Фуломжон Ёқубов, Замира Суянова ва албатта, Назиржон Назаровсиз тасаввур этиш қийин. Мен чойхоналарда, хонадонларда, дала шийпонларида, гузарларда, автобус ва поездларда радиодан Назиржоннинг кўшиқларини одамлар кўзларини юмиб, кўшиқ сеҳрига сел бўлиб, бугун вужудлари кулоққа айланган ҳолда тинглаётганларини кўп кўрганман. Шунини алоҳида қайд этиш керакки,

бугунги қўшиқчилигимизда “авж” олаётган паст овоз, саёз мазмун, шовқинли мусиқа ўзбек миллий қўшиқчилигимиз ривожига салбий таъсир кўрсатиши сир эмас. Ахшиямки, одамлар дилдан тинглайдиган ҳофизларимиз ҳам бор, албатта. Шу маънода, Назиржоннинг қўшиқлари, унинг ҳар бир хониши шинавандалар учун ҳаммаша қадрли ва ардоқлидир.

Санъат соҳаси, маълумки, савдо бозори эмас. Айниқса, ҳозирги пайтда қизғалдоқ янглиг бир яшнаб, япроқлари шитирлаб, тез ўтиб кетаётган “қўшиқчилар” пайдо бўлаётган бир пайтда Назиржонни соғиниб қолаяпти одамлар. Мамлакатда фаолият юритаётган ўндан ортиқ радио каналлар эса гоҳида Назиржон Назаровни унутаётгандай туюлади менга...

Яхши эслаيمان. Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари эди. Қўқоннинг машҳур Чорсу майдонида Назиржоннинг биринчи концерти намойиш этилди. Ўшанда у томошабинлар билан биринчи бор учрашмоқда эди. У юзлаб мухлислари олдида аввал “Қиёлаб ўтди”, сўнгра “Бормисан?”ни куйлади, навбат “Ёр кетиб”га келганда овозини эркин қўйиб, авж билан “ДО” пардасига чиқиб олди. Шундан сўнг янгради қарсак, янгради қарсак! Муроджон ака саҳнага чиқиб ёш ҳофизнинг пешонасидан ўпди, Таваккал ака қучоқлаб, қойил дегандай, кифтига қоқиб кўйди, Раҳимжон опа ҳам ўз ҳаяжонини яшира олмади, қўлини қисиб кўйди. Бу ҳаяжонли дамлар, назаримда, устоз санъаткорларнинг Назиржонни катта санъат чаманига чорлашга тиланган оқ фотиҳалари эди, албатта.

1938 йилда сўлим Фарғонанинг Учқўприк туманида таваллуд топган Назиржон Назаров

1967 йилда Қўқон Давлат педагогика институти филология факультетини тамомлаган бўлса ҳам, аслида, қўшиқчилик санъати соҳасига эллигинчи йилларда кириб келди. Санъаткор 1958 йилдан эътиборан Қўқондаги халқ театрида дастлаб актёр-хонанда бўлиб ишлади. 1968 йилда бадийи ҳаваскорларнинг Республика кўригида Ҳазиний шеъри билан айтиладиган “Ёввойи чоргоҳ” қўшиғини ижро этиб, танлов лауреати бўлди. 1970 йилда ташкил этилган Қўқон шаҳар мақомчилар ансамбли билан ёш Назиржон Украина, Чехославакия ва бошқа бир қатор Европа мамлакатларида куйлади.

1974 йилда истеъодли режиссёр Нодир Қўлдошев “Назиржон Назаров куйлайди” номи телефильм яратди. Шундан кейин радио, телевидение, граммпластинкалар ишлаб чиқарувчи корхоналар Назиржоннинг ижодига тез-тез мурожаат қила бошлади. Ҳозирги кунда Назиржон бисотидаги 400 дан ортиқ қўшиққа эътибор берсак, уларнинг юзга яқинини ўзи ёзиб, ўзи куй басталаганига гувоҳ бўламиз.

Назиржон Назаровнинг сермахсул ижоди қўшқанот ҳисобланади. У бугунги табаррук ёшида ҳам Қўқон Давлат педагогика институтининг “Ўзбек адабиёти ва мусиқа” кафедраси доценти сифатида қизгин фаолият юритмоқда. 1989 йилда атоқли ҳофиз “Ўзбек шоирларининг қўшиқларида гоғийилик ва маҳорат” мавзусидаги диссертациясини ҳимоя қилиб, филология фанлари номзоди илмий даражага сазовор бўлди. Бугун эса Назиржон Назаров институтнинг бадийи ҳаваскорлик тўғарагини бошқариб, ўзининг ўнлаб шогирд-хонандаларига қўшиқчилик санъати сирларидан

сабоқ бермоқда. Унинг “Биз таниган одамлар” (2003), “Қиёлаб ўтди” (2004), “Орзулар гулдастаси”, “Киприкдаги ёш” ва бошқа китоблари аллақачон китобхонлар томонидан қувонч билан кутиб олинган. Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси, “Меҳнат фахрийси” нишондори, Президент “Фахрий ёрлиги”нинг соҳиби Назиржон Назаровнинг қўшиқчиликка оид бир неча илмий мақолалари турли тўпламларда, шунингдек, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Тулистон”, “Халқ таълими” каби марказий журналларда чоп этилган.

Бугун Фарғона вилоятидаги барча адабий-бадий тадбирлар Назиржонсиз ўтмайди, деб бемалол айтиш мумкин. Қўқон шаҳрининг маҳаллаларида ҳам қанча тадбир ўтказилмасин, уни, албатта таклиф қиладилар...

Ўзи ёзиб, ўзи куй басталаб ва ўзи ижро этиб, тингловчини сеҳрлаш бахти ҳар кимга ҳам насин қилавермайди. Назиржоннинг қўшиқларини тинглаймону тансиқ таомга, қизиқ, сермазмун рисолага, дилкаш дўст суҳбатига, ой юзли ёр дийдорига талпингандай ҳаяжонга тушаман. Назиржоннинг қўшиқларидаги гўзал лутф, самимият, ўйноқилик, ёрқин туйғулар... Улардан завқланганим, ҳайратланганим сайин Назиржоннинг дилпортлар қўшиқларидан сўнгги пайтларда тобора кам шинавандалар баҳраманд бўлаётганидан изтироб чекаман баъзан. Назмтаълиги қўшиққа ундаб, ғоят масъулиятли саналимш қўшиқчилик санъатида ҳамон ҳормайтолмай тер тўқаётган сеvimли ҳофизимиз Назиржонга етмиш ёшингиз муборак бўлсин, дея омад тилаб қоламан.

Мўмин ҚАЮМ,
журналист

Б

оғ ўртасидаги супада ўтирган Шайх Умар Боғистоний сарв дарахтидан тўкилаётган барглари санар, уларни тўё умридан ўтаётган ҳар бир йилга ўхшатарди. Унинг ҳам ҳаёти ҳам шу япроқ каби заъфарон ва маънос эди. Боғларини баҳор бўлиб яшнатувчи фарзанди йўқлиги юрагининг алаққарини тирнаса-да, Аллоҳга ҳамд айтиб, тасбеҳини ўтиришда давом этарди. Қўзлари бир нуқтада, хаёлан дунёни кезиб чиқарди...

Уни шундоққина ёнига узилиб тушган олма чалғитиб юборди. Олмани олар экан, анча олдин келиб, унга таъзимда турган муриддини пайқачи:

— Эй келинг, мулло Аҳмад!

— Ассалому алайкум, тақсир, — деб салом бераркан, ҳамаси ўттиз ёшлар атрофидаги Аҳмад Вафойи супа томон яқинлашди. Шайх эса унга жой кўрсатган ҳолда тавозеъ билан:

— Вааллайкум ассалом ва раҳматулло ва баракатух, — деб алик олди. — Аллоҳ умрингизни зиёда қилсин, яхшилик йўлдошингиз бўлсин.

Аҳмад Вафойи ним табассум ва хижолат билан:

— Устоз, суюнчи берсинлар, муридингиз Муҳаммад Али фарзандлик бўлдилар. Бу хабарни етказмоқ учун мени хузурингизга юбордилар.

— Илоҳим, умри, имон-этиқоди билан берган бўлсин. Ота-онасини рози қилгувчи чин мўмин бўлиб улғайсин, — деб чақалоқ ҳаққига дуо қилди-да, яна ниманидир пичирлаб, юзига фотиҳа тортиди. Шу чоғ боғ орасидан келаётган қадам товущи уларнинг эътиборини тортиди, сал ўтмай Муҳаммад Али юзидаги жиддийат аралаш табассум, аммо қалбида яшириб бўлмас ҳаяжон билан салом берганича улар томон илдамлади:

— Устоз, Аллоҳнинг марҳамати ва инояти ила фарзандлик бўлди. Агар Аллоҳ ўғил ато этса, уни сизнинг исмингиз ила атамоқ ниятимиз бор эди. Зеро, исмингиз билан бирга гўзал фазлларингиз ҳам ўтса, ўзимни энг бахтли шоғирдингиз деб ҳисоблаган бўлар эдим, — деб Шайх Умарга таъзим қилди. — Яна бир истак — агар рухсат этсангиз, шу фарзандим қулоғига илк бор азону, такбирни ҳам ўзингиз айтсангиз, — дея Шайхга юзланди.

— Иншааллоҳ, истагингиз ижобат бўлур. Илоҳим, фарзандингиз комилликка эришсинки, буюк шайхлар унинг кетидан эргашсин, — деб дуо қилди.

Шайх Умар Боғистоний Аҳмад Вафойи билан Муҳаммад Алининг ҳовлисидан чиқиб, шунч намозини ўқимоклик учун масжидга кирдилар. Ибодатдан қайтар эканлар, бутун кун давомида ниманидир айтолмай талмовсираётган Аҳмад Вафойига қарата Шайх:

— Мулло Аҳмад, Аллоҳ мушкулнингизни осон қилсин. Негадир бугун кўзларингиз бежо кўринади. Қалб қалбнинг элчисидир, сўйланг, шоядким қалбингиз ором топсудир.

— Тақсир, ҳақ гапирдингиз, — деб сўз излай бошлади. — Яқинда бир ривоят ўқидим, унда ёзилишича, “Шайх Зайниддин Кўйорифон айтганларки, фарзандталаб бўлганлар, бизнинг мазоримизни зиёрат қилиб, шу ерда Яратгандан фарзанд тиласа, албатта, ниятига етсудир”, — деб баён қилинган. Ушбу маълумотни сизга етказмоқликни жон ҳисобладим, — деб бир-икки олим орқага тисарилиди. Шайх Умар ҳеч нарса демай йўлда

давом этди.

Икки кундан сўнг Шайх Умар Боғистоний аёли билан Шайх Зайниддин мазорига борди. Аллоҳдан фарзанд тиларкан, аёлининг кўзидан томган ёшлар тизилиб, маржон бўлаётганини кўриб, бағри ўртанди, лекин шу чоғда унинг ҳам қалбида бундай маржонлар садаф-садаф бўлмоқда эди.

Шамол каби бир-бирини қувган бир неча ойлардан сўнг Аллоҳ уларга бир фарзанди комил ато этди. Шайх Умарга бу хабарни етказганларида, у ўзи суйган сарв тағида ўтирарди. Шайх хушхабарни эшитиши билан ўзида йўқ хурсанд бўлди.

Чақалоқнинг чилласи чиққанидан сўнг Шайх Умар уни Шайх Зайниддин мазорига олиб борди. Шу ерлик бир болақай каптар боқишни хуш кўрганидан мазорнинг ташқи томони каптарларга тўла эди. Улар баъзан ерда салмоқланиб юришар, баъзан кўкка учиб самони шундай жўшитар эдики, беихтиёр инсон руҳи ҳам улар билан бирга учгандай бўларди.

Шайх Умар фарзандини мазорга олиб бораркан, ундан чўчиган каптарлар ҳар томонга уча бошладилар, улар шундай қанот қоқдиларки, бу қанот қоқишларидан “ат-Таҳур” сўзи аниқ қулоққа чалинди. Шайх Умар каптарлардан ҳам кўра кўпроқ ҳайкиб, фарзандини қаттиқроқ бағрига босди. Бироздан сўнг бу ҳикмат ниманидир англаштигини ва бу фарзанднинг исмига ишора бўлиши мумкинлигини англади ва шу кундан у ўз фарзандини шу ишорага биноан Таҳур деб номлади.

Орадан олти йил ўтди. Боғнинг янги туллаган новдалари тағидаги супада Шайх Умар ўз муридлари ва Таҳур билан ўтирарди. Ўғли бехосдан шундай деб қолди:

— Отажон, иншааллоҳ, мен ҳам сиздек тасаввуф аҳлидан бўламан, илм олиб шайх даражасига кўтаришурман, — деди. Муридлар ёш боланинг бундай теран фикрларидан ёқа тутдилар, бироқ Шайх Умар унга кутилмаган жавоб қайтарди:

— Таҳур, мулла бўлма, шайх бўлма, сўфи бўлма, мусулмон бўл. Зеро, сўфий бўламан деб, у дунё учун бу дунёдан воз кечма, авсатда, ўртада бўл, асосийси чин мусулмон бўл, — деб танбеҳ берди. Бу сўзлар Таҳурнинг ёш қалбидан мустаҳкам жой олдики, кейинчалик бутун ҳаёти шу ўғитга амал қилиш билан боғлиқ бўлди.

Бир кун Таҳур отасидан маслаҳат олиш учун боғга борди. Отаси билан бир меҳмон боғда сўхбатлашиб ўтирарди. Меҳмон кўрнишишдан шу ерлик эмас эди. Уларга яқин келиб, сўхбатларини тинглади.

— Тақсир, мен сиздан тарикат силрларини ўрганиш мақсадида олисдан келдим. Шайх Умар у кишидан:

— Сиз яшайдиган жойда масжид борми? — деб сўради ва у киши унга жавобан:

— Бор, — деди. Шайх яна сўради:

— Ислоом аҳкомларини биласизми?

— Биламан.


Шунда Шайх Умар:

— Ундай бўлса, бу ерга келиб нима қилардингиз?

Ибодат аҳкоми маълум бўлса, қайтиб боринг-да ўша ишингиз билан шугулланаверинг, — деб у кишига ижозат берганидан сўнг ўғлига юзланди. Таҳур:

— Отажон, агар илм Чинда бўлса ҳам уни ўрганмоқлик жон эмасми?

— Агар у ўша билимини билмаса, жон, аммо билса, бу сафар бесамардир.



— Отажон, мен ҳам илм сафарига отланмоқ учун сиздан изн сўрамоқчиман, — деб отасига умид кўзлари билан боқди. Шайх Умар бироз тин олганидан сўнг сўради:

- Қаерга бормоқчисан, кимдан илм олмоқчисан?
- Туркистонга, Тенгиз Шайх илмидан баҳраманд бўлиш ниятидаман.

Шайх Умар Тенгиз Шайх номини эшитиб, кўзлари порлади, ўғлининг бундай қарорга келганидан Аллоҳга шукрона айтди. Сабаби, Аҳмад Яссавийнинг авлодларидан бўлган Тенгиз Шайх унинг ўғлига ўзи бериб улгурмаган билимларини тўлиқ ўргатишига ишончи комил эди.

Тенгиз Шайх обрўли бўлишига қарамасдан ниҳоятда камтарона ҳаёти, қийинчиликларга, ҳатто, аёлининг жафоси ва кўрсатган ситамларига сабр қилиши Таҳурнинг ҳаётга бўлган муносабатини ўзгартирди. Таҳур Тенгиз Шайх ҳузурига борганида, у таомни ўзи тайёрлар, заифаси бор бўлишига қарамасдан, хотин бажарадиган ишларнинг барчасини ўзи қилар эди. Бу ҳолатдан аччиқланган Таҳур бир кунни Тенгиз Шайхдан сўради:

— Сиз менинг мушкулотларимни маънавий комиллигингиз билан осонликча ечмоқдасиз. Лекин нега энди аёлингизнинг азиятларига шу кунгача чидамоқдасиз, не учун бунинг чорасини кўрмайсиз? — деб сўради. Тенгиз Шайх хиёл кулиб ишини давом эттирди-да:

— Бизнинг бу каромату камолотимиз жоҳилларнинг жабру жафосига сабр-тоқат қилишимиз сабаблидир, — деб жавоб берди.

Таҳур илм олиб ўз юртига қайтар экан негадир қалбида эндигина соғинч ҳиссини сезгандай бўлди. Аввал ҳам бу ҳолатга тушганмиди, йўқми, эслолмади. Илм олиш билан машғул бўлиб, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмабди.

йин уни “Шайх Таҳур” ёхуд “Шайх Хованд Таҳур” деб атай бошладилар.

Янги уйланган чоғи кўпинча отасининг ўрнида — сарв соясида ўтирар эди. Ҳар сафар шу супада ўтирганида отасини хотирлар, ўтган кунлари кўз олдига келиб, қулоғи остида Шайхнинг ўғитлари жаранглари, кейин отасининг охиратига бир дуо айлаб, яна илмга шўнғиб кетарди. Бир кунни уйига бир меҳмон келиб қолди. Шайх у қандайдир хабарни етказиш учун келганини пайқади ва:

— Меҳмон, хуш келибсиз. Меҳмон Аллоҳнинг марҳаматидур, мусофирга ўхшайсиз, агар ёрдам ёхуд тунаш учун жой керак бўлса, бош устига, хизматимиздан фақат хурсанд бўлурмиз, — деб у кишининг асл мақсадини билиш учун унга нигоҳини қадади. Меҳмон:

— Раҳмат, дарҳақиқат мусофирман ва бу сафаримдан мақсад сизни топмоқлик эди ва шукрим, ниятимга етдим, — деб бироз тин олганидан сўнг сўзида давом этди. — Шайх, сизга бир мусибатнинг хабарини етказмоқлик бўйинимдаги омонатдур. Ўтган ҳафта устозингиз Тенгиз Шайх боқий дунёга рихлат қилдилар, — деб қолган сўзини айтолмай сукат сақлади. Шайх Таҳурнинг кўзолди қоронғулашиб:

— Сиз у кишига ким бўласиз?, — деб сўради.

— Мен у кишига яқиндагина мурид тушган эдим. Шу сабабли, устоз илмимни давом эттирмоқлик учун сизга мурид бўлишни кераклигини васият қилдилар.

Шайх Хованд Таҳур меҳмоннинг сўнгги сўзларини эшитмади, у кўзларини енгил юмганича ҳаёл денгизига чўкиб кетганди. Бироздан сўнг кўзларини очиб, меҳмондан сўради:

— Дарвоқе, исмингиз нима?

(Шайх Хованди Таҳур ҳаётидан)



ДАРВ СОЯСИДАГИ СУҲБАТ

Таниш кўчага кираркан, унда қандайдир кўрқув бор эди, қалбида қандайдир нотинчлик ҳукмрон эди. Кўча эшинини қоқиб, охири шошилганича уйга отилиб кирди, кўнглидан ўтган фикр тўғри чикди — отаси ўлим тўшагида ётар, ёнидаги бегона киши эса табиб эди. Даб-дурустан кириб келгани учун уйдагилар чўчиб тушди. Таҳур орқага тисарилди, ҳовлидаги совуқ сокинлик уйга кўчганди. Шайх Умар эса соғинган ўғлини омон кўрганидан жилмайиб, ўрнидан туришга ҳаракат қилди...

Орадан бир неча ҳафта ўтди, отасининг аҳволи кундан-кунга оғирлашиб борарди. Таҳур отаси чекаётган ситамларни кўриб бағри ўртанар ва шундай пайтларда сарв тагига бориб ўтирарди. Отасининг руҳи кенг самони кўчганида ҳам шу ерда эди. Шайх Умардан ке-

— Умар Даврий.

Таҳур исмини эшитиб яна кўзини юмди.

Шайх Хованд Таҳур илк бора рисола ёзаётган ва бу рисола шу бугун тугаш арафасида эди. Бу асар “Рисола дар масойили шариат ва тариқат” (Шариат ва тариқат масалалари ҳақидаги рисола) эди. Таҳур рисоланинг сўнгги нуқтасини қўйиб, боғдан чиқаётган эди, унга хабар келди:

— Тақсир, ўғил муборак бўлсин

Шайх Хованд Таҳур жилмайганича:

— Куллуқ, — деди-ю, боғга қайтиб кириб, рисола сўнгигига икки қатор мисрнан кириптиб қўйди:

Агар бо оби риёзат баровари фусли,

Ҳама қудурати дилро сафо тавони кард.

(Агар риёзат суви билан қалбни ювсанг, Дилдаги барча хираликни мусаффоликка айлантира оласан).

Қайтиб чиқиб, уйга кирди. Чақалоқни ота меҳри билан қўлга оларкан, унга Довуд деб исм қўйди.

Довуд улгайгунча унга Шайхнинг ўзи таълим берди. Довуд ҳали ёш бўлишига қарамадан уни турли илмий мажлисларга олиб борар, муридлари билан суҳбатда доимо иштирок этишини талаб этарди. Ўмир ёшига етганида, Шайх уни хузурига чақирди. У ўғлининг бирор шайхга мурид тушишини хоҳларди. Чунки сўнгги пайтларда оталик меҳри кучлилик қилиб, илм беришдаги қаттиққўлликдан кўра ўз ўлига нисбатан ҳалимроқ муносабатда бўларди. Шу сабабли, Шайх Хованд Тахур ўғлини отасининг муриди бўлган Муҳаммад Алининг ўлига мурид тушишини ирода этди. Бир пайтлар у туғилганида Шайх Умар Боғистоний унга ўз исмини бериб, унинг ҳақига дуо қилган. Дуо кучи билан Шайх Умар Али буюк шайхларни ҳам ортидан эргаштирарди...

Шайх Хованд Тахур ўғли Довудни Шайх Умар Алининг олдига олиб келди ва:

— Тақсир, ўғлимиз Довудни сизга муридликка олиб келдим, Аллоҳ йўлида унга сабоқ берсангиз, — деди.

Шайх Умар Алининг бундай ишончдан кўзлари порлаб:

— Тақсир, сиздек инсон ўз дилбандини менинг измимга ишонч билан топширар экан, иншааллоҳ ўғлингиз бемисл тақводор илм соҳиби бўлур, — деди.

Шайх Хованд Тахур фарзандини пири комил қўлга топшириб, ўзи ҳам илмга шўнгили. Қолган умрини асар ёзиб қолдириш, ўз билганларини муридларига етказиш учун сарфлади. Унинг “Рисола дар масойили шариаат ва тариқат”, “Рисола дар шарт”, “Рисола дар аркони ислом”, “Рисола дар одоб тарикат” рисолалари тариқат аҳди ва халқ орасида катта шухрат қозониб, муридлар учун асосий қўлланма бўлди.

Бир кун Шайх ўғлини ўзи суйган жойга сарв дархти соясига чақиртириб:

— Довуд, мулла бўлма, шайх бўлма, сўфи бўлма — мусулмон бўл, — деди. — Отам шу сарвини яхши кўрар эдилар, мен ҳам яхши кўраман. Шайх бошқа ҳеч қандай сўз айтмай доимидай кўзларини оҳиста юмди ва хотираларга чўмди.

Ҳижрий 761 йилнинг илк кузида Хованд Тахур ҳаётдан кўз юмди.

Қиш. Суюкли сарв ҳали ҳам турарди, фақат энди атрофига макбара қурилган, остида буюк бир инсон Шайх Хованд Тахур мангу ором оларди. Тепасида халқ орасида Хожа Аҳрор Валий деб танилган Шайх Довуднинг набираси Убайдуллоҳ сокин овозда Куръон тиловат қиларди. У қачон мушкулотларига ечим тополмаса ёхуд депсиниб ураётган қалбига ором истаса, ўзи қурдирган шу макбарага келарди ва шу ердagina хузур топарди. Лекин, бу ерга келишини ҳеч кимга айтмас ва ҳар сафар ўзининг ғойиб бўлиши билан кўпчиликни хавотирга соларди. Бугун ҳам шундай бўлди, бироқ ҳеч кимса билмаса ҳам Муҳаммад Амин унинг қайда бўлишини аниқ биларди. У макбарага кириб келганида Убайдуллоҳ дархатга суяниб хаёл суярар эди.

Лазиза ВОРИСОВА

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 9 майнинг “Хотира ва қадрлаш кuni” деб эълон қилиниши мамлакатимизда мустақиллик йилларида инсон хотираси ва қадрига нисбатан бўлган адолатни тиклади, десак адашмаймиз.

Дарҳақиқат, хотира ва қадрлаш — инсон ақл-заковатининг бебаҳо маънавий неъмاتي, умр ва тириклик салтанатининг асосий мезонларидир. Насиб қилса, яқинда 87 ёшни қаршилайман. Иккинчи жаҳон урушининг бошланишидан охиригача иштирок этганман. Ўша машғум кунларни эслашнинг ўзи огир. Аммо ҳалок бўлган қуролдош дўстларимнинг сиймоси ҳали-ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди — улар хотирамда бир умрга муҳрланиб қолган.

Қалби меҳр-мурувватга тўла инсонларгина ўз тарихини, урушда ҳалок бўлган яқинларини, дўстларини доимо хотирлайди ва фидойи юртдошлари, порлоқ келажак йўлида меҳнат қилаётган замондошларининг қадрига етади. Шу маънода кечаги кун сабоқларини, халқимизнинг бугуни ва келажак йўлида жонини фидо қилган инсонларни хотирлаш — бугунги ва эртанги кунимизни хотирлашга ўргатади.

Иккинчи жаҳон урушининг инсоният бошига солган чексиз мусибатлари ҳеч қачон унутилмайди. Мазкур тарихий санани кенг миқёсда нишонлаётганимиздан мақсад, аввало, эришилган ғалабанинг асл моҳияти ва аҳамиятини, тинчликнинг қандай буюк неъмат эканини яна бир бор теран англаш, фуқароларимизни турли хавф-хатарлардан огоҳ этишдан иборатдир. Қолаверса, оламзод тарихида урушнинг бошқа қайтарилмаслиги, бундай даҳшатларни кишилар ҳаётидан бутунлай йўқотиш, абадий ўчириб ташлашга интилиб янашимиз керак.

Негаки, тап — инсон зотининг қисмати, душман устидан қозонилган ғалабага ҳисса қўшган инсонларни улуглаш, уларнинг номини абадийлаштириш, қурбон бўлган юртдошларимизни унутмаслик тўғрисида бормоқда. Мана шундай эзгу мақсадларни инobatга олиб, бир неча йилдирки, халқимиз 9 майни “Хотира ва қадрлаш кuni” сифатида нишонлаб келмоқда. Бу кулгуз сана йилдан-йилга ҳаётимизда теран маъно ва мазмун касб этиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта.

Давлатимиз раҳбарининг “Тинчлик учун курашиш керак”, деган пурмаъно фикрлари бор. Ҳар гал шу сўзларни эслаганимда тўқилганиб кетаман. Чунки мен уруш даҳшатларини ўз кўзим билан кўрган инсонман. Шу боис, “тинчлик” деган сўзнинг нималигини ва унинг қадрига етиш зарурлигини ич-ичимдан идрок этаман.

Шу ўринда яна бир гапни айтишим жоизки, тинчлик, бу — асло бепарволик дегани эмас. Унинг учун, муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, доимо курашиш керак. Тинчлик ҳаминша ҳимояга муҳтож бўлади, кишилардан доимо огоҳ бўлишни талаб этади.

Ўзбек халқининг бир неча минг йиллик бой ва шоъли тарихи бор. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди. Давлатимиз раҳбарининг сўзлари билан айтганда, ўзбек халқи бировга ҳеч қачон бош эгмаган, ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч кимдан кам бўлмайди ҳам.

Хозирги таҳликалӣ замон, кечагина бошимиздан ўтказган террорнинг қонли оқибатлари барча фуқаролардан мудом огоҳликни, ҳар қандай хавф-хатарга қарши бир тану бир жон бўлиб курашиш зарурлигини тақозо этади. Дунёга, ҳаётга доимо очиқ кўз билан қарашни талаб этади.

1941 йилнинг феврал ойида ҳарбий хизматга чақирилганман. Ўзингиз бир ўйланг, у қуиларни ёддан чиқариб бўладими? Ўшанда ёшим ўн саккизда эди. Ҳаётдан айни лаззат оладиган сурурли онларим эди. Ҳарбий хизматни бошлаганимга уч-тўрт ой ўтмай уруш бошланг кетди. Бу — инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг машъум уруш сифатида мозийда қонли из қолдирди...

Хуллас, гапни чўзиб нима қиламан. Улан—Удэ шаҳрида қисқа тайёргарликдан ўтгач, ҳарбийга бирга чақирилган сафдошларим билан фронтга жунаб кетдик...

Кечагидек эсимда, ҳар бир қарич ер учун жанг қила-қила, охир-оқибат душманни гарбга томон

дошларимни, юртдошларимни қалбда изтироб, кўзда ёш билан хотирлайман. Бошқа бир жиҳатдан, уларнинг табарруқ номлари мана шундай эъзоз билан мангута муҳрланганидан кўнглим таскин топади.

Дарҳақиқат, инсон хотираси қадр топган бюртни, шу азиз Ватанини ҳамниша бошимизга кўта-



Геннадий ЧЕРЕПАНОВ,
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси

ИНСОН ХОТИРАСИ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ

қувиб бординк. Ҳаммамиз азамат йигитлар эдик, улимдан бўчиганимизни сира эслай олмайман.

Ортингда кимлар сенга ишониб яшаётганини, яқинларингни, қариндош-уруғларингни ёдга олсанг, кучингга куч, шижоатингга шижоат қўшилаверар экан. Қисқа фурсатлар ичида душманни Кавказ ортига улоқтирдик. Жанглар ниҳоятда даҳшатли кечди. Ушбу хулудлардаги жанглар бениҳоя шафқатсиз бўлгани учун ҳар икки томон кўрган талофатлар ҳам шунга яраша эди. Бу ҳақда эслаш мен учун нечоғли оғир бўлмасин, айни шу жангларда ўнлаб энг яқин забардаст сафдошларим ҳалок бўлгани ёдимдан чиқмайди. Ҳали-ҳамон уларнинг қиёфалари кўз олдимдан кетмайди... ҳаёт-мамот жангида биз галаба қозондик. Лекин бу галаба миллионлаб кишилар, худди бошқалар каби ҳаётни, яшашни севадиган аjoyиб инсонларнинг заволи эвазига кўлга киритилди. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак...

Мен ҳар йили 9 май — “Хотира ва қадрлаш куни” мамлакатимизнинг бош майдонида тикланган “Хотира китоби”нинг зарҳал варақларидан жангоҳларда жон берган қурошларимнинг номларини кўзда ёш билан хотирга оламан.

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган бу зийратгоҳга келганимда ҳар гал вужудимни аламли хотиралар ва айни пайтда, кучли ҳаяжон чулғайди. Душман ўқига учиб, умри завол топган тенг-

риб яшашимиз керак. Зеро, ҳар қандай бало-қазоларни енгиб ўтишнинг ягона йўли халқимизнинг жипелиги ва ўзаро аҳдлигида, деб биламан.

Шуни қувонч билан таъкидлашим керак, ёшим бир жойга бориб қолганига қарамай, ҳали соғлом ва тетикман. Биз — иккинчи жаҳон уруши фахрийлари ҳамниша Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг диққат-эътиборида эканимиздан қалбимиз гурур ва ифтихорга тўлади.

Биз барчамиз бир тан, бир жон бўлиб шу муқаддас юртимизни, миллий қадриятларимизни доимо эъзозлашимиз, Ватанимиздаги тинчлик, осойишталик ва барқарорликнинг қадрига етишимиз, уларни янада мустаҳкамлашимиз керак. Халқимиз, айниқса, ёшларимиз тобора ўз-ўзини англаб бортгани сари улар онгида ватанпарварлик, ташаббускорлик ва мардлик туйғулари шаклланиб боришига қўмаклашимиз, ёт таъсирлар алдовидан ҳимоя қилишимиз лозим. Зотан, шу азиз Ватан барчамизники, уни бало-қазолардан, турли ёвуз кучлардан мардона ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Мансур ТЕНГЛАШЕВ
тайёрлади

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ФАРОБИЙ НИГОҲИДА

Она юртимиз азалдан илм-фан, маърифат, маънавият бешиги бўлиб келган. Бугунги кунда юксак даражада тараққий этган илм-фан технологияларининг тамал тошини бизнинг буюк аждодларимиз қўйиб кетгани ҳеч кимга сир эмас.

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан улуғ аждодларимиз номини қайта тиклаш, уларнинг бой маънавий меросини ўрганиш борасида кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ана шундай улуғ мутафаккирлардан бири, файласуф, олим ва мутафаккир Абу Наср Фаробийдир.

Фаробий ўз билими, маърифати, фикр доирасининг кенглиги билан Шарқда шу даражада шуҳратга эришдики, оқибатда уни Арастудан кейинги йирик мутафаккир "Муаллимус-соний" — "Иккинчи муаллим" деб атай бошладилар.

Фаробий дунёқарашининг асоси, яъни дунёнинг тузилиши ҳақидаги тушунчасини "Пантеистик" деган тушунча ва фикр ташкил этади. Мавжудот "Эмонаси" ёрдамида ягона бошланғичдан поғонама-поғона вужудга келган, яқкаликдан қўплика, ранг-барангликка борган.

Унинг дунёқарашидagi асосий ғоялардан бири

илмий-фалсафий усулнинг мустақиллигини назарий жиҳатдан асослаб беришга, унинг инсон тафаккурига, ақлий билимига асосланганини исботлашга интилишдир.

Фаробий билишнинг икки шакли, босқичи — ҳиссий ва ақлий билишни бир-биридан фарқлайди. У сезги ролига тўхталиб, беш турга бўлинади, деб ёзган.

Фаробий сезгини билишнинг манбаи деб ҳисоблаган, унинг қарашлари Арастунинг "Сезмаган одам ҳеч нарсани билмайди ҳам, тушунмайди ҳам" деган қарашларига ўхшаб кетади. Унинг руҳий жараёнлар, уларни билиш ва мантиқ тизими ҳақидаги таълимоти ўрта асрлар фалсафасининг катта ютуғи эди.

Фаробий дунёқарашидa ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий фикрлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Унинг "Бахт-саодатга эришув ҳақида", "Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари", "Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида" рисоалар, "Буюк кишиларнинг нақллари", "Муסיқа ҳақида катта китоб", "Фуқаролик сиёсати" ва бошқа асарлари жамият ва уни бошқариш, ахлоқ-одоб ва таълим-тарбия масалаларига бағишланган.

Амалга ошган қарғиш — адолатдир.

Абдийликка дахлдор кишилар Оллоҳни англаган ва айни пайтда, Оллоҳ суйган кишилардир...

Аёлни севиш — адолатни, эзгуликни, табиатни севиш!

Атиргул қаровсиз қолса — ит-бурунга айланади.

Аёл — гул кабидир! Парварши қилганнинг сари барқ уриб очилаверади.

Бу дунёда бир жаннат бор, жаннатий бир олам бор, унинг

гўзаллиги, оромбахшилигидан ҳамма бахраманд бўлавермайди... ва хато қиладилар. Бу олам китоблар оламидир.

Бу дунёда ёлгон ва адолатсизлик бўлмаса эди, бутун инсоният аллақачон бахту саодатда яшайётган бўлур эди.

Бола етаклаб юрган аёл — мўъжиза.

Бир юмушни бажара туриб, бошқасини ўйламанг, бошқа халъларга борманг...

Дунёдаги ҳеч бир нарса бошдан оёқ тугал, гўзал эмас.

Дўстларнинг ҳаддан ташқари кўп бўлиши — ҳақиқий дўстинг йўқ деган гапдир.

— Дунёдаги энг ёлгончи одам? — Тўй давраларини олиб борувчи раис!

Жоннинг чиқиб кетиши — бир нафаслик ишдир. Шунинг учун орқа-олдимизга қараб юрайлик.

Инсон, инсоният фаолиятининг бирор бир соҳаси йўқки, унда ақл-идрок ҳал қилувчи аҳамият касб этмаса...

Илм — уфқ, яқинлашганинг сари кенгайверади, узоклашаверади.

Фаробий Яқин Шарқ ва Ўрта Шарқ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши, унинг вазифалари ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди. Ўрта аср шароитида жамият табиий равишида келиб чиққанлигини, инсон фақат бошқалар ёрдамида қийинчиликларга қарши кураша олиши мумкинлигини асослаб берди.

“Хар бир инсон, ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етуқликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади.

У бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади...

— Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда, уларнинг ҳар бирига яшаш ва етуқликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради.

Шунинг учун инсонлар кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди.”

Шаҳарлар, унинг фикрича, инсонларнинг жамоаси бўлиб, унда инсоний баркамол бўлиб етишиши учун зарур шароитлар бўлади.

Фаробий инсонпарвар файласуф сифатида одамларни тинч-тотув ва ўзаро ҳамкорликда яшашга, инсонпарвар бўлишга даъват этади.

“Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошлангич асос инсонийликдир, шунинг учун одамлар инсоният туркумига кирганликлари учун ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим.”

Ахлоқий камолот деганда, хайр-эҳсонли ишлар, гўзал инсоний фазилатлар тушунилади. Ахлоқий камолотга ҳалақит берувчи салбий хислатларга

дангасалик, бекорчилик, онгсизлик, билимсизлик, касбунарсизлик киради.

Фаробий инсон фазилатларини туғма ва яшаш жараёнида пайдо бўладиган фазилатларга бўлади. Олимнинг фикрича, туғма фазилатларга:

инсоннинг ўтқир зехнчилиги;


бирор нарсани билишга ўта қобилиятлиги киради.

Лекин туғма фазилатлар ҳаётда кам учрайди. Асосий ахлоқий фазилатларни одам яшаш давомида эгаллайди.

Туғма фазилатли одамлар ҳам тарбияга муҳтож. Агар ундай одам тарбияланиб туғма йўлга солиб турилмаса, унинг қобилияти тезда сўниб қолиши мумкин.

Абу Наср Фаробий асарлари асрлар ўтса-да, олим ва файласуфларнинг тафаккури, қизгин баҳс-мунозараларига сабаб бўлиб келаётир. Унинг қарашлари бугунги кун фалсафа фанида ҳам ўзига хос ўрин тутиб келаётир.

Абу Наср Фаробийдек улуғ алломаларимизнинг меросини ўрганиш бугунги ўзбек ёшлари учун муҳим вазифа бўлмоғи лозим. Зотан, юксак маънавий дунёқарашга эга бўлган миллатни ҳеч қандай куч енга олмайди.



Нафиса ШОКИРОВА,
ТДПУ 3-босқич талабаси

Ўчза сехр бор

Улр сабоқлари

Инсон зоти ҳам дарахт каби — қандай парвариш қилсанг, шундай ўсади.

Илҳом — шиддат билан ўтган онлардир.

Йилнинг ҳар тўрт фаслида ҳам баҳор нафаси бор...

Ёлғиз одам ўз соясидан ҳам сесканади...

Ёмон одатлардан, ҳаёллардан


кутулишининг йўли кўпроқ жамоат билан бирга бўлишдадир.

Кўзнинг кўриш қобилияти унинг катта-кичиклигига боғлиқ эмас.

Кишининг тили чироқ пилиги кабилар. Уни меъёридан ортқ чиқармаслик лозим.

Кичик харажатдан қочмасангиз, каттасига йўлиқмайсиз.

Зиёдулла НУРМАТОВ





Дарҳақиқат, ота-боболаримиз бировнинг дунё-қарашини, эстетик дидини, яъни интеллектуал даражасини белгилашда унинг қандай китобларни мутолаа қилиши билан бирга қандай куй ва кўшиқларни тинглашни ёқтиришини кўшиб савол беришган. Бугун ҳам худди шундай савол берилгудек бўлса, ўзини билган, ўзлигини таниган ҳар қандай ўзбек ватандоши мумтоз хонанда-ю созандалар қаторида Муножот Йўлчиевани тилга олмай иложини йўқ.

Одатда, уста санъаткорлар гапиришга, тўғрироғи, санъатлари борасида изоҳ беришга ўзларида унча ҳам эҳтиёж сезмайдилар. Чунки улар бутун борлиқлари, ўйу хаёлларини тўлалигича, санъат асарига сингдирган бўладилар. Бошқача айтганда уларнинг мақсадлари — айтмоқчи бўлганлари ҳақида асарлари “гапиради”. Бироқ шундай бўлсада биз бугун ёш бўлишига қарамай, мумтоз кўшиқчилик санъатида ўзига хос мактаб яратишга улгурган ҳамда хоҳ юртимизда бўлсин хоҳ хорижда миллионлаб ёшу кекса кўшиқ шинавандаларининг қалбидан чуқур жой олган уста санъаткор — “Ўзбекистон халқ артисти” Муножот Йўлчиевага баъзи бир саволлар билан мурожаат қилишга жазм этдик. Куйида ана шу суҳбат матнини “Гулстон” журнали ўқувчилари эътиборига ҳавола қилмоқдамиз:

— Ушбу муқаддас дароҳ — санъат оламига кириб келишингиз қандай бошланган?

— Мен Андижон вилоятининг Ширмонбўлоқ қишлоғида колхозчи оиласида туғилганман. Отам машина ҳайдовчиси, онам колхозда ишлаганлар. Оиламизда санъатга қизиқиш катта бўлган. Онам раҳматли жуда яхши овозга эга бўлганлар. Айтиш мумкинки, онамининг ушалмаган орзулари қайси бир маънода менда рўёбга чиққан. Оилада саккиз фарзанд бўлганмиз: икки ўғил, олти қиз. Акам Тошкент Маданият оқартув техникумини битирганлар. Ёнжак, рубоб чалиб кўшиқ айтадилар. Кенжа синглим ҳам санъат йўлини танлаган. Тошкент Давлат консерваторияси дутор анъанавий ижрочилиги бўйича сабоқ олган. Укам ва қолган синглиларим гарчи бошқа соҳа-касб эгалари бўлишса-да санъат шайлоси ҳисобланишди.

Санъатга бўлган қизиқишим, дастлаб, оила муҳитида шаклланиган, кейинчалик, бу йўлда жиддий олим отишимда хизмати сингган инсон — тоғам Абдуллажон Мавлонов бўладилар. Тоғам кўп йиллар давомида Йўлдош Охунбобоев номидagi Ан-

дижон театрида фаолият кўрсатиб юрган пайтларида, гуруҳдаги созанда ва хонандалар қаторида тор чалиб, жўр бўлиб кўшиқ айтганман. Мендаги кўшиқ айтишга бўлган истезод, санъатга бўлган ошуфталикни сезган тоғам Тошкент Давлат консерваториясида ўқишим учун отамни кўндириб, оқ фотиҳа олиб берганлар. Бунинг учун мен тоғамдан бир умр миннатдорман.

Хуллас, 1978-йилда Тошкент Давлат консерваториясининг икки йиллик тайёрлов бўлимига ўқишга қабул қилиниб, устозим Шавкат Мирзаев синфида ашула айтиш санъатидан сабоқ олдим.

1980-йилда илк бор телевидения орқали ҳазрат Алишер Навоий юбилейи муносабати билан Ушшоқ ва Муножот ашулаларини куйлаганман.

— Мақом ижрочилигининг кечаги ва бугунги аҳоли ҳақида гапирсангиз.

— Мақом ашулалчилиги илгари қандай бўлган, ҳозир қай даражада деб кўп савол беришди. Ҳатто, баъзан бугунги кунда мақом ашулаларига талаб ва эътибор сусайган деган фикрлар ҳам

билдирилади. Лекин бундай қарашлар нотўғри. Мумтоз кўшиқчилигимиз илгари қандай ривожланган бўлса, ҳозир ҳам шундай ривожда. Уста санъаткорларимиз Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, шунингдек, миллий мақомчиликка асос солган Юнус Ражабий ҳамда Ориф Алимаҳсумов, Берта Давидова каби мумтоз кўшиқчилигимиз даргалари ўзларининг дурдона ижод намуналарини кўшиқчилик санъатимизнинг олтин фондига ёздириб қолдиришган. Биз саксонинчи йилларда санъатга кириб келганимизда мазкур санъаткорларимиз ўз мактабларини яратган эдилар. Бизнинг, яъни кейинги авлодга мансуб санъаткорларнинг чиқиши қай бир жиҳатларидир янгилик бўлди.

Устозим Шавкат Мирзаев билан бирга оталари раҳматли Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадҷон Мирзаев берган сабоқлари асосида қатор ашулаларни радио ва телевидения орқали ижро этиб, ёзиб қолдиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Мухлисларимизга вақти-вақти билан улар орзигиб кутган янги концерт дастурларимизни тақдим этмоқдамиз. Шу билан бирга, айни пайтда Тошкент Давлат консерваториясида анъанавий ижрочилиги бўйича педагогик фаолиятини давом эттирмоқдамиз. Ёшларга қобилиятни, иқтидорига яраша ижро этиш сирларини ўргатиб, келажакда ўзлигини топишда ёрдам бермоқдамиз. Ушбу консерваторияда сабоқ олган кўпгина шоғирларимиз бугун Республикамаизнинг турли вилоят олийгоҳларида ўзларининг билимларини ёш авлодга отказиб келмоқдалар. Маълумки, Юртбошимизнинг ташаббуслари билан анъанавий ижрочилиқни ривожлантириш мақсадида, 1997-йилда ҳар икки йилда ўтказиладиган Шарқ тароналари халқораво фестивали ташкил этилган эди. Ана шу фестивалда ҳам шоғирларимиз ўзларининг маҳоратларини намойиш этиб мухлисларни хушнуд этиб келмоқдалар. Бунга мисол қилиб яхши натижаларга эришган, ҳозирда мақом ансамблида фо-

бўлиб ўтаётти. Буларнинг барчаси миллий мусиқа меъросимизга ҳамда мақом ижрочилигига тайёрларлик, мустаҳкам база яратилаётганидан далолатдир.

Бизнинг талабалик давримизда радио ва телевиденияда санъаткорлар билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган эди. Яхши бир овоз пайдо бўлса, чиқишлар ташкиллаштириллар, концерт дастурлари тайёрланарди. Шунингдек, назм ва наво кечалари бўларди. Халқ ана шундай концертларни ёганиб кутарди. Тўғри, ҳозир ҳам концертлар бўлаётти, лекин булар етарли эмас. Шахсан мен ўзим ҳар йил баҳор ва куз фаслида Тошкент Давлат консерваторияси катта залида ўзимнинг яккахон концертимни ўтказаман ва телевидения орқали ленталарга ёздириб, концертимга кела олмаган мухлисларимни янги ижодимдан баҳраманда қилишга ҳаракат қиламан. Бунга ўхшаш кўплаб санъаткорларимизнинг чиқишларини кенг намойиш қилиш керак деб ўйлайман. Халқ маънавий озуқаси муҳтоб. Қолаверса, бу маънавий озуқадан фарзандларимиз ҳам тарбия олади. Не афсуски, кейинги йилларда бунақа чиқишлар камроқ яъни эҳтиёж тобора ортиб бораётганига қарамай, радио ва телевидения орқали чиқишлар сал оқсаяпти. Тарғибот ишларининг сусайганлиги мақом ашулаларига эътибор камайган деган нотўғри қарашларнинг ўртага чиқишига сабаб бўлмоқда. Ҳатто чет элдаги мухлисларимиз ҳам баъзан шунга ўхшаш гапларни айтиб қолишади. Бироқ аслида бундай эмас. Совет давридаги мақомга бўлган эътибордан кўп бўлса кўшиқчи асло кам эмас. Телевидения, радиога тарғибот ишлари тўғри йўлга қўйилса, бундай янгилик тушунчаларнинг олдини олинарди.

— Эстрада йўналишидаги ёш санъаткорларнинг чиқишларига бўлган муносабатингиз?

— Эстрада йўналишида яъни Европа электр чолғулари асосида аранжировка қилиб ижро этилган ёшларимиз, хонан-

далимиз бор. Лекин улар томонидан баъзан метёр бузилаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Таажубланарли томони шундаки, ёшларимиз бугун ана шундай бўрттирилган оҳанг, овоз, қочиримлар билан ижро этилган ашулаларга кўникиб тарбия олмақдалар. Ана шу нарсаларга биз кенг жамоатчилик миқёсида эътибор қаратишимиз керак. Ёшларимиздан мен бундай чиқишларга эҳтиёткорлик, масъулият билан қарашларини сўрардим... Устоз санъаткорларимиздан маслаҳат, йўл-йўриқ, ибрат олиб ижро этишса, ҳамсадаг мувофиқ бўларди.

— Мухлисларингизга тилақларингиз...

— Мухлисларимга яхши тилақларим кўп. Ҳар доим хонандоларида бахт, омад қарор топиб, хуш кайфият ҳўкм сурсин. Ёлимиз тинч, осмонимиз мусаффо, юртимизда тўкин - сочинлик бўлсин. Бизнинг санъатимиздан ҳар бир хонандога жарангласин. Биз ўша хонандоннинг азиз меҳмони бўлиб қолайлик.

Шермурод СУБҲОН
суҳбатлашди



БОБУРНИНГ ЯПОНИЯЛИК ЯЛОВБАРДОРИ

Ўзбек мумтоз адабиётининг икки буюк вакили: адабий даҳо Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Заҳрирдин Мухаммад Бобур довруғлари оламга ёйилган. Бунга эса маълум маънода ушбу буюк ижодкорларимиз ҳаёти ва ижодлари билан шуғулланган чет эл олимлари ва таржимонлари сабабчидирлар.

Алишер Навоий довруғи унинг бадиий ижоди муносабати билан бўлса, Бобур овозаси унинг шоҳ асари “Бобурнома”си ва ўзининг подшоҳлиги туфайлидир.

Агар таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, Бобур ҳазинасидаги Кўҳи нур олмоси тарихда нақадар шухрат қозонган бўлса, Фарб мамлакатларида “Бобурнома” ва Бобур шахси шу даражада шухрат соҳиби бўлган.

Ўтмишда тарихнинг етакчи сиймолари бўлган талай хилма-хил табиатли ҳукмдорлар ўтишган. Улар Амир Темур каби соҳибқирон жаҳонгир, Наполеон лашкарбоши, Юлий Цезар — шахси билан даҳшатли хотиралар қолдирган. Ана шу шоҳлар сафида тарихан ҳаққоний равишда дилбар шахс деб тан олинган, бойликни елдай элга сочган дарвиш деб чет эл бадиби диди билан талқин этилган Бобурдай шахснинг иккинчи бир намунасини ҳеч ким айта олган эмас.

Бирор шоҳнинг кундаликлари, эсдаликлари жаҳонда “Бобурнома” сингари эъзозланмаган бўлса керакки, унинг ижодкори — Бобур шахси ҳақида Фарб мамлакатларида ўнга яқин қисса ва романлар ёзилган.

Харольд Лембнинг “Бобур — йўлбарс”, Уилям Рашбрукнинг “XVI аср бунёдкори”, Анна Флора Стилнинг “Тож кийган дарвиш” асарларида Бобурнинг ҳайратомуз бадиий тимсоли яратилгандир.

“Бобурнома” яратилган давридаёқ муаллиф тавсияси билан Абдурахим Хони Хонон томонидан форс тилига таржима қилингандан эътиборан, бу асар жаҳоний шухрат сари парвозини бошлади.

XIX асрдаёқ Фарб мамлакатларида бобуршунослик шаклланди: голланд, инглиз, француз, немис, испан тилларига таржима жараёни билан биргаликда, “Бобурнома” устида турли йўналишларда тадқиқотлар яратила бошлади. Биргина инглиз тилига “Бобурнома”нинг 3-4 маротаба таржима қилинишининг ўзи ҳам илм аҳли томонидан бу асарга алоҳида аҳамият берилишининг ўзига хос бир далилидир.

Айниқса, XX асрда бобуршунослик чинакам жаҳоний тус олди, десақ бўлади.

Бугунги кунда жаҳоннинг энг йирик давлатлари ва илмий марказларида бобуршунослик билан шуғулланаётган жуда кўплаб олимларни эсга олиш мумкин: Америкадан Уилер Текстон, Илза Сиртаутас, Англиядан Ҳасан Бек, Туркиядан Танжу Сейҳан, Билал Южел, Франциядан Жан Луи Бакие Граммон, Япониядан Эйжи Мано, Ҳиндистондан Қамар Раис, Афғонистондан Ҳалим Ёрқин ва Шафиқа Ёрқинлар, Қозғистондан Ислом Жеменей,

Ўзбекистондан Азиз Қаюмов, Саидбек Ҳасанов, Ансориддин Иброҳимов, Ҳасанжон Қудратиллаев, Россиядан Ия Стеблева ва бошқалар.

Бугунги кунда қалам тебратаётган жаҳон бобуршуносларининг сафида япон олими Эйжи алоҳида ўрин тутади. Унинг ёнида биз Ия Стеблевани “Бобур ғазалларининг семантикаси” тадқиқоти билан, Уилер Текстонни “Бобурнома”нинг инглизча таржимаси ва форсий таржимаси матнини яратган йирик мутахассис сифатида, Афғонистонлик Шафиқа Ёрқинни “Бобурнома”нинг “Воқеоти Кобул” номида форсийга ўтирган таржимон ва Бобур девонининг мукамал нусхасини яратган олима сиймосида, туркиялик Танжу Орал Сейҳанни “Мубаййи” илмий матнини яратган таниқли олима сифатида бир сафда кўрамыз. Азиз Қаюмов ва Саидбек Ҳасановни Бобур асарларининг ноширлари рисола, тадқиқотлар муаллифлари сифатида, Ҳасанжон Қудратиллаевни “Бобур армони” тадқиқоти ижодкори сиймосида, Ансориддин Иброҳимовни Бобур асарлари тилининг зукко тадқиқотчиси сифатида кўрамыз.

Эйжи Мано Бобурга бағишланган тадқиқотларининг мунтазам тизимлилиги ва салмоғи билан шу сафда янада юксакроқ кўринади. Унинг тадқиқотларини “Бобурнома. Илмий матн. Таржима ва тадқиқот” деган умумий номда айтиш мумкин.

Бу заҳматкаш олим 4 ҷиғатой

туркий (эски ўзбек) тилидаги “Бобурнома” (Эдинбург, Лондон, Саларжанг кўлэмалари ва Қозон боасма нухсалари) ҳамда 3 форсий таржима асосида асарнинг илмий-танқидий матнини яратди (1995 йил, Шокадо, Киото, 610 саҳифа ҳажмида).

Асарнинг танқидий матни деган сўз заҳмати моҳиятини шундай тасаввур этиш керак: олим асарнинг 4 туркий ва 3 форсий нухасини олгач, Хайдаробод шаҳридаги Саларжанг мозийгоҳида сақланаётган “Бобурнома”ни таянч нухса сифатида олади-да, қолган 6 та нухасига сўзма-сўз, бирикмама-бирикма, гапма-гап, солиштириб саҳифа остида (буни илмий аппарат дейилади) ҳар бир нухсадаги фарқларни бирма-бир кўрсатиб борали. Фарқларига келсак, таянч нухсага нисбатан бир нухсада бир сўз кўпроқ ёки озроқ бўлиши, бошқа бир нухсада бир сўз ўрнида бошқа сўз бўлиши; бирор гап озлиги ёки кўплиги, учинчи нухсада бирор исм ортиқ ёки оз бўлиши мумкин ва ҳоказо...

Бу тафовутлар баъзан бирикма, бир ёки бир неча гаплар ҳажмида ҳам бўлиши мумкин. Буни аниқ тасаввур этиш учун “Бобурнома”нинг Хайдаробод нухасининг бошланиши билан Қозон нухаси нашри бош қисмидаги фарқни илмий матндан кузатайлик.

Саларжанг мозийгоҳи нухаси муқаддимаси:

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим.

Рамазон ойи тарих секиз юз тўқсон тўққузла Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум. (Илмий матн, 3-бет).


Шу саҳифа остида, ҳошияда Эйжи Мано “Бобурнома”нинг Қозон нашри нухасида юқоридаги иккинчи гапдан олдин тубандаги матн борлигини қайд этган: «Тенгри Таолонинг инояти билан ва ҳазрати Он сарвари коинотнинг шафоати билан ва ҳаҷорёри босафоларнинг ҳиммати бирлан сешанба куни рамазон ойининг бешиди».

“Бобурнома”ни ҳозирги ўзбек тилига табилад қилган олимларимиз шундан фойдаланган ҳолда асарни шундай бошлашган: Тангри таолонинг инояти ва коинот сарвари бўлган ҳазрат Расули акрамнинг шафоати, пок кўнгил ҳаҷорёрларнинг ҳиммати билан рамазон ойининг бешинчисида, саккиз юз тўқсон тўққизинчи йили Фарғона вилоятига ўн икки ёшта подшоҳ бўлдим”.

Шунинг ўзи танқидий матнинг амалий аҳамиятини кўрсатади. Чунки табиладчилар ишга асосий нухса қилиб Эйжи Мано яратган “Бобурнома” танқидий матнини олишган.

Илмий матннинг ана шундай муқамаллиги бошқа тилларга таржима қилиш ва “Бобурнома” устида илмий тадқиқот олиб борилса жуда асқотади. Асар илмий танқидий матндан фойдаланган олим ишга жалб этилган етти нуханинг ҳар бирини гўё кўз ўнгида аниқ тасаввур эта олади: Шунинг учун ҳам танқидий матн ҳар қандай аслият нухсаларидан илмий нуқтан назардан ишончли бўлиб ҳисобланади.

Эйжи Манонинг “Бобурнома” хусусидаги иккинчи китоби “Бобурнома”. Шарҳлар. Кўрсаткичлар.



(Шокадо, Киото 1996 йил, 443 бет ҳажмида) деб аталади.

Тадқиқотчи бу китоба “Бобурнома”да ишлатилган барча сўзларни аввало тўққиз хил тасниф қилиб олади ва ҳар бир сўзнинг неча маротаба ва қайси саҳифаларда учрашини бирма-бир қайд этади. Таснифларга келсак: шахс-киши номлари; жой номлари; қавм, қабила, насл-насаб номлари; истилоҳлар; ҳайвонот ва гиёҳлар; мақол ва ҳикматли сўзлар; шеърлар; китоб ва рисо-лалар номлари сингарилар. Ушбу таснифлар ва муқамал сўзлик “Бобурнома”дан фойдаланувчи мутахассисларнинг ишларини жуда енгиллаштиради. Муҳими, бу китоб “Бобурнома”дан тузилажак янги, муқамал лугат китобига асос бўлиб хизмат қилади.

Олимнинг учинчи китоби “Бобурнома”нинг япон тилига қилинган таржимаси ва тавсифидир. (Шокадо, Киото 1998.) Ҳажми 719 саҳифа.

Ушбу таржиманинг муваффақияти ва савиясининг юксак эканлигини шу билан изоҳлай-мизки, таржимон Эйжи Мано ўзи она тилига ўгираётган ҳар бир сўзни илмий матни тайёрлаш жараёнида етти маротаба ўзбек ва форсча ҳолатида кузатиб идрок қилган ва ҳар бир сўзнинг маъно қамрови ва тасирчанлик даражасини пайқай олган эди. “Бобур-



нома”ни япон тилида ўқийдиган китобхонларнинг бахти борки, бу асарни Эйжи Манодай йирик мухтаassis ва тоlimса захматкаш таржима қилган.

Олимнинг сергаклиги ва инсофлигини яна куйидаги унинг ўз ишига берган тавсифномасидаги эътирофи ҳам исботлайдики, ўшанча иқтидор ва имконият эгаси бўлган Эйжи Мано яна бир неча бошқа таржималардан ҳам фойдаланишга уринган: “Таржима жараёнида мен XVI аср сўнгида бажирилган форсча таржимага қўшимча равишда XIX-XX асрда яратилган инглизча, туркча, русча, ўзбекча ва бошқа таржималар билан танишдим. Ишонаманки, натижада мен ўқувчига таржималардан аслиятга энг яқин ва энг аниқ таржимани тақдим эта олганман”.

Матндаги воқеа-ҳодисаларнинг XV-XVI асрларга мансублиги жуда кўп сўзларга махсус шарҳ-изоҳлар беришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам Эйжи Мано ўз таржима нусхасига кўп миқдорда шарҳлар – изоҳлар киритган. Бундан кўзланган ягона мақсад матн мазмунини ўқувчига осонлаштириб, мукамал етказишдир.

Эйжи Манонинг тўртинчи китоби “Бобур ва унинг даври” (Шокадо, Киото, 2001 йил) деб номланган. 591 саҳифалик ушбу талқиқотда муаллиф Бобур яшаган XV-XVI асрлардаги Марказий Осиёнинг турли жиҳатларини ҳам филологик, ҳам тарихий нуқтаи назардан ўрганишга ҳаракат қилган.

Муаллифнинг қайд этишига қараганда: “Бобур давридаги Марказий Осиё тарихи шундан гувоҳлик берадики, бу даврда олтой тилида сўзлашувчи мўғул, чигатой (ўзбек), қозоқ ва уйратлар биргаликда истиқомат қилишган. Ушбу иш Бобур қондош бўлган чигатойлар (ўзбеклар) ва ўзаро қариндошлик ришталари билан боғланган мўғулларга диққатни қаратади.

Ҳар икки халқни биргаликда ўрганишимизга учта асосий сабаб бор. Биринчи сабаб – ўша даврда икки халқ сиёсий жиҳатдан фаол эди. Бобур яшаган XV-XVI асрларда бу ҳар икки қавм – теурийлару бобурийлар ва мўғул хонлиги сингари улкан давлатларнинг ҳукумдорлари сифатида Марказий Осиё тарихига ўчмас из қолдиришган.

Иккинчи сабаб – кўпбал умумий томонларга эга бўлган икки тарихий-адабий манбанинг фойдалилигидир. Суянишимиз мумкин бўлган асосий ман-

балар, булар-чигатой (ўзбек) тилидаги “Бобурнома” ва яна бири мўғул Мирзо Ҳайдарнинг форс тилидаги “Тарихи Рашидий” асаридир. Бу икки қомусий манбанинг умумий томонлари шу қадар кўпки, уларни изчил талқиқ этган кишининг кўз ўнгида Бобур даврининг Ҳиндистон, Афғонистон, Ўрта Осиё ва Мўғулистон каби мислсиз кенг ҳудудлари якқол намоён бўлади”.

Эйжи Мано кўрсатган учинчи сабаб – ушбу икки қомусий асар муаллифлари – Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва Муҳаммад Ҳайдар Мирзо кўрагоннинг ўзаро гоят яқин муносабатда бўлганликларидир. Бир-бирига қондош холаваччалар умрбод сиёсий, ҳарбий, маданий жиҳатдан бир-бирлари билан жуда яқин алоқала бўлишган. Чунки Бобур Қутлук Нигор хонининг фарзанди, Муҳаммад Ҳайдар мирзо эса унинг синглиси Ҳўб Нигор хонининг ўғлидир. Бобур мирзо ва Ҳайдар мирзо Юнусхоннинг невараларидир.


Мазкур талқиқот тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда Бобур мирзо ва унинг «Бобурнома» асари талқиқ этилган. Иккинчи қисмда мўғуллар ва «Тарихи Рашидий» – Ҳайдар мирзонинг асари текширилган, учинчи қисми Амир Теумур ва теурийларга бағишланган. Тўртинчи қисми иловалардан иборатдир.

«Бобур ва унинг даври» номли ушбу йирик монографик талқиқотдан чиқариладиган икки умумий хулосанинг биринчиси, Эйжи Мано «Бобурнома» ва «Тарихи Рашидий» асарлари талқиқи асосида бутун Марказий Осиёнинг XV-XVI асрлардаги тарихий, адабий-маданий ҳаёти манзараларини кўрсата олган;

иккинчиси, тилдош ва дилдош икки холаваччанинг тарихий-мемуар асарлари асосида чигатой қавми (теурийлар, ўзбек уруғлари) ва мўғулларнинг XV-XVI асрлардаги энг фаол сиёсий-ҳарбий кучлар эканлигини кашф этган. Чунки ана шу икки халқ кучлари XV-XVI асрларда Марказий Осиёнинг асосий ҳудудларини эгаллаб олган эди.

Япон олими Эйжи Мано юқорида қисқача тавсифланган тўрт китоби билан жаҳон бобуршунослигига катта ҳисса қўшди.

Ваҳоб РАҲМОНОВ
филология фанлари номзоди



ҚАЛБИ САРИ БОРАЁТГАН ОДАМЛАР

Эркин Аъзам ижодига давомли ҳодиса, яъни жараён сифатида қаралса, «Жаннат ўзи қайдадир» тўпламини адиб тақомилда янги босқич деб тавсифлаш мумкин. Албатта, бу тўпламни юзага келтирган омиллар орасида ижтимоий воқеликдаги ўзгаришларга ҳам, адабий ҳаётдаги эврилишларга ҳам, ёзувчи руҳиятидаги товланишларга ҳам дахлдорлари бор. Буларнинг барчаси эса, энг аввало, адиб сўз воситасида яратган бадиий воқелик ортида баъзан аниқ-тиниқ, баъзан элас-элас кўзга ташланадиган муаллиф образида тажассум топади.

Эркин Аъзам ижодига шу нуқтага назардан ёндашганда, дастлабки босқич ҳисобланмиш етмишинчи йилларда ижтимоий воқеликка, шоир айтганидек, урғун юрак билан пешвоз чиққан ва унинг ноқислигидан изтироб чекиш билан бирга муросасиз жангга ҳам чоғланган саркаш курашчи қиёфаси юзага қалқадди (хусусан, «Отўйнинг тугилган йили» қиссаси). Унинг саксонинчи йиллардаги ижодида эса энди бошқа бир қиёфа — ижтимоий воқеликни бирмунча четдан ва ҳатто юқоридан киноя ила кузатиб ва баҳолаб турган қалби нотинч мушоҳадакор сиймоси бўй ростилади. Галдаги босқич — тўқсонинчи йиллардаги ижтимоий талотумлар ёзувчи тафаккурида саросима ҳолатини юзага келтириш чоғи, адиб бу даврда, афсуски, «Пакананинг ошиқ кўнгли» тўпламини ҳисобга олмаса, адабиётда воқеа бўларли асарлар яратишга муваффақ бўлмади.


«Жаннат ўзи қайдадир», муаллифнинг ўз таъбири билан айтганда, бирмунча танаффусдан, аслида эса ўша «четлашув»дан сўнг бадиий сўзга қайтишнинг дастлабки салмоқли мевасидир. Бу тўпламда ҳам муаллиф образини киноявий нигоҳ тарқ этмаган бўлса-да, аммо энди у ижтимоий воқеликка, инсонлараро муносабатларга бир қалар салобат ва ҳатто донишмандлик билан назар солади. Бани Одам тийнатида доир кўҳна, азалий, аммо мудом янги бўлиб қолувчи жумбоқларнинг тафаккурини безовта этади. Бу жумбоқлар орасида Л.Н.Толстой ўз «Иқрорнома»сида сиртдан ўта содда ва ҳатто беҳуда туюлалган, лекин аслида ҳаётдаги энг муҳим ва энг теран деб таърифлаган саволлар асосий ўрин тутди: «Ҳаётнинг маъносини маъ?»; «Инсон нега яшайди?»; «Қандай умр кечирмоқ керак?». Бу саволларни минг бир шакли шамойилда ифодалаш мумкиндир, аммо унинг мазмуни, моҳияти битта, ягона.

Эркин Аъзамнинг салкам қирқ йиллик адиблик тажрибаси давомиди муаллиф образининг турланишига монанд унинг ижод пафоси ҳам ўзгариб бордики, дастлабки босқичда лиризм устувор бўлса, кейинги бос-

қичда киноявийлик, сўнгги босқичда эса драматизм етакчилик қилишини кузатиш мумкин. Бунинг илдишларини эса энг аввало ижтимоий долғалар ва уларнинг адиб руҳиятидаги замнамаларидан қидириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Дарҳақиқат, тўқсонинчи йиллар бутун мамлакатимиз ва ҳар бир ватандошимиз тақдирида кескин бурилишлар палласи бўлди ва бу оралиқ тарихий давр, моҳият эътибори билан, драматик тарзда кечди. Ана шу «зилзила»ни юрагининг қоқ марказидан ўтказган адиб драматизмни янги асарлари учун бош пафос қилиб олиши табиий эди. Бундай ҳол Эркин Аъзамни унинг ижодий тажрибасида мутлақо янгилик бўлган драматик тур сарҳадларига етаклаб келди. Бунга қалар изланишлари фақат наср доирасида кечган ижодкорнинг драмага ўтиши ўз-ўзидан ва оппа-осон рўй бергани йўқ, албатта. Бироқ адибнинг театрга кино орқали кириб келгани, бу жараён анланган ёки анланмаган ҳолда кечганидан қатъи назар, унга баъзи қулайликлар туғдирганини эътироф этмас бўлмас. Аслида ҳам, кино санъатида бадиий воқелик ва бу воқелик юзага чиқадиган бадиий макон ва бадиий замон борасидаги чекловлар театр санъатидаги каби эмас. Бизнингча, киновнинг бу борадаги ўрнини, шартли равишда бўлса ҳам, наср ва драма оралигида белгилаш ҳақиқатга зид бўлмайди. Ана шу омилларга кўра, «Жаннат ўзи қайдадир» тўпламидан ўрин олган битиклар орасида киноқисса ва драматик асарлар салмоғи бирмунча юқори.

Шу фикрни таъкидлаш баробарида бошқа жиҳатга ҳам эътибор қаратиш зарур. Китобга киритилган «Сув ёқалаб», «Забаржад» киноқиссалари, шунингдек, «Жаннат ўзи қайдадир» драматик асари бир-икки йил миёнасида ўзининг кино ва театр талқинини топиб улгургани санъат ишқибозларига яхши маълум. Бироқ, шунга қарамай, муаллифнинг ўзи таъкидлагандек, уларнинг ҳар учови ҳам аввало адабий асар сифатида ёзилган ва, демакки, мутлоага мўлжалланган. Зеро, уларни ҳар бир китобхон бадиий идрок жараёнида ўз ҳаёти ва адабий тажрибаси асосида ўзгалардан фарқли қабул қилиши, талқин этиши тайин.



Шу жаматдан, номи қайд этилган асарларнинг ҳозиргача амалга оширилган кино ва театр талқинига ҳам эҳтимоллик тарзида кўплан-кўп талқинлардан фақат бири деб қараш жоиз. Бундай муҳокама яна шундай ҳулосага ҳам етаклайдики, бу асарлар келгусида янгидан-янгича кино ва театр талқинларини топса, ажаб эмас. Бизнингча, «Забаржад» асари, айниқса, эстетик жиҳатдан гоёт серқатлам экани билан режиссёр ва актёрларга бу борада кенг имконият ҳақида этиши мумкин. Зеро, Забаржад кўп ҳолларда ўзи ҳам дурустроқ англаб етолмайдиган чигал ички зиддиятлар исканжасида қолган аёл образидир. Афсуски, миллий насримизда «Забаржад» каби қаҳрамоннинг онгости қаламлари чуқур бадиий талқин этилган асарлар ҳамон кўп эмас.

Шу ўринда Забаржад образи билан боғлиқ яна бир мулоҳазани ўртага ташлаш ортиқчалик қилмас. Сир эмас, бугунги кунда адабий асарни танқидий инкишоф қилиш жараёнига адабиётшунослик илми тасаруфидида бўлган барча таҳлил усулларини жалб этиш долзарб вазифа бўлиб турибди. Бизнингча, «Забаржад» асари миллий танқидчилигимиз учун ҳали очилмаган қўриқ ҳисобланган психоаналитик таҳлил усулига жуда бой материал бериши мумкин. Фикримизча, бу борада Забаржадга фақат миллий насримиз ифтихори бўлмиш «Ўтган кунлар» романидаги Зайнаб образини таққослаш ва тенглаштириш мумкин.

«Сув ёқалаб» — китобхон, режиссёр, актёр ва томошабиндан адиб даражасида фикр юритиш ва ҳис қилишни, таъбир жоиз кўрилса, унга ҳаммуаллиф бўлишни талаб этадиган асар. Чунки, унда фабулани таркиб топтирган воқеа — эпизодлар жуда сиқик ишланган, янаям тўғрироғи, ўта зарур бир-икки чизги билан кифояланилган. Асарни мутолаа қилиб, идрок этаётган ёки кино тилига кўчириб, талқин этаётган киши бу чизгиларни ўз хаёлотига «тўлдириб» қайта яратиши зарурки, бу бир томондан, китобхон ва томошабинда бадиий савияни ошириб, бадиий дидни ўткирлаштира, бошқа томондан, кинорежиссёр ва актёрни талқин ва ижрода янги чечимлар қидириб топшига рағбатлантиради.

Бир қарашда, асарда тасвирланган «хаёт парчаси» жуда оддий ва ҳатто жўндай. Асар персонажларидан бири айтганидек, «неча йил довруқ солиб даврон сурган одам» — собиқ раис Болта Мардон умрининг сўнгги кунинда икки норғул ўғлини ёнига олиб қақраб ётган боғига қориз — қулоқбошидан сув боғлаб келмоқ учун йўлга тушади. Бироқ асардаги деярли барча етакчи мотивлар кутилмаганда рамзга айланадики, бу ҳол асарни мазмун эътибори билан бениҳоя чуқурлаштириб юборади.

Бизнингча, бу мотив — рамзлар орасида Болта Мардоннинг беҳаловат тушига кириб, унинг ўй-хаёлини ағдар-тўнтар қилиб юборган хосиятли Тўт асосий ўрин тутадиган. Агар шу образ нуқтани назаридан қаралса, Болта Мардон аслида қақраб ётган боғига сув келтираман деб от жиловини тутган эмас, бу унинг ўзи ҳам аниқ англаб, изоҳлаб беролмайдиган бир баҳона, холос. Падари бузруквори хобнинг ҳарир тумани ичида туриб даргазаб бўлганча «Тўтти нимага кесдинг,

бесўроқ?.. Хе, ноинсоф!» дея танбех бергани — бу хосиятли Тўт қайдалар шу яқин орадан оҳанрабо каби уни ўзига торгани ҳақиқатга кўпроқ ақин.

Ва ниҳоят, Болта Мардон бу Тўтти, иттифоқо, йигитлик палласи кўнгил қўйиб, висолига етишолмагани — ҳозир қариб-қартайиб қолган бева хотин Шарофатнинг бесаранжом ҳовлисидан топади. Шунда Болта Мардон англайдики, унинг тушига кириб, хаёлини ўғирлаган Тўт бу — КўНГИЛ дарахти экан. Таассуфки, у бутун умрини кўнглига қулоқ солмай, кўнгилидан воқиф бўлмай ўтказиб юборибди. Болта Мардон бу ҳақиқатни англаш баробарида ҳар бир инсон уни эътиқод туғи янгилиг ўз зурёларига мерос қилиб қолдириш заруригини тушунади. Адиб бу истақ вожиб бўлганини асар якунидаги мана шу икки жумла воситасида бундай ифодалайди: «Йигит (яъни кенжа ўғил Ботир —М.Р.) беихтиёр телага қараб, бургутдек қулоқ ёзган улкан тутта тикилиб қолади. Қадимий тут унинг кўз ўнгига яшнаб турган азамат бир дарахтга айланади...»

Юртимизда эски тузум ағдарилиши ва унинг ўрнига янги тузум келиши билан боғлиқ ўзгаришлар ўзининг ҳар жиҳатдан тўқис бадиий инкишофини кутиб тургани фақат бугунгина айтилаётган гап эмас. Бу борада шошма-шошарлик билан амалга оширилган айрим уринишлар эса ижтимоий эврилишларнинг асл моҳиятини очиб беролмагани ҳам кўпчиликка аён. «Жаннат ўзи қайдалар» драматик қиссаси, бизнинг наздимизда, янги воқеликни бадиий теран идрок этиш ва тўлақонли ижодий қайта яратишга муваффақ бўлинган дастлабки асарлардан бири. Бутун онгли ҳаётини эски тузумга астойдил хизмат қилишга сарф этиб, алаҳ-оқибат янги тузум аравасидан тушиб қолган зиёли изтиробларини ҳозирча қадди эгик ватан белига мадор бўлиш ўрнига уни тўқин ҳаёт ваъда қилаётган беғона юртларга алмаштириб юбораётган кимсалар васвасаси билан бақамти тасвирлаш адибнинг бош ижодий ниятини ташкил этади.

«Жаннат ўзи қайдалар» Эркин Аъзамнинг драматургия соҳасидаги дастлабки тажрибаси бўлса-да, саҳна санъатига хос талай фазилатлардан холи эмас. Масалан, драматик конфликт ривожиди шиддаткор маром таъминлангани китобхон ва томошабин диққатини бирдек таранг ушлаб туришга ёрдам беради. Мазкур жанрда ҳам юксак бадиий мезонларга асосланиб қалам тебратган муаллиф улғур рус адиби А.П.Чеховнинг ижод мактабидан сабоқ олишга интилигани сезилиши туради; асарга машҳур «Олчазор» пьесасидан эпиграф қилинган бегиз эмас.

«Жаннат ўзи қайдалар»га ўхшаб асарлар бозор шароитида тобора кўнгилочар томошагоҳга айланиб бораётган театрларни яна азалий муқаддас рутбасига қайтарчи, уларни яна фикрлар устидан хукмронлик қилувчи даргоҳга айлантирчи ажаб эмас. Дарвоқе, шу ўринда бошқа бир мулоҳаза. Айнан шу асардан бошлаб Эркин Аъзам ижодига Жийдали образи кириб келди, у бора-бора адиб асарларида, чунончи, мазкур тўпلامга кирмаган «Гули-гули» қиссасида, инсоний қисматлар ўзаро тўқнашадиган бадиий макон қиёфа-

сини олмақда. Бу ҳодисага ёзувчининг ўз бадиий олами бир бутунлик сифатида таркиб топтиришга бўлган интилиши сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Колумбиялик улуғ адиб Габриэль Маркес Маконд образи орқали ана шундай бадиий-эстетик ахлитликни ҳосил қилгани адабиёт ихлосмандларига яхши маълум. Эркин Аъзам асарларида бот-бот кўринадиган оташин шоир («Гули-гули», «Қарздор», «Шоирнинг тўйи»), сўқир бобо («Эркак», «Сув ёқалаб») каби образлар ҳам маълум маънода ана шундай мақсадга хизмат қилади.

Тўпламга адиб ижоди учун анъанавий ҳисобланган икки насрий асар — «Ўзувчи» ва «Арадашқўргон» ҳикоялари ҳам киритилган. Бизнингча, «Ўзувчи» нафақат Эркин Аъзамнинг, балки ўзбек ҳикоячилигининг ҳам жиддий ютуғи деб баҳоланса арзийди. Унда бутун бошли қиссасга зувала бера оладиган мавзу ва муаммони бадиий талқин этган муаллиф дурустгина иқтидори бўлгани ҳолда умрини «ёзувчи» номига ишқибоз шухратпараст сарватдору амалдорларга «адабий мардикор»лик қилиб ўтказган бир ижодкор тақдири орқали турғунлик даври ва ўтиш босқичининг асл санъатни маҳв этувчи баднафс муҳитини бадиий гаввалантириб беради. Эркин Аъзам адабий персонажларнинг чигал ва мураккаб муносабатларидан келтириб чиқарган аччиқ ҳулоса шундан иборатки, бу аҳвол учун фақат дасди дароз замона зўрларининг ўзини айбдор қилиб кўрсатиш тўғри эмас. «Шу, сиз — шоирларга ҳам тан бермадим-да, домла, — дейди ана шундай «ёзувчи»лардан бири — раис бува саратон дардига мубтало бўлиб тўшакка михланиб қолган вақтида. — Мендек бир оми, тўпоридан ҳам шоир ясадинглар-а, қойил! Пул, мол-дунё дегани ҳар қандай валламати ҳам қутуртирмай қўймас экан. Ўшингу сочсоқолингнинг андасини қилмасанки, ликобча кўтариб саҳнасига ҳам чиксанг-да! Табга, бўймаса, мен бир далавой дехқонга ким қўювди шоирликни! Ҳай, аҳмоқ қаллага келган ул-булни қоралаган бўлсак, қоралагандиримиз. Лекин хизмат сизники-ку! Меҳнатни сиз қилдингиз-ку! Шун билмай мен бир лодону овармидим? Нима зарил денг-а! Мана, ҳам-маса қилиб кетар экан...»

«Одам дегани қалбига суяниб, рўй-рост яшамоғи лозим!» деган қарорга келади Эркин Аъзамнинг аксар қаҳрамонлари. Забаржаднинг ҳам, Болта Мардоннинг ҳам, Домланинг ҳам, Ўзувчининг ҳам сўнгги ҳаётий ҳулосаси, олижаноб ақидаси ана шу. Забаржадни истисно қилганда, қолганлари умри поёнига қадам қўйган одамлар. Бироқ, бу кишиларнинг толеи шундаки, улар сўнгги паллада бўлсин, бири ҳаётини алғов-далғов қилиб юборган хосиятли Тутта (Болта Мардон), бошқаси болаликнинг шабнамдек тоза дамлари ўтган Жийдалига (Домла), яна бири бир умр ёзишни истаган асари — «Абадий оғочлар»га етишади, муяссар бўлади.

Америкалик улуғ адиб Эрнест Хемингуэй асл ёзувчининг услуби денгизда сузиб юрган муз тоғи — айсбергга ўхшайди, айсбергининг ўндан бир қисми сув устида, ўндан тўққиз қисми эса сув остида бўлади, деб таъкидлаган эди. Англаб турганингиздек, бу ўрин-

да гап тилшунослик истилоҳига кўра тағмаёно, халқона лафзга кўра эса «коса тагида нимкоса» ҳодисаси ҳақида бормоқда. Худди шундай услуб соҳиби — Абдулла Қаҳҳор мактабини ўтаган Эркин Аъзам дастхати ҳам йиллар оша сайқал топиб жилолангани «Жаннат ўзи қайдадир» тўпламига кирган барча асарларда «мана мен» деб кўриниб туради.

Айниқса, «Тафаккур» журнаliga пешлаҳва тариқасида ёзилган публицистик миниатюралар ўша айсберг мисол ҳар бир чичик «чўққи» остида, албатта, катта бир «тоғ»ни пинҳон тутайди. Нар иборса, бир-бир ярим саҳифали бу мўъжаз асарларда катта ижтимоий-маънавий муаммолар ҳақида худди шундай катта дард билан баҳс очилади. Адиб уларда биз аксарият кўникиб кетган бирор ҳодисани танлаб олади-да, унинг «астари»ни ўта закий бир нигоҳ билан шундай «ағдариб» кўрсатадики, бу борала оёғи осмондан бўлган сохта тасаввурлар билан яшаётганимизни кўққис англаб қоламиз. Тўпламдан ўрин олган «Зарчопон», «Ҳозир-рилар», «Намқашлик» каби қатралар ҳақида худди шу фикрни айтиш мумкин. Дарвоқе, ушбу публицистик фикрларни келгусида ёзилажак йирик асарлар учун мавзу излаб, бирров «разведка» уюштиришга қийёлаш ўринлидир.

Биз гапни «Жаннат ўзи қайдадир» тўпламини юзага келтирган омилардан бошлаган эдик, энди сўзни унда нишонга кўрсатган янги тамойиллар билан яқунласак. Чунки бу тамойиллар адиб ижодининг келгуси босқичларига баракали таъсир кўрсатиши эҳтимолдан холи эмас. Биринчи тенденция: бизнингча, Эркин Аъзамнинг драматик турга ўтиши бундан кейин янада кучаяди (унинг мазкур тўпламдан сўнг яратилган «Қарздор» ва «Шажа-ра» асарлари бу фикрни тасдиқлайди) ва бунинг натижаси ўлароқ адиб насрида ҳам драмага хос унсурлар кўпаяди деб тахмин этиш мумкин. Иккинчи тенденция: ёдингизда бор, Эркин Аъзам етмишинчи йиллар адабий авлодининг бошқа сара намояндлари қатори ижод йўлининг ибтидоисиданқ Инсонга тор мафкуравий «туйнуқ» орқали қарашдан қатъиян воз кечган ҳамда ҳақиқат ва гўзалликни бирдан-бир мезон қилиб олган эди. Адиб бундан кейин ҳам ҳаётни реалистик акс эттириш тамойилига солиқ қолиш баробарида мазкур методни очиқ система сифатида қабул қилиб, янгидан-янги тасвирий ва ифодавий воситалар излашда давом этади ва бунда ҳаётни бадиий қайта яратилишнинг нореалистик усулига ҳам мурожаат этса эҳтимол. Учинчи тенденция: кейинги вақтда адибни гоҳо инсон тийнагидиган одатий мантиқ қонуниятлари билан мурося қилмайдиган сирли-жумбоқли томонлар ўзига кўпроқ жалб этаётгандек туюлади. Бу тамойил эса унинг ижодида психологизм янада чуқурлашувига олиб келса, ажаб эмас.

Нафақат насривис, балки драматург сифатида ҳам тавсифланшига муносиб ижодкор Эркин Аъзам «Жаннат ўзи қайдадир» тўплами учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти ва номзод этиб кўрсатилади. Миллий насримиз ва драматургиямизнинг бутунги камолдан дарак берувчи мазкур китоб, бизнингча, шу юксак мукофотга шак-шубҳасиз лойиқдир.

Муҳиддин РАҲИМ

ОЙДА МЕЗЁР БОР, БУЛУТЛАРДА МЕЗЁР ИУҚ

Ужарлик, беҳуда чираниш инсонни амалий фаолиятда шарманда қилади, кулгуга қолдиради. Зомин тоғларида Суёнбой Қора домладан бир нақл эшитдим. Билмаганлар билсинким, Сор деган қуш бор, бу анча эпсиз, уқувсиз, қўполгина қуш. Кунлардан бир кун Сор чўққида қўниб турар экан, ёнидан Лочин ўтиб қолибди.

— Ҳой, Лочин, — деди Сор, — На бунча ҳовлиқиб у ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа учасан. Мана, мен учкур, чаққон бўлсам ҳам чўққида тин олиб ўтирибман, ўзи сен чаққонми ёки мен чаққонми?..

— Буни исботлашнинг йўли осон, — дебди Лочин, — бахслашиб ўтирмайлик, ким олдин ўнта каклик тутса... бари аён бўлади-қўяди. Иккаласи икки дарага учиб кетишибди. Шомга яқин учрашибдилар. Тагин Сор гап бошлабди. — Ишларинг қалай, Лочин, — дебди Сор, — ҳали ҳам у ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа ҳуда-беҳуда учиб юрибсанми, қанча каклик тутдинг?

— Тагин битта тутсам ўнта бўлади, — дебди Лочин, — сенинг ўзинг қанча тутдинг?

Шу пайт чўққи тарафдан бир каклиكنинг азот сайраши эшитилибди.

— О, Лочин, — дебди Сор, — мана, шу сайраётган какликни тутсам, тўққизтаси қолади.

Соҳибжамол тустовуқни (хонтовуқ) овчилар гўзаллиги учун эмас, гўшти учун овлайдилар.

Эй, Ўғлим! Дўстингдан қарз олма, дўстсиз қолишинг мумкин! Ва... қарз бериб ҳам дўстсиз қолишинг мумкин!

Бололик — дарёнинг Бош булоғи.

Ёшлик — Бош булоқлар қўшилудивдан пайдо бўлиб, дарёга айланган шиддат.

Балоғат — кенг, текис водийга тушиб, салобат билан чуқур ва сокин оқаётган ўша дарё.

Кексалик — чўлу саҳро қумликларига тақалиб, кичрайиб, ҳорғин йўл босаётган ва оқибат ё бугланиб, ё ерга сингиб кетаётган ўша дарёнинг сўнгги бир қатра суви.

Ҳаммаси ўз жойида ва ўз пайтида гўзал, қадрли, ардоқли, орзули, армонли, ачинарли УМР!

Донишмандлар кенг водийлар текисликларида сокин ва салобат ила оқаётган дарёга ўхшайди. Истаган жойингга ундан арна-ариқлар чиқариб, боғ-роғлар пайдо қилишинг, унумли фойдаланиб, умрингни, ҳаётингни безашинг мумкин.

Сув шаклга эга эмас, у қайси идишга қўйилса, у қайси шаклга эга бўлади. Одам танаси етмиш фоиз сувдан иборат. Кел қайси идишдасан-у қайси шаклдасан?

Ернинг тортиш кучи сувни энг қуйи нуқтага жойлаштирган. Инсон қудрати шундаки, қуйи нуқтадаги сувни энг юқсак тоғ доvonларига ҳам олиб чиқади.

Ҳаммадан яширган сиримни Вақт очиб қўйди!..

Кўкларда мевалор дарахтларнинг кўп гул тукканлигига ишониб бўлмаслиги каби кўп ваъда берган кимсага ҳам ишониб бўлмайди!

Яланғоч тоғлар, халқ тилида, “етимтоғ” деб аталади. Бунда гап кўп. Етимтоғларда на булоқнинг, на дарахтнинг, на гиёҳнинг тайини бор. Баъзи кимсаларнинг худди ўзи: на ёқимли феъли, на ширин сўзи, на гўзал қиёфаси бор.

Мен ким — Азим Суён қай бир йили кузда сурхондарёлик укадўстим, катта бой — мулк соҳиби, машҳур овчи Алимардон ва унинг севимли бир жиёни ва бошқа учтўрт ошнолар билан Хисор тоғларининг Осмонтоғ томонларига овга чиқдик. Ҳориб-чарчаб Қирқ Арча камарида кўр тўқлик, гулхан ёқиб дам олишга ўтирдик. Алимардоннинг жиёни чўнтагидан сигарет олди ва... гугурт ҳам олди, чақмоқ-лантириб сигаретини тутатди. Алимардон ялт этиб жиёнига қаради. — Жи-и-ён, — деди у, — қани ёнимга келчи. Жиёни ўрнидан иргиб туриб, унинг ёнига бориб чўккалади... бирдан Алимардон жиёнининг бир юзига шапалоқ тортиб юборди. Ҳаммамиз донг қотиб қолдик.

— Эй, инсофсиз исрофгар, — деди Алимардон, — олов гуруллаб ёниб турган жойда ҳам гугурт ёқадими? Аниқса, овлоқ тоғларда юрсак...

Мен Алимардон гапларини чуқур ўйлаб кўрдим... ва ҳамон қойил қолиб юраман.

Азим СУЁН



Гулираъно МАҲМУДОВА

НЕ УЧУН КЕРАК?

Кимдир сени ёниб кутмаса,
Кўларингга гуллар тутмаса,
Сенинг учун оғу ютмаса,
Бундай ҳаёт не учун керак?

Дафтар узра йиғласа қалам,
Юрагингни ўртаса алам,
Кўзингга тор кўринса олам,
Бундай севги не учун керак?

Қийнамаса тунлари савол,
Гул чиройи қолдирмаса лол,
Сароб бўлиб кўринса иқбол,
Бундай ҳаёт не учун керак?

ТУМОРИМ

Мен Лайлию сендек бир Қайсни кутдим,
Дилмда дардимни пинҳона тутдим,
Ишқингда оловли дамлардан ўтдим,
Лоақал сўрмадинг дарди боримни,
Не қилайин энди бу туморимни?

Бу кўзлар биргина сени-да кўзлар,
Бу юрак биргина сен ҳақда сўзлар,
Ул етим севги деб бўтадек бўзлар,
Не сабаб билмайсан дил хуморимни,
Не қилайин энди бу туморимни?

Муҳаббат гулхани, майли, ёндирсин,
Бу куйган жонимга яна жондир сен,
Дилмни ишқ деган майга қондир сен,
Тумор каби асрай сен туморимни,
Не учун сўрмайсан дилда боримни?

СЕВГИ БАХТМИ

Ишонаман, унутолмасан,
Хаёларим этади таъқиб.
Кўзларимни ёшлашиб кетдинг,
Никоҳ узук қўлингга тақиб.

Севгим ёшлик каби гўр экан,
Ё севгимдан бойлик зўр экан.
О, пешонам мени шўр экан,
Толе менга кулмади боқиб.

Севгимни мен бахт деб ўйлабман,
Сирларимни ойга сўйлабман,
Муҳаббат деб бекор кўйлабман,
Ўз-ўзимни юраман ёқиб.

СОҒИНГАЙМАН

Олисларда юрганымда ўртаниб жон,
Соғингайман,
Тушларимда кўрганымда мен парижон
Соғингайман.

Яқин бўлар узоқ йўлим, аччиқ фироқ қилар зулм,
Сўзларимдан бағри дилинг бўлмасин қон,
Соғингайман.

Ҳар кимдан ҳам рашик этмагил, узоқ кетсам оҳ чекмагил,
Қайтиб келгум ёнингга бил, менга ишон, соғингайман.

Ўзинг ёлғиз муҳаббатим, ҳам нолаю ҳасратим,
Тарк этай қандоқ одатим, мен нотавон соғингайман.

Гулираъно сенга ёрдир, жонин бермоқ-чун тайёрдир,
Ишқ йўлида у бедордир, рангим сомон, соғингайман.

Бекатлар. Дарахтлар. Вагонлар. Ўрта Осиё темир йўли. Кавказ аҳолиси. Татарлар. Бухоро амирлиги сарҳади. Кармана. Ҳаво. Қишлоқлар. Сартлар ва ер масаласи. Яхуд матбуоти. Янги Бухоро.

БУЖОРО

Оренбургдан келишда Тошкентга яқинлашилгани жуда тез сезилади. Тошкент яқинидаги бекатлар жуда гавжум бўлиб, Овруполи рус яхудийлар кўп учрайди. Бекатларда йўловчилар орасида хотин-қизлар ҳам кўп. Кунлардан якшанба бўлгани учун томошабинлар анча бор. Бу томонда шаҳар халқининг томоша жойларидан бири бекатлардир.


Поезд Тошкент бекатига келиб тўхтаганда ҳайрон қолдим. Одам кўп бўлгани учун платформада юришнинг иложи йўқ эди. Менинг юк ташувчимнинг номери 57. Тошкентга яқинлашганда боғлар бошланади. Тошкент

тактибулари

(Давоми. Боши ўтган сонда).

билан Янги Бухоро орасида дарахтлар ҳамда боғлар жуда кўп. Аммо Оренбург билан Тошкент орасида дарахт йўқ. Тоғларда қумликда “сақсовул” деб аталувчи баланд бўлмаган дарахт ўсади. Бу дарахтнинг томири узун бўлади. Бу томирдан ўт ёқишда фойдаланадилар. Қиш кунлари шаҳарларда бир пуди 25-26 тийинга сотилар экан. Тошкентдан “Ўрта Осиё” йўли бошланади. Бу ерда поездлар ўн бешдан ўттиз бештагача вагонлар билан юради. Янги русумли зўр вагонлар. Йўқса, Тошкент йўлида олти гилдиракли вагонларнинг шовқинидан безган эдик. Асабий кишиларга бундай вагонларда юриш жуда ёмон таъсир қилса керак.

Ўрта Осиё йўлига киргач, йўловчиларнинг ярмидан кўпи сартлар. Уларнинг вагонлари ўзига махсус бўлиб, рус вагонларига сартларни киритмайдилар. Каспий бўйи-



даги Красноводскдан бошлаб, Тошкент ва Андижонгача узанган Ўрта Осиё темир йўли йиғирма йилдан бери бу томонларда ягона йўл бўлгани учун Тошкентга Русиядан келган кишилар ва нарсаларнинг кўпи Кавказ шаҳарларидан келган ва келтирилган. Арман, гуржилар кўп. Форс (эрон)лар учрайди. Бу йўл уруш даврида қўрилган бўлиб, Ҳарбия назорати идораси қарамонгадир. Илгари ҳамма маъмурулар аскарлар бўлган. Ҳозир ҳам контролёр-назоратчиларнинг зобит кийиминда юрганлари бор. Бекатларда татарлар кўринади. Тутунча кўтариб юрган пензаликлар, пахта ва тери ишидаги гамбовликлар, буфетлардаги аттор қосимликлар ҳамда баъзан Қозон, Саратов татарлари учрайди.

Катта Қўрғондан 12 қақирим юрғач, Бухоро амирлигининг ери бошланади. Бу ҳудудда йўловчига кўринмай қолаётган бир устунни ҳисобга олмасак, шаҳар ичига кирилган ҳеч ҳам билинмайди. Одатда туташ жойларда бўладиган тўхташ, текширишлар йўқ. Шунинг учун қаерда тушишини билмай юрган одамлар ҳам жуда кўп. Амирликка киргач, биринчи бекат “Зирабулоқ” бўлиб, бу ерда ва Янги Бухорода амирнинг пахта завдлари бор.

Поезд “Кармана” бекатига келиб тўхтади. Бу ер бироз ўзгача туюлади, бекат олдидаги жуда кўркам ва чиройли боғ ҳар бир йўловчининг кўнглига завқ бағишлайди.

Амирнинг яшайдиган жойи «Кармана» шаҳри бекатидан чамаси етти-саккиз қақирим узоқда экан. У ерга қандай бориш мумкинлигини суриштирдим. Икки гилдиракли катта аравани кўрсатдилар.

— Фойтун йўқми? — деб сўрадим.

— Йўқ, — дедилар. Бўлса ҳам, истовчилар кўп, уларга рухсат берилмайди. Амир ёнида олдий кишилар фойтунга ўтириб юришлари одобга зид ҳисобланади. Ямшиқлар — бекат отини ҳайдаб юрувчилар ҳамда шахсий кишиларга бу шаҳарда фойтун билан юришга рухсат берилмайди.

Бу томонларда декабр охириларда бироз қор ёғиб ўтган экан. Биздаги ёз каби иссиқ, фақат барглари йўқ. Чуқурлик ораларидагина бироз қор уюмлари кўринади. Катта Қўрғонда ҳарорат 27 даража иссиқни кўрсатади. Сартлар томошани жуда яхши кўрганлари учун поезди ўтганида бекат йўлақлари доимо тўла бўлади. Бироқ ўзлари томошабинга ўхшамайдилар. Қоринларини кўрсатиш учун чиқариб қўйгандек турадилар.

Йўл бўйида қишлоқлар кўп. Баъзан 15-20 қақиримгача узайганлари бор. Бу ерда хусусий ҳўжалик бўлгани сабабли қишлоқлар жуда узайган. Ҳамма ўз ерида яшайди. Русиядаги каби неча юз қишлоқ бирга йиғилиб яшган овулар жуда кўп учрамайди.

Сартларнинг ер қадрини билишлари, ерда ишлашлари жуда қизиқ. Яси ерларнинг кўп қаричига ҳам кўл тегишмаган. Узунасига дарахт ўтқазилган. Сув текис оқиши учун ер ости текисланган. Умуман, ерга ишлов берувчи машиналар бўлмаганидан жуда ҳам азоб чекиб, узоқ ишлар эканлар.

Самарқанддан ўтгач, бир яхудийнинг “Таврот” ўқиб бораётганига қўлоқ тутдим. Тушунарли форсча сўзлар эшитилди. Бир баҳона билан танишиб, унинг китобига бۆкдим. Иброний ҳарфлар билан жуда чиройли босилган. Бутунлай форсий экан. Бу китобни Бухорода яшовчи Довуд ва Рафаэл исмли хахамлар йиғиб тўплаганлар ва тасниф этганлар. Иерусалим (Қуддуси Шариф)да

босилган. Ундан сўраб билдим: Бухоронинг форсийча сўзлашган яхудийларига иброний ҳарфлар билан форсий китоблар нашр қилинар экан. Бу йўлда қарамонга қарши томонга юраётган поездарнинг ҳар бири Бухоролан жўнаётган ўқувчилар билан тўлган эди. “Куйи-мозор” бекатига қарши томондан келган юк поездида салла билан тўлган ўн уч қизил вагон саналдим.

Январ ойининг ўн саккизида кеч соат олтида Янги Бухорога етиб келдик. Бу ернинг расмий номи «Когон» деб аталади. Бошқа бекатлардан чиқгани фақат шу ергача берадилар. Бу ердан эски Бухорога махсус поезд юради. Ҳар куни икки томондан ҳам 6 талдан поезд юради. Эски Бухорода мебелли ва лечкали меҳмонхоналар бўлмагани учун мен Янги Бухорода қолишга қарор қилиб, қозонлик Иброҳимовларга тегишли «Оврупа» меҳмонхонасида қолдим. Хизматкорлари татар, ҳўжайини кекса олмон аёли экан.

Иш жойи Эски Бухорода бўлганларнинг Янги Бухорода яшовчилари кўп. Ҳар кун ўн бир қақиримли поезда бориб-келиш машаққатли бўлса-да, Эски Бухорода яшайдиган кўра энгилроқ ҳисобланади.

Январнинг ўн тўққизиде бозорлар тўла очилиб, ҳаёт ўз йўлига туша бошлади. Фақат таланган дўкноларгина очилмади. Қўчаларда бугун шиалар кўрина бошлади. Бундан олдин рус кийимини кийиб, қочиб, писиб юрганлар.

Бундан олдинги кунларнинг бирида Қушбеги Остонақулининг биродари шиа Содиқ бек закотчи ўз вазифасини бажариш учун бозорга чиққан экан. Сарт савдогарлари йиғилиб келиб, уни ишдан четлатганлар.

Русиянинг сиёсий вакиллиги маҳкамаси бу фитна сабабли ёпилган бўлиб, маъмурулари Эски Бухорога борганлар. Улар 19-да Янги Бухорога қайтгач, маҳкама тагин очилган экан.

Самарқанддан келтирилган икки юзга яқин аскарлар ҳозир Янги Бухорода тураётган эди. Генерал Лелентал вазиятни ўрганиш учун эски Бухорода эди. Ўлдирилганларнинг сони эллик киши, бироқ бу рақам аниқ эмас. Икки томон ҳам ўзларини жабрланган кўрсатиш учун ўлганларни кўп кўрсатадилар. Расмий жойлардан олинган маълумотларга қараганда икки томондан ўлдирилганларнинг сони қирқдан ортмайди. Яраланганлар 60-70 киши. Жабрланганлар мингга яқин, чунки урушганларнинг кўпчилиги қўлида тош ва темир бўлган.

Шунингдек, Қушбеги маъмуруларининг шиаларга милтиқ улашганлари исботга яқин. Арсенал (қурол омбори)даги милтиқларнинг умумий сони икки юз-уч юз бўлган экан.

Урушнинг иккинчи куни (10-январ) бир киши (кийимига қараганда рус бўлган) филофанган револьверни талабаларга сотган. Нархи 15-20 сўмдан бошлаб 40 сўмга етган. Бу номаълум шахс 50 тагача револьвер сотган эмис. Ким эканлиги маълум эмас. Сиёсий нияти амалга ошмагач, фурсатдан фойдаланиб, қурол сотиш учун юрган киши бўлса керак, эҳтимол.

Мухбирингиз генерал Лелентал томондан қабул этилиб, ярим соатга яқин суҳбатлашдим. Жуда ёқимли киши экан. Бир генерал газета мухбирига бера оладиган жавобларни диққат билан сўзлади.

Мен: Қишлоқ (ову)ларда тартибсизлик хабари эшитилган эди. Бу қерда?

Генерал: Бундан 20 қақирим чамаси узоқликда шиаларнинг Аумат номли қишлоқларига ғарбликлар

хужум қилган экан. Хабарини эшитгач, мен у ерга тегишли кишиларни юбордим. Бориб тартибга солганлар. Фақат бир киши ўлдирилган экан. Фарбликларни аслида бир эшон қўзгатган экан. Уни тўтиб олиб келдилар. Бухоро ҳукуматига топширдим. Ундан ташқари, Шаҳрисабз яқинида бир шиани ўлдириганлар. Ким ўлдиригани маълум эмас. Бундан бошқа тартибсизликлар йўқ.

Мен: Сиз аскарлар билан Бухорода узоқ қоласизми?

Генерал: Ҳади тинчиб кетиши маълум эмас. Бундан ташқари, биз бошлиқларимизнинг амрига бўйсунадиган кишилармиз.

Мен: Бу жанжалда зарар кўрган кишилар рози қилинади? Уларнинг зарарини ким тўлайди?

Генерал: Бу қарор сиёсий вакилга боғлиқ. Бухоро табақаларининг ўзларига тегишли бўлган бу ишларга аралашши меннинг маъмуриятимга кирмайди. Шунингдек, ҳали аҳвол охиригача маълум эмас. Кимлар айбдор, ким айбсиз, кимлар зарар кўрган, буларнинг ҳаммаси текширилгач, бу масала кўрилиши мумкин.

Генерал Леленталининг сўзларига қараганда, уларга жуда кенг ҳуқуқ берилган. Агар уларнинг барчасидан фойдаланишга тўғри келган бўлса, жуғрофий хаританинг ўзгариш эҳтимоли бор. Ҳозирча бунга эҳтиёж кўринмайди. Русиянинг Ўрта Осиёда олиб борган сиёсати ниҳоятда емирилиб бориши табиийдир. Бу генералнинг кўзланганлари шунга ярадли. Жуда ҳам юмшоқ сўзлаб турган киши.

III ҚОНЛИ ВОҚЕАЛАРНИНГ АСОСИЙ САБАБИ

Бухоро сиёсатчисининг сўзи. Мазҳаб ихтилофи бухороликларни уруштирамайди. Бухоро амирлигида зулм ва ҳақсизликлар. Халқнинг жаҳли бир чиқса, ёмон чиқар.

Бир йўғинда сунний-шиа фитниси муҳокама қилинаётганда Бухоролик ёш савдогарлардан бири менга деди: «Усмондиларга султон Абдулҳамидни туширмоқ, эронликларга Муҳаммадали шохни қувмоқ қанчалик муҳим ва оғир иш бўлган бўлса, бизда ҳам Қушбегини ишдан олмақ шунчалик муҳим ва оғир иш эди. Алҳамдулиллоҳ, биз беш кунда бунинг улдасидан чиқдик, ўзимиз яратмаган ҳукуматни бекор этдик. Бошқа миллатлар бир неча ойларда бажара оладиган ишни биз бир неча кунда тамом қилдик.» Бу сўзда бухороликларнинг маълум ва машҳур гуруҳлари ўз ҳиссасини йўқотган бўлса-да, ҳақиқат бундан ортқ бўлмаса керак.

Бухорода 9-18-январда бўлган бу қонли воқеаларни мазҳаб ихтилофи деб айтишди. Расулуллоҳдан сўнг халифаликда Чаҳорёларнинг қайсиси ҳақиқроқ бўлганини исботлаш учун ёки Маҳдийнинг ҳозир тирикми ёки тирик эмаслиги тўғрисида ўз мазҳабининг эътиқодини эсга олиш учун суннийлар ҳам, шиалар ҳам ҳеч бирининг қўзғолон кўтариш истаги ва бошқаларнинг бунга қўшилиши мумкин иш эмас. Бухоронинг муллалари бир китобнинг иборасини, бир мусаннифнинг сўзини маъқуллаши ёки ўзгариши учун юз йил мунозара қилиб турсалар-да, ўз мазҳаб ёки динларини эсга олиш учун қилич тигига боришдан жуда узоқдадилрлар. Бухороликлар ўзларининг ишончлари ва одатларига қанчалик мутаассиб бўлсалар ҳам, ўзларида бўлган нарсани бошқага жоиз кўрмасалар ҳам, адашганларни тўғри йўлга солиш

ёки Оллоҳ сўзини юксалтириш эҳтимоллари йўқдир.

Бунинг учун тарбия, иззат-нафе, шижоат, ғайрат ва фидойилик лозимдир. Булар Туркiston тарихининг олдинги саҳифаларида ёзилиб, илова қилинган. Бунга Қушбеги Остонақул ҳамда унинг яқинлари Бухорода расмий мазҳаб бўлган суннийлик ва ҳанафийликни кўпдан бери қабул қилганлар ва шунинг ижобиде амал қилиб келдилар. Буларнинг шиалари бўлса-да яширича бўлган...

Бинобарин, уларнинг шиа бўлганлари учун аҳолининг ҳамда талабаларнинг қиём этишлари эҳтимолдан бутунлай йироқ. Фитнанинг сабабларини излаганда мазҳаб тафовутларини асос қилиб олиш тўғри эмас.

Русиянинг бошқаруви малаяттли мамлакатлар орасида яхши ўрин тутмаса-да, унинг Туркistonдаги бошқаруви киши ҳуқуқлари жиҳатидан тахсинга лойиқ эмас. Маълумки, Туркistonда регионнинг кўп ҳақ ва ҳуқуқлари идора ишидаги аскарлар қўлига топирилиб, ҳар бир муомалада уларнинг қаттиқ қўллари сезилмай қолмайди. Бутун Русияда энг ювош ва эътиқодли табақа ҳисобланган татарларга Туркistonда ерлаштиша рухсат бермайдилар. Бу ерда маъмурлар ўзларини Русияда эмас, балки «окраина», чеккада эканликларини унутмайдилар. Шундай бўлса ҳам, Туркistonдаги рус бошқарувига қизиқиб, ҳамда шундай бошқарувга умид қилиб яшовчилар бор. Булар рус Туркistonига қўшни бўлган мусулмон хонликларидеги рига-киборли амалдорлардир. Рус Туркistonига қўшни мусулмон хонликлариде яшовчи киборли амалдорлар ўз қардошларининг рус ҳимоясида роҳат қилишни, ва келажакда тинч яшашни хоҳлайдилар. Ҳамда бундан мамнун эканликларини маълум қилиш учун ўзларини бахтли кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Мен бу ҳолни Эронда қўриб ажабсинган эдим. Агар Шимолий Эрон Русия ҳимоясига кирса, Эрондаги ерларнинг баҳоси бирга беш улуш кўтарилиб, завод ва фабрикалар очилиб, йўллар қурилиб, фақирларга иш, бойларга қосиб топилаётгани сўзловчиларга «русофил»лик қиладилар, деб эшитардим. Энди Бухорода ҳам шундай ҳолатга дуч келдим. Русиянинг чекка бошқарувига ҳам ачинмай илож йўқ. Тўғри, қўллари ўзларининг ожизликларини яшириб, бошқа мамлакат муҳиб қилиб кўрсатишни ёқтирадилар. Лекин ўзларидаги бошқарувининг бошқа мамлакатни бошқаришдан ҳам ёмон эканини аён қилиб турадилар. Шунингдек, ўзларининг бунга қўниқтирувчилар кундан кун ортади. Бу муқаддима мазкур фитнанинг сабабларини излашга ёрдам берса керак. Бухоро амирлигининг бошқарувида маъмурлар ва тўраларга шижоат қилинмайди. Чунки маъмурларнинг ўзлари юқорига ақча тўлаб турадилар. Бошда бозорларда, ярмаркаларда «бозорчилар» олдин ўзлари маъмурларга ақча тўлаб жой эгаллайдилар, сўнгра бозорга келувчи халқнинг пулини еганларидек, Бухоро маъмурлари ҳам юқорига ўзлари ақча тўлаб, ортиги билан қақдан ейдилар. Албатта, ҳар қайсиси имкон қадар кўпроқ ейишга тиришади, чунки бу тўловларда ҳеч қандай тартиб ва қоида йўқ. Кимдан қанча кўп олиб бўлса, шунча оладилар. Бизлек тартибга одақланган кишиларнинг бунга ишонини қийин. Лекин ҳақиқат шундай. Бу тўловларда аниқлик ва адолат йўқ. Олувчи билан берувчининг шахсий муносабати ва душманликлари, заифлик ва кучлйилиги, ҳўйлоқлиги ва солдалиги — ҳаммаси тўловнинг миқдорига таъсир қилади.

(Давоми).

Татар тилидан Шермурад СУБҲОН таржимаси

Кадимий ва қудратли Рим салтанатининг буюк нотиги ва давлат арбоби Марк Туллий Цицерон таржима ҳақида билдирган мулоҳазалар илм аҳлини доим қизиқтириб келган. Зеро, бу ҳол таржима илми ва амалиёти нуқтаи назаридан жуда долзарб аҳамиятга эга.

Авалло, Цицероннинг илмий-ижодий фаолияти, у яшаган замон ва макон ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Мавлумки, Цицерон юнон-македон ҳукмдорларига тегишли ҳудудлар римликлар тасарруфига ўтаётган, Рим салтанатининг жаҳон миқёсидаги мавқеи жадал суръатда ошаётган даврда яшаган. Унинг замондоши, буюк саркарда Юлий Цезарнинг (мил. авв. 100-44) қўйидаги машҳур сўзлари ҳам шундан далолат беради: “Келдим, кўрдим, енгдим!”

Ўша даврда римликлар ўзгаларнинг моддий бойликларинигина эмас, маънавий бойликларини ҳам ўзлаштиришга астойдил киришганлар. Албатта, бу ҳол таржима ишларига эҳтиёжни анча оширган. Бироқ ўшанда таржимага муносабат турлича бўлган. Бунинг устига таржима кенг қамровли ва анча мураккаб фаолият эканлиги учун, ҳар қандай илм соҳиби у ҳақда мулоҳазалар билдиришга журъат эта олмаган. Цицерон бу ҳақда мулоҳазалар билдирганида 60 ёшда бўлган.

Цицерон худди шу йилларда муҳим ишга қўл уради, яъни у икки машҳур юнон нотиқлари Демосфен ва Эсхин нотиқ Ктесифонтни гулчамбар билан тақдир-

лаш масаласи муҳокамасида сўзлаган нутқларини лотинчага ўгиради.

Тахминан мил. авв. 326-йилда Афинада Демосфен Ктесифонтга гулчамбар тақдим этилишини ёқлаб, Эсхин эса бунга қарши нутқ сўзлаган.

“Гулчамбар ҳақида” номи остида эълон қилинган мазкур нутқлар таржимасига Цицерон нотиқликнинг энг яхши усуллари сарлавҳали кириш сўзини (мил. авв. 46-й.) илова қилади ва ўзининг таржимага оид мулоҳазаларини баён этади: “Мен илмга чанқоқларга нафи тегар деган ниятда... Аттика суҳандонлигининг икки буюк вакили, яъни Эсхин ва Демосфен, бир-бирига қарши сўзлаган машҳур нутқларни ўгирдим; бироқ мен уларни таржимон-

сифатида эмас, балки нотиқ сифатида, ўзларининг фикрларига хос нутқ шакллари ва иборалари билан, сўзларини эса ўз одатларимизга мослаштириб ўгирдим. Бунда мен бир сўзни бошқаси билан беришми эмас, балки умумий ҳолдаги ифодалаш усулини ва барча сўзларнинг маъноларини сақлаб қолишни лозим топдим: чунки мен уларни ўқувчига санаб эмас, балки тенг ўлчаб бериш керак, деб билдим”. Цицероннинг нутқларни таржимон сифатида эмас, нотиқ сифатида ўтиргани ҳақидаги мулоҳазаларни икки хил талқин қилиш мумкин:

1. У таржима ишига эркин ҳолда ёндашгани маъносиди.
2. Нотиқ сифатида нутқларни ҳар қандай таржимон-

ЦИЦЕРОН

ТАРЖИМА САНЪАТИ ҲАҚИДА



ниқидан яхшироқ ва тўғрироқ таржима қилганлиги маъносида.

Таржимага оид бир қанча илмий мақолаларда Цицероннинг ушбу мулоҳазаларига эътибор қаратилганининг гувоҳи бўламиз:

Адабиётшунос, адиб ва таржимон В.Россельс эса ўзининг таржима ҳақидаги мақолалар тўпламини “Сўз вазни қанча?” деб атаган. Мазкур тўпламга киритилган мақолалардан бирида у украинча-русча таржима ҳақида мулоҳаза юритиб, “Цицерон таржимада сўзларни санаш эмас, балки уларни ўлчаш керак деган-ку”, — дея уқдиради.

Ўзбек файласуфи, адабиётшуноси, адиби ва таржимони С.Шермухамедов ҳам “Таржима санъати” тўпламида нашр этилган мақоласида, Цицероннинг айнан шу му-

лоҳазасига ишора қилиб, таржимонлар унга риоя қилишлари лозимлигини уқдиради.

Чех таржимашуноси И. Левий «Таржима санъати» китобида бу ҳақда шундай ёзади: “Таржима муаммоси, ҳатто бадиий таржиманики ҳам, янги эмас. Маълумки, унинг илдизлари антик Римга бориб тақалади, ўшанда Цицерон таржимада сўзларни санаш эмас, ўлчаш кераклигини уқдирганки, бу ҳол таржима амалиётининг кейинги икки минг йил мобайнидаги аслиятга содиқлик муаммоси ўшандаёқ ҳал қилинганидан далолат беради”.

Олмон таржимашуноси Х.Фермеернинг “Таржима тарихига оид битиклар” китобида антик даврлардаги таржималарни қуйидаги уч типга ажратади: 1. Фалсафий-илмий таржима. 2. Поэтик (ба-

диий) таржима. 3. Риторик таржима.

Хулоса шуки, антик даврларда сўзма-сўз таржима аниқ, тўлиқ, тўғри, аслиятга содиқ таржима сифатида тушунилган. Бироқ бундай таржиманинг моҳиятини ҳеч ким тушунтириб бера олмаган. Шу боис таржимага оид баъзи манбаларда сўзма-сўз таржима нафақат ижобий, балки салбий ҳам тавсифланган ҳоллар кўп учрайди. Цицерон тарихнавис дўсти Аттиска “Аристотелнинг шоғирдларидан бирини буткул сўзма-сўз таржима қилдим” — деб ёзган. Демак, Цицерон таржима ҳақида билдирган мулоҳазаларга қандай тарихий манба эътиборга олинаётганига қараб тўғри ёндашилиши мақсадга мувофиқ.

Одилжон САФАРОВ
(ЎзДЖТУ доценти)





Санъат бу улкан ва чексиз уммондир. Ундан баҳра олмайдиган инсоннинг ўзи бўлмаса керак. Лекин санъатнинг сиру синоатларидан воқиф инсонларгина унинг ортида не-не машаққатлар, филокорона меҳнат ётганини идрок эта оладилар. Шу маънода, ҳофизлик санъатига бутун умрини бахшида этиб, ўзининг самарали фаолияти билан миллий қўшиқчилигимиз ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган санъаткорларимиздан бири Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуджон Тожибоев ҳисобланади.

Маҳмуджон Тожибоев 1957 йилнинг 25 ноябрида Фарғона вилоятининг Кува тумани, Болали Қайрағоч қишлоғида мироб оиласида таваллуд топди. Отаси мумтоз қўшиқчилик санъати шайдо-си Ғозибой ота туман сув ҳўжалиги бошқармасига қарашли ширкатда «бош мироб» вазифасида меҳнат қилган бўлса-да замонасининг номдор ҳофизлари билан тез-тез мулоқотда бўлиб, уларнинг ижроларини ниҳоятда қадрлаган.

Оналари Лобархон ая халқ қўшиқларини ва аллаларини жуда ширали овозда ижро эта олганлар. Бир сўз билан айтганда, Маҳмуджонни санъатсевар оилада камол топган дейиш мумкин. Қолаверса, оналарининг отаси Давронбой ҳофиз Каримов Фарғонада таниқли ҳофизлардан бўлганлар. Боболари Каримқори ҳофиз эса машҳур устоз санъаткор Мулла Тўйчи ҳофизнинг шоғирдларидан ҳисобланган.

Карим қори дутор чалиб дoston айтиш бора-сида ҳам уста бўлган. Маҳмуджон илк бор Фарғона-Тошкент мақом йўлларига мансуб баётлар, Дугоҳ Ҳусайнийлар ва Чоргоҳларни айнан боболари ижроларида эшитиб, бу касбга меҳр қўйган.

Маҳмуджоннинг мумтоз мусиқий намуналар оғушида улғайишига яна бир воқеа муҳим сабаб бўлган. Отаси Ғозибой ота забардаст инсон бўлиб, халқ сайилларида уюштирилладиган “Улоқ” маросимларида қатнашган. Шундай кўпқариларнинг бирида омади келиб соврин сифатида “Родина-52” радиоприёмника сазовор бўлган. Бу воқеани Маҳмуджон катта бир иштиёқ билан хотирлайди. Чунки у онаси билан биргаликда радиоприёмник орқали янграган буюк ҳофизларнинг хонишларини тинглаб чексиз завқ олган. Айниқса, Мулла Тўйчи Тошмухамедов, Расулқори Мамадалиев, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Акбар Ҳайдаров, Комилжон Отаниёзов, тожикистонлик мақом усталари Шоназар Соҳибов, Фазлидин Шаҳобов, Барно Исоқоваларнинг хонишлари ёш Маҳмуджонда катта таассурот қолдирган. Устоз Жўраҳон Султонов ижросида илк тингланган “Кўкарди чаман” ашуласи ҳалигача унинг ёдида сақланади ва бу асар уни катта йўлга бошлаганини фахр билан эътироф этади.

Ёшлик чоғларида Маҳмуджон шу қишлоқда яшаб, халқ маросимларида ўз санъати билан хизмат қилиб танилган ҳамда бобосининг шоғирди

ҳисобланган Эгамберди Маматовдан соз ижро-чилик санъатини, хонандалик ижро мезонла-рини ўрганди. Маҳмуджоннинг биринчи усто-зи – Эгамберди Маматов скрипка ва созда куй-ларни мукамал ижро эта олган моҳир созанда бўлган. Маҳмуджон мақом йўлларига мансуб ашулаларни ўзининг устози ёрдамида ўзлаш-тирди ва дўстлар даврасида, халқ сайиллари-да, тўй-маросимларда ўзининг хонишлари билан қатнашди.

Маҳмуджон ўрта мактабни битириб Тошкент Маданий оқартув техникумига ўқишга кирди. Бу даргоҳда у рубоб синфида Баҳодир Зиёмухамедов-дан сабоқ олди. Сўнг таниқли мусақашунос олим Файзулла Кароматов тавсияси билан 1979 йили Тошкент Давлат консерваториясининг Шарқ му-сиқаси кафедрасига ўқишга кирди. Кафедрала у мақом ижрочилик санъатидан, мақом илмидан ва хонандаликдан ўз билимини оширди. Таниқли устоз санъаткорлар Тургун Алиматов, Ориф Али-махсумов ва Фаттоҳжон Мамадалиевлар таълими-ни олди.

Маҳмуджоннинг қувваи ҳофизаси кучлилиги ўқиш давридаёқ ўз самараларини бера бошлайди. У мақом санъатини кунт билан ўзлаштириш билан бирга илмий асосларига, бастакорлик анъа-наларига ҳам катта эътибор қаратади.

1983 йили Юнус Ражабий номидаги ёш мақом ижрочиларининг Республика танловига муваффа-қлишти қатнашиб, лауреатлик унвонига сазовор бўлди. 1984 йили консерваторияни битириш ара-фасида устози Ориф Алимахсумов Ўзбекистон Радиоси қошидаги Юнус Ражабий номидаги ма-қомчилар ансамблига ишга таклиф этди. Ушбу мўътабар даргоҳда Маҳмуджон Тожибоев 1984 йилдан бошлаб 17 йил давомида устоз санъаткор-лар билан биргаликда фаолият олиб бориш. Шу давр ичида у ўзбек ҳофизлик санъати мезонлари-да мавжуд бўлган барча бошқичларни катта иштиёқ, самарали фаолият, жўшқин ижод ва бе-такрор ижролар билан олиб боришга ҳаракат қилди. Замонасининг кекса авлод устозлари билан биргаликда Шашмақом таркибидagi 100 дан ортиқ асарларни ижро этиб, радионинг олтин фондига ёздирришга муяссар бўлди. Яқна ижрода эса 100 га яқин асарларни ижро этиб фондга муҳр-лади. Республика миқёсида ўтказиладиган энг ну-фузли байрам тантаналари, зиёлилар мушоира-лари, танлов ва фестивалларда ижрочи ва устоз сифатида қатнашди. Ўзбек мумтоз санъатини хал-қаро миқёсда муносиб тарғиб этиш борасида АҚШ, Франция, Германия, Жазоир, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Малайзия каби қатор мамлакатларда жонажон жамоаси билан бир неча бор ижодий сафарда бўлиб қайтди. Унинг ижро-

сида шашмақом тароналаридан “Мустаҳзоиди Наво”, “Сарахбори Наво”, Талқинчаи Савти ка-лон”, “Сарахбори Дугоҳ” кабилар билан бирга Фарғона-Тошкент мақом йўлларидан “Дугоҳ”, “Чоргоҳ”, “Сеғоҳ”, “Насри Уззол”, “Талқини Уззол”, “Насруллоий”, “Гиря I, II”, “Қўқон Уш-шоғи”, “Баёт I-V”, “Сарахбори Оромижон”, Хоразм ижро йўлларидан “Савти Сувора”, “Ча-вандози Сувора”, “Хоразм Сеғоҳи”, “Хоразм Чоргоҳи” каби ранг-баранг муסיқий намуналар муносиб талқинини топди.

Маълумки, ҳар бир халқ санъаткори мумтоз ижрочилик санъатини мукамал намоён этиш қобилиятига ҳам эга бўлиши керак. Маҳмуджон Тожибоевнинг бу иқтидори консерваториядаги талабалик даврида ноқ бошланган эди. Унинг илк асари Эркин Воҳидов сўзига “Ўзимга савол” ашу-ласидир. Шундан сўнг у бир қатор анъанавий йўлда ашулалар яратиб, ижро этиб радио фон-дига ёздирди. Миртемир сўзи билан “Тонг”, Фай-ратий сўзига “Тебратма кўп”, Навоний сўзига “Шод айлағай”, М.Тожибоев сўзига “Сумбула”, “Кокилимни тебратма”, “Ёлғиз”, “Меҳринг ўти”, “Жавлон қил” каби ашулалар шулар жум-ласидандир.

2000 йили Маҳмуджон Тожибоевнинг анъана-вий муסיқа ижрочилигида эришган ютуқлари дав-латимиз томонидан муносиб баҳолашиб, Прези-дентимиз фармони билан “Ўзбекистон халқ ҳофи-зи” фахрий унвони берилди.

Маҳмуджон Тожибоев 2001 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Давлат консер-ваториясининг анъанавий ижрочилик кафедрасида талабаларга «Анъанавий ашула мутахассислиги» бўйича сабоқ бериб, устозлик фаолиятини доцент лавозимида олиб бормоқда. Шу йиллар давомида бирқатор Республика ёш мақом ижрочилари тан-ловининг совриндорларини тарбиялаб етиштир-ди. Чунончи, бугун анъанавий ижрочилик бўйича самарали фаолият олиб бораётган аксарият ёшлар Маҳмуджон Тожибоевнинг ўз устозим деб фахр билан тилга оладилар.

Маҳмуджон Тожибоев ўзбек ҳофизлик санъа-тини мукамал эгаллаган, ўтмиш хонандалари-нинг ижрочилик анъаналарини яхши ўзлаштир-ган, Шашмақом ва Фарғона-Тошкент мақом йўллари билимдони сифатида замонамизнинг етук ва билимдон ҳофизидир. Унинг жозибали овози, шиддатли ижроси ўзининг мукамаллиги билан ажралиб туради. Қолаверса, келажак ёш авлод учун ибрат сифатида хизмат қилади.

Маҳфуза КАРИМОВА,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси
катта ўқитувчиси

МАРДЛИКНИ УЛУҒЛАБ АЙТДИМ СЎЗ



Қорақалпоқ адабиёти ўзининг бой аънаваларига эга. Берлак, Ажиниёнинг халқона йўлдаги ўғитларини, Ибройим Юсуповнинг оташин шеърларини, Тулепберган Қайипбергановнинг мағзи тўқ настрий асарларини ким билмайди дейсиз. Илдизи бақувват дарахтнинг танаси ҳам бақувват бўлганидек, изчил аънамага эга бўлган адабиёт ҳам даврга ҳамоҳанг, маънавий эҳтиёжларга яраша бадиий пухта асарлардан бенасиб қолмайди. Бугунги қорақалпоқ шеъриятида фаол ижод қилаётган, шеърлари билан ўқувчилар кўнглига йўл топаётган шоирлар етарли. Ж.Избосканов, К.Реимов, Ш.Сейтов, Ш.Аплов каби ва бошқа кўпгина ижодкорларнинг номини эслашимиз мумкин. Шу силсиллада Бахтиёр Генжамуроднинг ўзига хос шеърий овози алоҳида жаранги билан ажралиб туради. Бахтиёрнинг шеърлари таниқли шоир Рустам Мусурмон таржималарида ўзбек тилида тез-тез босилиб турибди. Иккита шеърий тўплами эълон қилинди. Айниқса, “Ўкузлар ё битиклари” (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006 й.) ўзбек шеър ихлосмандлари кўнглини қувонтирди. Бу тўплам мисолида замонавий қорақалпоқ шеърияти оҳанглари кенг китобхонлар қалбини чулғади. “Ўкузлар ё битиклари”даги мардонавор, шиддатли руҳ, тўпламни ўқиган ҳар бир китобхонга юқини шубҳасиз. Китобга берилган ном Амударёнинг қадимий аталishi, тўплам руҳига мос бўлиб, ўқувчини биринчи сатрлардан оқ шоир рухониятига созлайди. Бахтиёр Генжамурод ўз айтиш йўлига, бошқаларга ўхшамаган шеърий овозга эга. У ўзига ишонч билан қўйидагиларни ёзганича бор:

*Бахт — битта
Муҳаббат — битта
Кўксимдаги юрагим — ёлғиз.
Бу дунёда Бахтиёр — битта,
Мени тўққан онам ҳам — ёлғиз.
Онам — битта,
Она ер — битта,
Айланади оламда ёлғиз.
Бу дунёда шоир ҳам битта,
Қўшиқ ёзган қалам ҳам ёлғиз...*

Бу “битатлик” гурурланиш эмас, ўзига хосликка интилиш, шоир сифатида ўз созига эга бўлиш иштиёқи деб

тушунилмоғи керак. Шоир ўзгалар қўшиғига ўхшамаган қўшиқ ёзишга интилади, янгича оҳангларда куйлашни истайди. Янгиликка интилиш Бахтиёр Генжамуроднинг шеърларида шаклан ҳам кўзга ташланади.

У аънавий шеърый йўлдан кўра, қолипларга тушмайидган мисраларда фикр айтишга мойил. Бунинг асоси туйғулар пўртанаси, фикрнинг қобикқа тушиб қолмаслигининг натижаси бўлса керак. Қорақалпоқ шеъриятида эркин шеър ҳақида фикр юритган адабиётшунос Қ.Ўрозимбетов шундай ёзади: “Эркин шеър қорақалпоқ адабиётини янги шакл. У адабиётимизга эндигина кириб келиб, шаклланиш, таъбир жоиз бўлса, жойлашиб олиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Шунинг учун ҳам қорақалпоқ адабиётшунослигида эркин шеър ҳақида салмоқли фикрлар айтилганча йўқ”. (ЎЗМУ хабарлари. 2002.№2). Шунингдек, муаллиф ҳақли равишда Бахтиёр Генжамуродни қорақалпоқ шеъриятида сарбастга мойил шоирларнинг биринчиларидан деб билади. Бахтиёр Генжамурод кичик шеърларида ҳам, дostonларида ҳам янги-янги бадиий топилмалар қиладиким, бу унинг асарлари бадиياتини оширган. “Шайтоннинг шахрига кириб, кейин сен, фаришта булоғида ювасан қўлинг”, “Митти оёқчангнинг қадалган ўрни, қитғини келтирар қайроқ тошларнинг”, “Фикримга фикрингни боли томади”, “Минг ўркакчи тузлар — қаҳрабон қумлар”, “Шахмат ўйинида оқ-қора йиллар”, “Донолар — сув, сувсиз элнинг сирлари тез айнилиди” каби эҳтиросли, фалсафий мушоҳадаларга чорловчи сатрлар Бахтиёр Генжамурод ижодида анчагина. Шеъриятда бадиий маҳорат ҳамниша қадрланган. Асл шеърятнинг моҳияти ҳам бадиий маҳоратнинг юксаклиғи билан белгиланади.

Бахтиёрнинг яна бир ўзига хослиғи шеърларида замоннинг долзарб муаммоларини бир-икки мисраларида акс эттириб кетишидир:

*Ўқ отиш, портлатиш — одам ўлдириш...
Кул Инсон, дунёдан шуми умидинг?
Гар билсанг, одамга қараб ўқ узиш
Танғрига қарши ўқ узиш билан тенг.*

Бугунги талотўп дунёла қанийди, ҳар бир инсон ўзлигини, яъни инсонийлигининг моҳиятини англаб етолса. Ҳар бир халқнинг ўз эътиқоди бўлиши табиий, лекин ҳеч бир

халқда худога қарши туриш, ўқ отиш йўқ. Оламлар шоир айтганидек бир-бирига “ўқ узмиш” Тангрига қаршилиқ эканлигини билсалар, шояд бу йўлдан тийилардиларми?!

Бахтиёр Генжамуроднинг сўз қўллаш ва сўзни ўз ўрнида ишлата олиш маҳоратини алоҳида таъкидлаш даркор. Шеърлий асарда наинки бир сўзни, ҳатто ургу беришининг, ундовнинг ҳам аҳамияти каттадир. Сўзларга янги маъно юклаш ҳар қандай шоирнинг бадиний маҳоратидан далолат. Бахтиёр Генжамуродда сўзларни такрорлаш орқали таъкидни кучайтириш, ундовлар қўйиш билан туйгулар пўртанасини кўрсатиш устиворлиги бор:

**Ватанин кўшиққа сиздирмоқ... Йўқ! Йўқ!
Наволарга сизмас саркаш туйгулар.**

Ёки:

**Ҳар нозли қадамингга
тош йўллар яйрамай
танглайин қоқиб:
— Тах, тах, тах!**

Бу тўртинчи қатордаги такрорий сўз, ҳар уч мисрага оид эмоционналликни кўтаришга хизмат қилган. Айрим шеърларда бир сўз бир қаторда такрорланса-да, гализлик йўқ, уқдириш руҳи кучайган:

**Тангри-ёлғиз,
Осмон-ёлғиз,
Кўёш-ёлғиз,
Ой-ёлғиз...**

Шеърларида шева сўзларидан ўринли фойдаланиш, достонларида қаҳрамон нутқда табиийликни сақлаб қолиш ҳам Б. Генжамуроднинг шоир сифатида ўзига хослигини кўрсатади. Бу жиҳатидан Мадехон сўзлари характерли:

**Судуларни сайлаб суйдим —
тойча белли сағрини,
Бир аёлим — оққуш нозли,
бири товус ишвали.**

Бахтиёр Генжамурод ижодида талмеҳ санъати тез-тез қўлланилади. Шоир тарихий шахсларнинг номини келтириш, уларга мурожаат қилиш орқали шеърдаги эмоционал таъсирчанликни оширади: “Житарим Ўразан!.. Житарим Маман!..” каби.

Айниқса, шоирнинг достонларида бу ҳол яққол намоён бўлган. Бахтиёр Генжамуроднинг “Мадехон сўзи ёхуд Чин ипагидаги битик”, “Қор-Оқ-Алп-Оқ” достонлари фикримиз дэляли. Биринчи достонда туркийлар тарихида ёруғ из қолдирган, эрамизнинг 2-3 юз йилликларида Хунлар империясидаги моҳир йўлбошчилардан бири бўлган Мадехон ҳақида. Достон Мадехон тилидан сўзланаркан, шоир қўллаган ташбехларда давр руҳияти, қаҳрамон характерини яхши очиб беради:

**Мой айниса, туз сепилар,
Эр айниса, не бўлар?!
Чин бўрилар айнимайди.
Айниганлар ит бўлар,
Шоғол бўлар, тулки бўлар,
ликклатар кетини.
Мардлар элининг тузи бўлар —
Мард айнитмас элини.**

Достонда ватан қадри, она ер ҳурмати юксак пардаларда куйланган. Чин ҳоқони Мадехоннинг отини сўрай-

ди йўқ, демайди, ёш қизини истаиди, кўнади, аммо Чин подшоси яна:

**Хат ёзбиди: Чун кўкармас,
қақраб ётган еригдан,
От тўёғи, куш қаноти
куяр сувсиз чўлгидан,
Кунботардан, кунчиқардан,
жануб, яна шимолдан
Юз чақирим тақир ерни
бўлиб бергин элигдан!**

**Кўкрагимга газаб тўлди,
Кўзларимга тўлди қон!**

Энди Мадехон газабга келади, “тақир ерини-да” беришни истамай ҳоқонга қарши юриш қилади ва уни асир олиб кўй боқтиради. Мадехон ҳақидаги бу ривоят юртни улуғлашни, уни асраб-авайлашнинг юксак намунаси эмасми. Ёш авлод аждодлари кимлигини англаса, тарихда ота-боболари қўрсатган қаҳрамонликларни қанчалик кўп билса, шунча сергак тортади. Бундай достонлар мудраётган туйгуларни уйғотиш учун, енгил йўлга кириб юрт қадрига етмаганлар учун бир танбехдир, маънавий ўрнақдир.

Бахтиёр Генжамуроднинг ҳар икки достонини қаҳрамонлик руҳидаги асарлар дейиш мумкин. “Қар—Оқ—Алп—Оқ” достонини ўқир экансиз, асар услуби қадимги Ўрхун — Энасой битикларини эслатади. Беихтиёр Билга ҳоқон, Култегин ёзма ёлгорликлари оҳангини ёдингизга солади. Айтиш услубида, сўз қўллаш тарзида:

**Эр ота бўрини санчди.
Уғилга юрак берди.
Алп оққа айтти:
“Бўри бўл!”
Эр ота бўрикут отди.
Уғилга юрак берди.
Алп оққа айтти:
“Бўрикут бўл!”**

**Алп оқни Кўкка —
“Ут тош”га чўзди.
Тонг Ингир кўрди
Яйрақайди.**

Шу зайлда ҳикоя қилиш орқали достонга яхши шакл топилган. Худди асар ўша даврда яратилган-у шоир уни табибли қилгандек, мазмунга мос руҳ достон моҳиятига сингиб кетган. Бўрикут — бургут, йўл бўриси — йўлбарс, Ут Тош — кўёш, уруғолувчи — аёл, ув — заҳар каби сўзларнинг қўлланиши достондаги қадимийлик руҳини кучайтирган. Бахтиёр Генжамурод достонларидаги чатнаб турган руҳ — тарихда ўтган қаҳрамонларни унутмаслик, ватансеварлик руҳиди. Шоирнинг қалбида аждодларга эҳтиром ҳисси балинд бўлмаганда, достонлари бу қадар эҳтиросли чиқмаган бўларди. Бу туйгуларни шоир асарларида ёниқ ифодалай олган. Шу маънода таниқли шоир Азим Суюн: “Бу достон — бугуннинг достони. Хурриятг достони! Мустақиллик достони!” деганда ҳақдир.

Бахтиёр Генжамурод ижодий гуллаган паллада. Шоирнинг эълон қилаётган асарлари бунга гувоҳ. Биз Бахтиёрни ижодий тугёнлар ҳеч қачон тарк этмаслигини истаб қоламиз.

**Алҳамбек АЛИМБЕКОВ,
ЎзМу доценти**

ТИББИЙ МАДАНИЯТ ҲАЁТ ЗИЙНАТИ

Маданият инсон ҳаётининг зийнати, безаги десак янглишмаймиз. Бу тушунчанинг миллий маданият, оммавий маданият, ҳуқуқий маданият, тиббий маданият каби ўзига хос кўплаб кўринишлари мавжуд. Бугунги шарт-шароит, тараққиёт ҳар биримиздан етарли даражада маданий салоҳиятга эга бўлишни тақозо этмоқда.

Биргина тиббий маданият тушунчасини олайлик. Бир қараганда, фақатгина тиббиётга, шу соҳа ҳолидларига оид атамалек туюлади. Аслида-чи?...

Саломатлик, соғлом турмуш тарзи ҳар бир инсон учун керак. Тиббий маданият биринчи навбатда ўзининг ва яқинларининг саломатлигига эътибордан бошланади. Бунинг учун эса, инсон организми, саломатлиги борасида зарур тиббий билим ва кўникмалардан хабардорлиқни талаб этади.

Мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, тиббий маданият ва тиббий саводхонлиқни ошириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада ҳукуматимиз томонидан зарур ҳуқуқий база ҳам яратилган.

Хусусан, 1996 йилнинг 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Мақамасининг 2002 йил 5 июлдаги “Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устивор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Таъкидлаш жоизки. Тиббий маданият бизда кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолган тушунча эмас. Шарқда, хусусан, бизнинг заминимизда тиб илмининг юксак даражада таъқий этгани ортиқча эътирофга муҳтож эмас. Улғу бобомиз Абу Али Ибн Синонинг тиббиёт соҳаси ривожига қўшган ҳиссасини бугунги кунда бу-

тун дунё аҳли эътироф этади. Ўрта асрлардаёқ унинг “Тиб қонунлари” асари турли Европа тилларига таржима қилинган.

Чунончи, Ибн Сино бобомиз ўз асарларида оилада тиббий маданиятни шакллантириш, фарзандларни соғлом, бақувват вояга етказиш учун шарт-шароитлар яратиш, соғлом муҳит барқарорлигини таъминлаш бўйича қимматли тавсиялар бериб ўтганлар. Ота-боболаримиз тиббий воситалар, ўт-ўланлар, мева ва сабзавотлар ёрдамида саломатликни асраш, турли касалликларнинг олдини олиш бўйича етарлича тажрибага эга бўлишган.

Шундай экан, бугун илм-фан, тараққиёт, техника юксак чўққига етган бир пайтда ҳар бир хонадонда тиббий маданиятнинг юқори даражада бўлиши қатъий талаб этилади.

Ҳар бир инсон болалигидан бу борада етарлича тушунчаларга эга бўлиши, ўз фарзандларини ҳам шу руҳда тарбияламоғи зарур. Фарзандларнинг ҳар томонлама камолоти борасида турилганидан бошлаб гамхўрлик қилиш лозим, дейишди. Аслида бу хусусда ундан ҳам олдинроқ, яъни фарзанд дунёга келмасидан аввалроқ қайғуриш лозим.

Ҳукуматимиз ташаббуси билан никоҳланувчиларни мажбурий тиббий текширувдан ўтказиш тизимининг жорий этилиши ҳам бу масалага қаратаётган юксак эътибор натижасидир. Юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам замонавий шифо масканларининг бунёд этилаётгани, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш, ташхис қўйиш ва даволаш учун барча имкониятлар яратилётганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Фарзандларни ёшлигидан бошлаб, ўз соғлиги ҳақида қайғуришга, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишга ўргатиш лозим. Хусусан, кўпинча ота-оналар ўта нозик, “пардали” масала сифатида қарайдиган жинсий тарбия масаласи ҳам ёш авлод келажагида муҳим аҳамият касб этишини унутмаслик керак. Болалар улғайганида бу ҳақда ўқиб-ўрганиб олади, деган қараш унчалик тўғри эмас. Диний қадриятлар ҳам фарзандларни ёшлиқдан оилавий ҳаётга тайёрлаб бориш, нозик масалаларда тушунчалар бериб боришни мақбул топлади.

Кашандалик, ичкиликбозлик, гирёхандлик, маънавий бузуқлик ҳам жисмоний, ҳам маънавий саломатлик кушандаси эканлиги ортиқча изоҳ талаб этмайди. Ана шундай муҳитда тарбия олган фарзандларнинг келажақда комил, ақли, жамиятга фойдаси тегадиган инсон бўлиб вояга етиши мушкул. Шу боис, болаларни бундай иллатлардан узоқроқ сақлаш баробарида, бу салбий ҳолатларнинг моҳияти, мутқиш оқибатлари ҳақида ҳам етарлича хабардор қилиб бориш зарур.

Инсон ҳаётидаги энг қимматли бойлик, — бу саломатликдир. Аммо, афсуски, унинг қимматини, бебахолигини кўпинча уни йўқотгандагина англаймиз. Йўқолган нарсани топишдан кўра, уни йўқотмаслик чораларини кўриш, асраб-авайлаш мақбул ва самаралидир. Касаллиқни тузатишдан кўра унинг олдини олган афзал, деган сўзлар бежиз айтилмаган.

Тиббий маданият бу йўналишдаги билимларимизни мустаҳкамлашга, ҳаётимизнинг гўзал, завқли ҳамда мукамал бўлишида муҳим ўрин тутади. Шунинг учун оила, маҳалла ва таълим муассасаларида тиббий маданиятни юксатириш борасидаги ишларни янада қучайтириш лозим.

Покиза МАҚСУДОВА,
ЎзДЖТУ Тиббий билим асослари кафедраси ўқитувчиси

МАРИЯ КАМАСНИНГ ҚОТИЛИ КИМ?

(Охири. Боши утган сонда)

Аристотел Мариюни чинакамига севиб қолган эди. Унга турфа совғалар тақдим этар, унинг шарафига турли қабул маросимлари уюштирар эди. Ва шунингдек, хотини Тина билан ажрашишга ҳам улгурди, мақсади Марияга уйланиш эди. Лекин кутилмаганда тўсиқ пайдо бўлди.

Католик черкови Марианинг эри Менедженининг зимдан аралашуви билан никоҳни бекор қилишга рухсат бермади. Кутиш керак эди. Майли бир йил, майли беш йил... Чинакам, севган одамга бу муддат нима бўпти, ахир?!

1966 йили Мария Каллас ҳомилалор бўлди. Онасиснинг бу янгиликка муносабати эса Мария учун қутилмаган ва даҳшатли бўлди. Унинг севгилиси у кутаётган фарзанднинг туғилишини истамас, кескин рад этиб, аборт қилишни талаб этарди. Ушанда Мария қирқ уч ёшда эди. Бу унинг учун охири марта она бўлиш имконияти эканлигини яхши биларди. Нима қилсин, фарзанд кўрсинми ёки Онасисни десинми? Нима қилиш керак?

Хасталик туфайли у овозини йўқотиш даражасига етган, энди сўнги умиди гўдагидан ҳам жудо бўлсинми? Яқин орада черков ҳам унга ажрашишга рухсат бериши мумкин эди.

Шунинг учун ҳам Аристотелнинг фармонида кўра иш тутишга қарор қилди. Лекин кўп ўтмай Марияга севгилисидан мактуб олиб келишди. Бу хабарни етказган одам Аристотел қатл этилган Америка президентининг беваси Жаклин Кеннедига уйланганини маълум қилди. Бу Мариюни чалажон қиладиган даҳшатли ҳол эди. Шундай бўлса-да, Мария бор кучи — иродасини жамлаб бу одамга шундай жавоб қайтарди: “Сўзларимга эътибор қилинг. Худолар адолатли. Дунёда олий одил ҳакам бор”...

Шу тарзда Каллас барча орзуларидан мосуво бўлди. Бу ҳодисалар бўлиб утганидан сўнг Онасиснинг ўёли автоҳалокат туфайли бу дунёни тарк этди. Бундан азият чеккан миллионер умрининг охирига қалар ўзига келолмай юрди. Кўп ўтмай ўзи ҳам бу олам билан хайрлашди. Қизи Кристинага келсак, у ҳам отасининг ўлимидан сўнг наркотик моддаларни меъёридан кўпроқ истеъмол қилиш оқибатида умрини қисқартириб, жувонмарг бўлди.

ПИАНИНОЧИ КИМ ЭДИ?

Қўшиқ санъатининг буюк намоёнаси Мария Калласнинг пиروард кунлари, умрининг хотимаси қандай кечди?

У ҳаётининг сўнги йилларини сокинлик, хилватда ўтказишни маъқул топди. Кун бўйи у хонадан бу хонага ўтиб юрар, қушеткасида китоб муголаа қиларди. Мулоқот доираси ҳам оз таркиб: хизматкор, ҳайдовчи ва бир неча мусиқачилардан иборат. Улар билан Мария аввал бирга ишлаган, ҳамкор бўлган эди.

Кунлардан бир кун Мария бир қарорга келганидан сўнг, васиятнома ёзар экан, ана шу яхши одамларнинг номини қайд этишни лозим топди. Унинг 10 миллион доллари бу кишиларнинг ҳар бирини бахтиёр қилиши мумкин эди.

... Ва яна унинг ҳаётида пианиночи Васса Девятуй ҳам бор эди. У ҳайратланарли даражада садоқатли аёлигини намойиш этар ва айни чоғда ҳам мураббия, ҳам сирдош дугона ролини бажарарди. Васса одамни тинглашни ўрнига қўядиган, оғир, ҳаяжонли дақиқаларда инсонни тинчлантириш қобилияти билан ажралиб турарди.

Кўп ўтмай, у Мариянинг энг яқин маслакдоши ва сирдошига айланди, унга келган хатларга жавоб қайтаришни ҳам зиммасига олди. У дугонасининг кун тартиби — режимга амал қилишини назорат қиладиган, белгилаган соатда дориларини бериб турадиган бўлди. Шу тариқа Каллас ҳам унга боғланиб қолди...

Лекин Васса ўзини истисъодли, бироқ омадсиз пианиночи ҳисоблаб, ўз тақдирдан ўқинишини, Калласга эса ич-ичидан ҳасад қилиб, уни кўролмайд юришини Мария қайдан ҳам билсин?!

Ва яна васиятномада унинг номи бошқалар қатори санаб ўтилганини Васса кегира олмаслигини ҳам Мария ҳаёлига келтирмаганди...

Бу мулоим аёлнинг хатларга ва телефон қўнғироқларига жавоб бераётганида Мариани жуда оз қолган энг яқин дўстларидан жудо қилиши мумкинлигини тасаввур қила олармиди?

Яна ҳам даҳшатлиси, унга дориларни бериб турга-

нида тана (организм)ни емириб борадиган, тез таъсир этувчи, қучли тинчлантирувчи ва уйқу дориларини мунтазам суратда қўшиб туришини ва сўнги доза унинг ҳаётига зомин бўлишини англаб этиши мумкинмиди?!

КОТИЛНИНГ НОМИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Дзеффирелининг башорат қилиши ва таъкидлашича, айни Васса Мариянинг танасини ёришга монелик кўрсатган ва дарҳол куйдиришга фармойиш берган... Ва буни қўшиқчи аёл ўз ажалидан хабардор бўлиб қолиб, ундан илтимос қилганини сабаб ва рўкач қилишга уринган.

Шундан сўнг пианиночи васиятномаи ўзлаштириб, уйдаги нақд пулларга ва баъзи қимматбаҳо буюмларга эга бўлган.


Дзеффиреллининг фаразлари тўғри ёки нотўғрилигини биз ҳеч қачон била олмаймиз. Бинобарин, Мариадан сўнг Васса Девятчи ҳам кўп яшамди. Ҳатто васиятномадан фойдалана олишга ҳам улгурмади. Бундан чиқди, “Худолар адолатли” деганда Каллас ҳақ гапни айтган экан...

Мариянинг ўн миллион доллари суд қарори билан иккита мункиллаган қарияларга — Мариянинг онаси ва эри Менеджинига насиб этди.

Бундан уч йил аввал “Сатби’с” ким ошди савдоси (аукцион)да Мария Калласнинг буюмлари ким ошдига сотилди: нақ бир ярим миллиондан зиёд долларга: Уларнинг орасида Мария ҳомиласини аборт қилгани эвазига Онасис томонидан тақдим этилган қимматбаҳо мўйнали пўстин ҳам бор эди. Ким ошди савдосида на сотувчиларнинг ва на харидорларнинг номлари маълум қилинди.

Насиба ОЧИЛОВА



↘		↘		↘	→	Хосил уюми	АҚШ штати	М,	...дон		Ип мато	↘				
	Кеч куз даври		Хуш буй кукат		↘	Чорва- дор ман- зили		↘	а	↑						
↘					↘	Гўшт була- ги	Хузур	→	р	о	х	а	ш			
	Доим яшил дарахт	с	у	л	а	к	Кўк- лам таоми	↘	а	Исм	→					
	Чин...	→			↘	Кумуш- биби ватани	↘	м	а	р	з	у	↓	о	↑	н
о	↓	↓	м	а		Иш жони- вори	↘	х		Иш ҳақи	Пичан тўпла- ми	Пайт	Дунё	Ковун нави		
	Хўл мева	Дунё томо- ни	←			М,	↘	Кичик дарё	→							
↘				- Нима? «Шоҳга мот»?! Тезда тўшагингга бориб ётчи тирранча.								↘	Юпитер йул- доши			
	Ку- вонч	Иссиқ давр- га хос										↑		↘		
		и	↘										Исм	Бўёқ		
	Гиёҳ	→	у								↓					
↘		з	Ривож- ланиш	↘								Егу- лик				
	Даст- лабки	Кўриш аъзо- си	Сух- бат	Аёл исми		Ман- зил	→						Пар- доз			
Узум тули	←	т	о	к	Чи- дам	→				Сув тармоғи мутахас- сиси			↘			
↘		з		От спор- ти	→					Суз- ғич	→					
Хашарот Мато		Фурсат						↓		↘	Мў- ҳит	↘	Хаша- рот			
			↘	Таф- ов- вут	↘	Катта идиш		Қаз- ноқ		Мўй- сафид	↘	Уювчи модда				
				Сопол- соз ху- нар- манд	↘				Ранг- банг	↘		Дарахт қисми				
					↘	Муно- сабат				↘						
	Сунъ- ий тола		Уммон тўл- қини		↘	Қовун нави	↘	Ҳажм бир- лиги	↘	Сай- роқи куш	Куруқ мева	Сув омбо- ри	↘			
Омма, эл				↘	Суякни бириқ- тирув- чи аъзо	↘		↘					↘	Урмон жони- вори		

Q	Q	Q	W	Q	P	T	Фуқаролик ҳужжати	Инерт газ				
	Сомса тури		Торли, катта соз		Жанубий Америка дарёси		- Қара, уйдаги ҳамма соатлар бирварақайишга тўхтаб қолипти. Ишқилиб яхшиликка бўлсин.					
	Назмий жанр		Етук		Ит зоти							
	Абадий					Кимёгар шахри					Мукамал	Сўзамоллик
	Пуфлама соз					Сўз туркуми				Чопқирот		Хонадон корхонаси
Ўзбек соҳибкори				Беғубор	Ўзбек шоири	Россиядаги вилоят						
						Ун маҳсулот	Мучал йили					Миллат
			Товуш			Бино қисми					Тошкентдаги майдон	Радиоактив элемент
						Аёл исми	Парранда					
						Синов						
			Баҳор ойи				Қовурма егулик					Ҳарбий ўлжа
Давлат (Америка)		Сутдаги шакар модда		Қон томири		Томон	Муносабат					
			Монах аёл			Электр улчови	Зилзила ўлчови	Безак	Пайт			
Китоб ўқиш жиҳози								Илмгоҳ				
Мўйнали жонивор	Тантана		Бардош					Франсуз адабиёти	Бирор ёққа жўнаш	Тутқин		
			Ёриткич					Миллат (Осиё)				
							Фойда	Муסיқали санъат		"Тоҳир ... Зухра"		
					Шовшув	Мудом	Қўшни юрт пойтахти	Жўмрак				
Хил тур	Пардоз									Либос қисми		Тансиқ таом



Ёшлиқ қуввати

Аллақайси бир ўтиришда Ҳаким мақтанди:

— Ёшлигимда қандай бақувват бўлсам, ҳозир кексалигимда ҳам шундайман.

— Буни нима билан исбот қила оласан? — деб сўрашди ундан.

— Ҳовлимизда катта бир тош бор. Ёшлигимда қанчалик тиришиб-тирмашсам ҳам ердан узолмас эдим. Ҳозир ҳам қанчалик уринмай, ўрнидан қўзғатолмайман.

Ёлгоннинг фойдаси

Бир оила поездда сафарга чиққан эди. Ота олти яшар ўгли билан ҳазиллашмоқчи бўлиб, унинг бошидан қалпоғини олиб орқасига яширди-да, деразадан қалпоқни ташлаб юборгандек қўлини силтди. Буни кўриб бола йиғлай бошлади. Ота боласининг йиғлашидан кулиб:

— Йиғлама, ҳечқиси йўқ, ҳозир мен бир хуштак чалсам, қалпоғининг ўзи қайтиб келади! — деди. Ота хуштак чалди, кейин қалпоқни орқасидан олиб болага кўрсатди. Бола пайт пойлаб ўтириб, орадан сал вақт ўтгач, отасининг қалпоғини бошидан юлқиб олиб, деразадан улоқтириб юборди-да:

— Дадажон, йиғламанг, ҳозир бир хуштак чалсангиз, ўзи қайтиб келади, — деди.

Совуққон одам ҳам шамоллайдими?

Бир дўстининг бетобланиб қолганини эшитган Жаҳонгир уни кўргани борди. Гап шундаки, дўсти жуда совуққон эди. Жаҳонгир унинг аҳволини сўради.

— Мени сафройим ошиб кетибди, ўпкамни совуқ олибди, — деди бемор.

— Сафрони-ку билмайман, аммо сендай совуққон одамнинг ўпкасини совуқ олишига сира ақлим бовар қилмай турибди.

Ҳаммаси ўз қўлингизда

Жамшид табиб билан гаплашиб қолди.

— Бир одам шундай жаҳлимни чиқардики, агар қўлимдан келса, ўша ернинг ўзидаёқ, у дунёга жўнатар эдим, — деди табиб.

— Хафа бўлманг! Бунинг қўлингиздан келмаслигини қаёқдан биласиз. Бир марта касал бўлса бас-да, — деди Жамшид.

Эртак

Зийрак бир қизча онасига:

— Ойижон, бир эртак айтиб берсам эшитасизми? — деб сўради.

— Айт, айланай қизим.

— Эртагим унча қизиқарли бўлмаса ҳам майлими?

— Майли, жоним қизим, майли!

Қизча онасининг қулоғига шивирлади:

— Бир бор экан, бир йўқ экан, бир қимматбаҳо чинни идиш печканинг устида экан, ўша тушиб чил-парчин бўлибди...



— Аррани ўз жойига ўрнатибман-у, маҳкамлаш ёдимдан чиқибди.




— Мана бу рангга нима дейсиз, хоним?




— Хафа бўлмагин-у, агар сен от бўлганингда, сени отиб ташлашга тўғри келарди.

Нигина ҚОДИРОВА,
Комил ЖОНТОВЕВ
тайёрлади



Суратда: Педагогика фанлари номзоди,
доцент Равшан Ражабов (чапда) шогирди, расом
Хайитбой Султонов билан ижодий суҳбатда



Ўн ўзиний номидан ШДПУ «Санъат» факультети
кафедра ўқитувчиси Хайитбой Султонов ижодидан лавҳалар





Устоз санъаткор
Назиржон Назаров

шоғирди

хр Муҳиддинжон

4605

биан



Обуна давом этмоқда

Индекс: якка обуначилар учун – 820, Ташкилотлар учун – 806.

Баҳоси: келишилган нарҳда.